

УЛУҒБЕК МАНСУРОВ

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИ (1917-1924 ЙИЛЛАР)



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

УЛУҒБЕК МАНСУРОВ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИ
ТАРИХИ (1917- 1924 ЙИЛЛАР)**

Наманган – 2019

Мазкур монографияда 1917–1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарлари тарихи таҳлил этилган бўлиб, унда 1917 йилдаги Феврал инқилобининг Фарғона водийси шаҳарлари сиёсий бошқарувига таъсири, Шаҳар Думалари фаолияти, шаҳарларнинг маъмурий ва ҳудудий бошқарувидаги ўзгаришлар, маданий, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг ахволи, шаҳар бюджети, савдо-саноат объектлари ва ободончилик масалалари ҳамда иқтисодий муаммолар архив манбаларига таянган ҳолда ёритилган. Мазкур монография олий ўқув юртлири талабалари, магистрантлар, тадқиқотчилар ва шаҳарлар тарихини ўрганувчилар учун муҳалланган.

Масъул муҳаррир:

т.ф.д., проф. Д.Х.Зияева

Тақризчилар:

т.ф.д., проф. А.Н.Расулов

т.ф.н., доц. А.А.Эркўзиев

Наманган давлат университети Ўқув-услубий кенгашининг 2019 йил 10 майдаги 5 - сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган.

Наманган нашриёти, У.Мансуров, 2019 й.

271438

СЎЗ БОШИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарлари тараққиётида янги босқич бошланди. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар доирасида шаҳарлар тараққиётига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда илк бор «Шаҳарсозлик кодекси» қабул қилинди, деярли ҳар бир йирик шаҳарнинг қурилиш режаси ишлаб чиқилди. Шаҳарларнинг ривожланиш истиқболини белгилашда уларнинг ўтмишини чуқур ўрганиш, ривожланиш анъаналарини тиклаш, мавжуд муаммоларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим вазифага айланди. Шу ўринда Ўзбекистон шаҳарлари тарихида алоҳида из қолдирган 1917–1924 йилларда кўп асрлик тарихий анъаналарнинг издан чиқиши, деурбанизация жараёнларининг содир бўлиши ушбу муаммо сабабларини, бунга таъсир қилган омилларни ўрганиш заруратини юзага келтиради. Айнан шу ҳолат яъни 1917–1924 йилларда Фарғона водийси ҳудудида анъанавий шаҳар маданияти таназзулининг сабабларини, унга таъсир этган омилларни аниқлаш зарурияти мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Мазкур монографияда 1917–1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарлари тарихи илк бор ёритиб берилган. Бундан ташқари, китобда Фарғона водийси шаҳарларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт илк бор ҳолисона, объектив, умумлаштирилган ҳолда янги маълумотлар, архив ҳужжатлари асосида таҳлил этилган. Монографияда ижтимоий-иқтисодий хусусияти ва аҳамияти билан ажралиб турадиган, Ўзбекистоннинг аҳолиси энг зич жойлашган ҳудудлардан бири – Фарғона водийси, хусусан унинг шаҳарларида XX асрнинг энг мураккаб даврида кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар тарихини ўрганилиб, таҳлил қилинган. Шунингдек, монографияда муайян бир ҳудуд – Фарғона водийсидаги шаҳарлар тарихига алоҳида эътибор қаратилиши ижобий ҳолдир. Шу билан бирга Фарғона водийсида совет ҳокимиятининг зўрлик билан ўрнатилиши ва унга қарши қуролли қаршилик ҳаракати тарихи, большевикча бошқарув тизимининг

карор топиши қиёсий ёритилган. Шунингдек, водий шаҳарларидаги маориф ва халқ таълими тизими, мавжуд мактаблар фаолияти, санъат, театр соҳасидаги ўзгаришлар янги маълумотлар асосида ўрганилган. Муаллифнинг ўз тадқиқоти юзасидан жиддий изланишда бўлганлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, келтирилган маълумотлар нафақат Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, шунингдек, Фарғона, Андижон, Наманган вилоят давлат архивларининг қатор фондларидан кенг фойдаланилганлигидадир.

Муаллиф ҳар бир тарихий воқеа ва далилни одилона, ҳаққонийлик ва изчиллик асосида таҳлил эта олган.

Уйлаймизки, ушбу китобни нашр этилиши Ўзбекистон тарихининг советлар давридаги тарихини янги манбалар асосида бойитишида маълум бир ҳисса қўшади.

Д.Х.Зияева
тарих фанлари доктори, профессор

Кириш

Жаҳон тарихида шаҳарлар жамият ва давлат тараққиётининг кўрсаткичи сифатида илк давлатчилик давридан бошлаб муҳим аҳамият касб этиб келган. XXI аср бошларига келиб фан ва техника тараққиёти натижасида дунё мамлакатларида содир бўлган урбанизация жараёнлари таъсирида шаҳар маданияти жадал ривожланиб ўзгариб бормоқда. Шаҳарлар тарихини тадқиқ этишнинг илмий аҳамияти энг аввало ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва уларни ривожлантиришда тарихий омилларни эътиборга олиш зарурияти билан белгиланади. Зеро, шаҳарлар ривожини ўз тарихи давомида ривожланиш, турғунлик ва инкироз давларини босиб ўтган. Шаҳарлар инкирози табиий офатлар, ҳарбий босқинлар ва урушлар билан боғлиқ бўлса, ривожланиш омиллари савдо ва ишлаб чиқариш тараққиёти, коммуникация, ташқи ва ички алоқалар имконияти, экология муҳити ҳамда мамлакатдаги тинчлик, барқарорлик билан узвий боғлиқдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида аҳоли манзилгоҳлари бўйича фаолият олиб боровчи марказ томонидан 2001 йилда қабул қилинган «Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари янги минг йилликда» номли дастурда шаҳарларнинг барқарор тараққиёти тамойиллари ва мақсади ишлаб чиқилган¹. Дастурда замонавий ва тарихий шаҳарлар аҳолисининг турмуш шароити ва даражаси, шаҳар қурилиши, инфратузилмаси, экологияси, урбанизация масалалари ўз аксини топган. Бу дастур йўналишида Ўзбекистонда иқтисодий тадқиқотлар марказида ХАБИТАТ ташкилоти билан ҳамкорликда шаҳарлар бўйича кенг изланишлар олиб борилган².

Шаҳарлар йил сайин кенгайиб, интенсив равишда ўсиб бораётган бугунги кунда замонавий шаҳар маданияти истиқболларини, тарихий хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан шу мақсадда дунёнинг етакчи илмий

¹ www.un.org/ru/ga/habitat/

² Уровень жизни городского населения в Узбекистане сквозь призму глобального финансово-экономического кризиса. – Ташкент. 2010. – 38 с.

марказларида шаҳарлар тарихи ва таракқиёти муаммолари жумладан, йирик мегаполислардаги босимни юмшатиш учун ўрта ва кичик ҳамда йўлдош шаҳарларни ривожлантириш масалаларини ўрганиш, уларнинг тарихий хусусиятларини аниқлашга алоҳида урғу берилмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон ҳудудида ҳам мазкур муаммолар тадқиқи муҳим аҳамият касб этиб, кун тартибида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шаҳарлар таракқиётини режалаштиришда уларнинг тарихий хусусиятларини аниқлаш ва англаб етиш ушбу тадқиқот заруриятини алоҳида таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона водийсига 2017 йил июнь-июль ойларидаги ҳамда 2018 йил май ойида Наманган вилоятига ташрифи чоғида шаҳарларда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар, саноат комплекси, иссиқлик электростанцияси, маданий-маърифий муассасалар, логистика таракқиётига оид муҳим вазифалар³ белгилаб берилдики, уларнинг ижроси замонавий шаҳар маданияти таракқиётида муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот мавзусига оид адабиётларни даврий ва концептуал ёндашув жиҳатидан учта гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Совет даври адабиётлари; 2. Мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар; 3. Хорижий нашрлар.

Биринчи гуруҳга кирувчи адабиётлар орасида XX асрнинг 20 йилларида яратилган тадқиқотлар алоҳида ўрин тутди. Бу даврда яратилган асар муаллифлари Т. Рисқулов, Н. Тўрақулов, Г. Сафаров 1917–1924 йиллар тарихий воқеаларининг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси эдилар.

Т. Рисқуловнинг «Революция и коренное населения Туркестана» номли рисоласида Фарғона водийсидаги 1917–1919 йиллар сиёсий вазиятини тўла тасвирлаб берган. Унинг

³ <http://andian.uz/>, www.president.uz/ru.

таъкидлашича, совет ҳокимиятининг Фарғона водийсида, шунингдек, бутун Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати, ҳамда маҳаллий аҳолининг манфаатини инобатга олмасдан амалга оширган ислохотлари натижасида ўлкада большевикларга қарши кураш бошланиб кетган. Муаллиф ўзи гувоҳ бўлган воқеалар асосида Фарғона водийсида совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги аҳвол, водийдаги очарчилик ва унинг оқибатлари ҳамда Қизил армия аскарлари, арман дашноқлари томонидан қилинган хунрезликлар, унинг оқибатларини илк бор замондош сифатида холисона ёритиб берган⁴.

1921 йилда нашр қилинган «Военная мысль» журналининг 2-сонида «Дарвиш» таҳаллуси остида Назир Тўракуловнинг «Фарғона муаммоси» («Ферганская проблема») номли мақоласи эълон қилинган. Муаллиф мазкур мақолада шу даврда Фарғонадаги оғир аҳволни таҳлил қилар экан, совет органларининг озик-овқат сиёсатини юритишдаги қўпол хатоларини ва маҳаллий аҳолининг аянчли тақдирини кўрсатиб берган⁵.

Бу даврда Туркбюро аъзоси бўлган Г.И. Сафаров қаламига мансуб рисолада ҳам Туркистоннинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи, ўлкада совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг зўравонлик сиёсати, Кўконда тузилган «Туркистон мухторияти» ҳукуматининг ағдариб ташланиши ва унинг натижасида водийда бошланиб кетган қуролли қаршилик ҳаракати ҳақида муҳим маълумотлар берилди. Г.И. Сафаров Туркистондаги Октябрь тўнтаришини асосан, рус миллатига мансуб аҳоли томонидан амалга оширилганлигини ва маҳаллий аҳоли бу воқеалардан мутлақо четда бўлганлигини қайд этган⁶.

Туркистон ўлкасидаги иқтисодий масалаларни ёритишда бир гуруҳ мутахассислар томонидан тайёрланган Туркистон Республикасининг хўжалик ҳаёти ҳақидаги ҳисобот муҳим

⁴ Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. (Сборник статей, докладов, речей и тезисов). Часть 1. 1917–1919 гг. – Ташкент: Узбекгосиздат, 1925. – 218 с.

⁵ Дервиш. Ферганская проблема // «Военная мысль». Книга. – № 2. – Ташкент, 1921. – С. 108–118.

⁶ Сафаров Г.И. Колониальная революция / Опыт Туркестана. – Москва, 1921. – 184 с.

аҳамиятга эга⁷. Унда Туркистон ўлкаси, шунингдек, Фарғона вилояти уезд-шаҳарларидаги халқ хўжалиги ва аҳоли турмушининг кўплаб соҳаларига оид муҳим статистик ҳамда расмий маълумотлар келтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср 20-йилларида яратилган асарларда тарихий ҳақиқат нисбатан бўлса-да, ҳолисона кўрсатилган ҳамда бу тадқиқотларда жамиятдаги фикрлар хилма-хиллиги ҳам ўз аксини топган.

XX аср 30-йиллар бошидан мамлакатда қарор топган тоталитар тузум бу мураккаб жараёнга баҳо беришда ўз ҳукмини ўтказди. Бу даврда коммунистик мафкурадан бошқа ҳар қандай фикрга қаршилик кўрсатилди. Совет тарихшунослигида XX асрнинг 30-йилларидан то 80-йилларнинг ўрталаригача яратилган тадқиқотларда Октябрь тўнтариши ва Туркистондаги большевиклар режимининг ўрнатилиши, Фарғона водийси шаҳарларидаги сиёсий жараёнлар⁸, ижтимоий-иқтисодий аҳвол⁹, маданий ҳаётдаги ўзгаришлар¹⁰ ҳақида жуда кўп фактлар илмий истеъмолга киритилди, аммо уларнинг асл моҳияти ҳукмрон мафкура доирасида талкин этилади.

⁷ Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики. – Ташкент, 1921.

⁸ Ёқубов Б. Фарғона водийсида Совет ҳокимиятининг ўрнатиш учун кураш. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1954; Қўқонбоев А. Фарғонада Совет ҳокимиятининг ўрнатиш учун кураш. – Тошкент, 1958. – 116 б; Кельдиев Т. Х. Разгром контрреволюции в Ферганской и Самарқандской областях Туркестанской АССР (1918–1923 гг.). – Ташкент: 1958. – 149 б; Шамаъдиев Ш. А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. – Ташкент, 1957. – 388 б.

⁹ Акрамов З. Фарғона водийси. – Тошкент: Фан, 1957. – 87 б; Ўша муаллиф: Фарғона водийси шаҳарлари: қисқача справочник. – Тошкент: Ўздавнашр, 1960. – 139 б; Хонкелдиев Ю. Маргилон: шаҳар истикболи – Тошкент: Ўзбекистон, 1968. – 82 б; Тўхтасинов И. Фарғона. – Тошкент: Ўзбекистон, 1969. – 56 б; Ата-Мирзаев О., Катанов И. Фарғона водийси шаҳарлари (демография тўғрисида баъзи фикрлар). – Ташкент: 1972. – 32 б; Горбонова Н. Кўҳна Фарғонада. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972. – 39 б; Гафуров А. Ферганская область. – Ташкент: Ўзбекистан, 1974. – 137 б; Фарғона области: тарихий-иқтисодий справочник. – Тошкент, 1974. – 135 б; Фарғона области. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – 2 б; Ферғана 100 лет. – Ташкент: Ўзбекистан, 1977. – 109 с; Экономические проблемы повышения эффективности сельского производства (на примере Ферганской долины). – Ташкент: Фан, 1979. – 123 с; Колбинцев А. Фарғона водийси буйлаб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – 101 б; Рўзибоев Т., Хожимирзаев М. Наманган области: Справочник. – Ташкент: Ўзбекистон, 1981. – 176 б; Султонов Н. Фарғона иқтисодий райони саноатининг ривожланиши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – 24 б; Алиакберова Н. М., Гольдфарб Н., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). – Ташкент: Фан, 1990. – 49 с.

¹⁰ Умаралиев А. Из истории строительства социалистической культуры в Ферганской долине. – Ташкент: Фан, 1977. – 100 с.

Хуллас, совет тарихшунослигида яратилган тадқиқотлар, илмий-оммабоп адабиётлар, қисқача маълумотномаларда Фарғона водийси шаҳарларидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳвол, халқ таълими масалалари ҳамда маданий ҳаёт, шаҳар аҳолиси, саноатига оид жуда кўп фактлар қайд этилса-да, улардаги тарихий жараёнлар моҳияти ҳукмрон мафкура манфаатларига мос равишда бир томонлама талқин этилган.

А. Ғофуров тадқиқотларида эса Фарғона водийсининг собиқ совет тузуми давридаги демографик хусусияти ақс эттирилган¹¹.

З. Акрамовнинг рисоласида Наманган вилоятининг географик таснифи, ҳўжалиги, аҳолиси ҳақида маълумотлар берилган¹². Унда саноат ва қишлоқ ҳўжалигидаги аҳвол совет тузуми ютуқларини улуғлашга қаратилган бўлиб, муаммолар ҳақида мутлақо маълумот берилмаган.

Юқорида келтирилган илмий изланишлар гарчи совет ҳукмронлиги даври мафкураси нуқтаи-назаридан ёзилиб, уларда қайд этилган маълумотлар худуднинг мазкур даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар ҳамда демографик вазияти ҳақида маълумотлар берса-да, уларнинг моҳияти бузиб кўрсатилган.

Шунингдек, XX аср 50-йиллари ўрталари ва 60-йилларнинг бошларида яратилган тадқиқотларда, жумладан, Андижон шаҳрининг сиёсий ва маданий ҳаётига оид тадқиқотларда халқ таълими масалалари¹³, Наманган вилоятига бағишланган тадқиқотларда 1917–1941 йилларда амалга оширилган маданий қурилиш соҳасидаги ўзгаришлар ҳукмрон мафкура доирасида талқин этилган¹⁴.

¹¹ Гафуров А. Ферганская область. – Ташкент: Узбекистан, 1974. – 26 с; Фарғона 100 ёшда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – 11 б; Экономические проблемы повышения эффективности сельского производства (на примере Ферганской долины). – Ташкент: Фан, 1979. – 24 с; Ферганская область за годы Советской власти. – Ташкент: Фан, 1980. – 31 с.

¹² Акрамов З. М. Наманганская область (историко-географический очерк). – Ташкент: Из-во АН УзССР, 1955. – 176 с.

¹³ Ардаширов А. Борьба за советскую школу в Андижане (1917–1918 гг.) // Учёные записки Андижанского гос.пед.института (АГПИ). вып II. – Андижан, 1955. – С. 109-132; Ўша муаллиф: К истории народного образования Андижанской области (1921–1924 гг.). – Труды АГПИ, Т.Х. – Андижан, 1964. – С. 78–91.

¹⁴ Умаралиев А. Из истории строительства социалистической культуры в Ферганской долине. – Ташкент: Фан, 1977. – 100 с.

XX асрнинг 60- йиллари охири – 70- йиллари биринчи ярмида нашр этилган кўп жилдлик фундаментал тадқиқотларда ҳам Октябрь тўнтаришидан кейинги йилларда Фарғона водийси шаҳарларидаги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий аҳвол ҳукмрон мафкура нуктаи-назаридан ёритилиб, реал аҳвол ўз аксини топмади¹⁵.

Т. Рўзибоев ва М. Ҳожимирзаевлар томонидан эълон қилинган маълумотномада Наманган вилоятининг тарихий ўтмиши, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид фактлар ҳам бир ёклама, мафкуравий қолиплар доирасида қайд этилди¹⁶.

Совет тарихшунослигида XX аср 80-йиллари иккинчи ярмидан эътиборан бошланган қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати туфайли ўтмишга ҳолисона баҳо беришга маълум даражада имконият туғилиши билан мазкур масала талқинида янгича ёндашувлар шакллана бошлади. Хусусан, 1917–1924 йилларда ўлкада, шунингдек, Фарғона водийси шаҳарларида содир бўлган жараёнлар ҳақида илгари яширилган тарихий ҳақиқат ўз аксини топа бошлади¹⁷.

1989 йил 15–16 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтида «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Октябрь инқилоби: назария, муаммоларни ўрганиш истиқболлари» мавзусида бўлиб ўтган республикалараро илмий конференцияда Р. М. Абдуллаев, И. А. Алимов, С. С. Аъзамхўжаев, Р. А. Нуруллин, В. А. Семенюта, Ф. Қ. Қосимов, М. Қ. Ҳасанов каби олимларнинг маърузаларида Ўзбекистонда, хусусан, Фарғона водийси шаҳарларида 1917–1924 йилларда оид содир бўлган воқеалар, Октябрь тўнтариши, большевиклар ҳукуматининг зўрлик билан ўрнатилиши, ўлкада тузилган маҳаллий ташкилотлар, Туркистон мухторияти ва унинг фаолияти каби масалалар борасида илк марта

¹⁵ Ўзбекистон ССР тарихи. 4-жилдлик. Т. 3. – Ташкент, 1974; Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. – Ташкент, 1967. – 769 с; Очерки коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент, 1974.

¹⁶ Рўзибоев Т., Ҳожимирзаев М. Наманган области: Справочник. – Ташкент: Ўзбекистон, 1981. – 176 б.

¹⁷ Мамажонов Н. Акс садо // Шарқ юлдузи. – 1989. – №9. – Б. 165; Муродов М. Қўшиб ёзишнинг илдизлари // Шарқ юлдузи. – 1989. – №9. – Б. 163–165.

холисона фикрлар илгари сурилди¹⁸. Бундай ёндашувлар матбуот саҳифаларидаги кўплаб мақолаларда ҳам намоён бўла бошлади¹⁹.

В. А. Семенюганинг 1917–1920 йилларда Туркистонда, хусусан, Фарғона водийси шаҳарларидаги озик-овқат муаммоларига бағишланган тадқиқоти²⁰ мустақиллик йилларида нашр этилган янги тадқиқотларнинг илк намунаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг коммунистик мафкура ҳукмронлигидан халос бўлиш, марказга тобеликдан қутулиш туфайли тарихни ҳаққоний ва холисона баҳолаш қарор топди. Кейинги йилларда ватан тарихшунослигида ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қарши кўтарилган қуролли қаршилик ҳаракати тарихи муаммоларига бағишланган бир қатор тадқиқотлар юзага келди, асарлар нашр этилди. Масалан, Ў. Қосимовнинг «Қора кўзойнак билан ёзилган тарих» номли китобида 1917 йил февраль инқилобидан кейин Наманган уездида ташкил топган миллий-демократик ташкилотлар, қуролли қаршилик ҳаракати ҳақидаги янги маълумотлар илмий муомалага киритилган²¹.

Мустақиллик йилларида яратилган рисоалар²², дарсликлар²³, турли тўпламлар²⁴ ҳамда докторлик ва номзодлик

¹⁸ Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: Теория, проблемы, перспективы изучения Отв.ред.сборника Р.Я.Раджапова. – Ташкент: Фан, 1991.

¹⁹ Исmoilов Х. Туркистон 1917 йилда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент., 1990. 27 июл; Хасанов М. Туркистон Мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма // Фан ва турмуш. – Тошкент., 1990. – № 9. – Б. 4-6; Алимов И.А. Левацкие перешбы в решение религиозного вопроса в ТАССР // Общественное науки в Узбекистане. – Ташкент., 1981. – № 1. – С. 31-40; Ражабов Қ. Ленин билан бахслашганлар. // Саодат. – Тошкент., 1991. – № 4. – Б. 5-6; Ўша муаллиф: «Совет ҳокимияти бизга қимматга тушди» // Ёш куч. – Тошкент., 1991. – №11. – Б. 20-21; Акрамов А. Босмачилик ҳаракати ва унинг моҳияти // Ҳаёт ва иқтисод. – Ташкент., 1991. – № 7. – Б. 58-63.

²⁰ Семенюта В.А. Опыт решения продовольственного вопроса в Туркестане в первые годы советской власти (1917–1920 гг) Автореф. дис. ... канд.ист.наук. – Ташкент, 1991. – 21 с.

²¹ Қосимов Ў. Қора кўзойнак билан ёзилган тарих (Туркистон «Қўқон» Мухторияти, миллий-озодлик ҳаракати ва мустақиллик учун кураш тарихига доир). – Наманган, 1993. – 104 б.

²² Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: Эволюция социального положения. 1917–1937 гг. – Ташкент., 1992. – 160 с; Аъзамужаев С.С. Туркистон бирлиги. (Мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар). – Тошкент., 1995. – 16 б;

²³ Ражабова Р. Ё ва бошқ. Ўзбекистон тарихи (1917–1993 йиллар). 9-синф учун. – Тошкент, 1994; Раджабова Р. Я и др. История Узбекистана (1917–1993 гг.). 9-класс. – Ташкент., 1995.

²⁴ XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). 1-2 қисмлар / Маъсул муҳаррир Д. А. Алимова. – Тошкент, 1994; Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. – Тошкент, 1996; Независимость и история: новые подходы к изучению истории Узбекистана. – Ташкент, 1997.

диссертацияларда янги услубий ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар яққол намоён бўлди.

Хусусан, бу даврда Р. М. Абдуллаев, С. С. Аъзамхўжаев, Д. Х. Зияева, Б. А. Кошанов, А. Т. Мингноров, Ф. Х. Набиев, Н. А. Норжигитова, Қ. К. Ражабов, С. Б. Шодмонова, Ш. Г. Ғойибназаров томонидан яратилган тадқиқотларда Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар²⁵, Н. Г. Озерова, А. Х. Раҳмонкулова, Х. М. Қуллиев, М. М. Ҳайдаров, А. А. Ерметовларнинг тадқиқотларида эса иқтисодий жараёнлар илк бор ўзининг ҳолисона баҳосини олди²⁶.

Хусусан, Фарғона водийсида совет тузумини ўрнатилишига қарши қуролли қураш тарихини ёритишда Қ. К. Ражабовнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг тадқиқотларида

²⁵ Ғойибназаров Ш. Г. Общественное развитие Узбекистана в 20-х годах. Противоречивость политических тенденций: Автореф. дисс.... докт. полит. наук. – Ташкент, 1994. – 40 с; Кошанов Б. А. Большевики в Туркестане (1918-1922 гг.) Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – Ташкент, 1994. – 45 с; Норжигитова Н. Историография «басмаческого движения» в Туркестане (советский период) Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 27 с; Набиев Ф. Проблемы и противоречия социальной политики в Туркестане (1917-1927 гг.): Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 24 с; Агзамходжаев С. Туркистон мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917–1918 гг.): Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – Ташкент, 1996. – 62 с; Абдуллаев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 годы. Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – Ташкент, 1998. – 62 с; Зиёева Д. Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX в (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движения «истиклолчилик» 1918–1924 гг.). Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – Ташкент, 1999. – 61 с; Рустамова Г. К. Колониальная сущность царской большевистской власти в Туркестане (1867–1924 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1999. – 34 с; Мингноров А. Т. Вопросы национально-освободительной движения в национальной периодике. (февраль 1917- середина 1918 гг.) Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент, 2000. – 32 с; Шадманова С. Б. Вопросы борьбы против советского колониализма в Туркестане в 1917–1923 годах в немецкой и турецкой историографии: Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент, 2002. – 31 с; Ражабов К. К. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг.) Автореф. дисс.... докт. ист. наук. – Ташкент, 2005. – 66 с.

²⁶ Ражабов К. К. Истиклолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918–1924 гг.) Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 32 с; Раҳманкулова А. Общественно-политическая жизнь Узбекистана (20-е годы). Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 32 с; Озерова Н. Г. Дехканство Туркестана в условиях перехода к НЭПУ (1917–1924 гг.) Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент, 1997. – 22 с; Қуллиев Х. Складывание экономических и духовных основ тоталитарного строя в Туркестане (1917–1924 гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – 27 с; Ҳайдаров М. Централизаторская политика Советской власти в Туркестане и её последствия (1917–1924 гг.) Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – 28 с; Ерметов А. А. Туркистон АССРда назорат органлари ва улларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918–1924 йй.) Тарих. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 28 б.

Туркистон ва Фаргона водийсидаги қаршилик ҳаракатининг тарихи ёритиб берилган²⁷.

С. С. Агзамхўжаевнинг тадқиқотларида Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлаб шаҳарларда ўтказилган намойишлар, маҳаллий аҳолининг Мухториятга бўлган муносабати ёритиб берилган²⁸.

Р. М. Абдуллаев эса Туркистон, жумладан, Фаргона водийси шаҳарларида 1917–1918 йиллардаги миллий-сиёсий ташкилотларнинг шаклланиши ва фаолиятини ёритиб берган²⁹.

Фаргона водийси шаҳарларининг совет даври тарихига оид айрим маълумотлар, хусусан, тарихий шаҳарлар юбилейига бағишланган нашрларда³⁰, уларни нишонлаш муносабати билан ўтказилган илмий анжуманлар материалларида қисман ўз аксини топган³¹.

О. Абдуллаевнинг «Фаргона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнлари» деб номланган рисоласида совет даври ва мустақиллик йилларида Фаргона водийсидаги, жумладан, Намангандаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таҳлил этилди³².

²⁷ Раджабов К. К. Истиклолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918–1924 гг). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 32 с; Ўша муаллиф: Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг). Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 2005. – 66 с; Ўша муаллиф: Фаргона водийсидаги истиклолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918–1924 йиллар). – Тошкент: «Yangi nashr», 2015. – 240 б.

²⁸ Агзамхўжаев С. С. Туркистон Мухторияти: борба за свободу и независимость (1917–1918 гг). Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 1996. – 62 с.

²⁹ Абдуллаев Р. М. Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 годы. Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 1998. – 62 с.

³⁰ Шахрисабз Минг йиллар мероси / Масъул муҳаррир: Хамидулла Кароматов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 228 б; Қарши – 2700 / Масъул муҳаррир: Э. В. Ртвеладзе. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 363 б; Марғилон – 2000 / Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 225 б; Самарқанд – 2750. Фотоальбом / Т. Ширинов, М. Жўракулов, М. Исомиддинов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 272 б.

³¹ Тарих ва тақдир: Фаргона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Наманган, 2000. – 120 б; Қўқон асрлар силсиласида / Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Қўқон, 2004. – 351 б; Фаргона водийси тарихи янги тадқиқотларда / Республика илмий анжуман материаллари. – Фаргона, 2009. – 416 б; «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар» / Республика Ёш олимларининг биринчи илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – 352 б; Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2017. – 200 б.

³² Абдуллаев О. Фаргона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнлари. – Наманган, 2000. – 292 б.

Э. Мирзалиевнинг Фаргона водийсидаги Наманган шаҳри тарихига оид «Наманган шаҳар халқ маорифи тарихидан», «Наманган маданияти тарихидан лавҳалар», «Наманган шаҳри тарихидан лавҳалар» каби рисоласида XX аср бошларида Наманган шаҳридаги халқ таълими тизимидаги ўзгаришлар ҳамда маданий ҳаёт ҳақида кизиқарли маълумотларни қайд этгани билан эътиборлидир³³.

У. Долимовнинг наманганлик маърифатпарвар Исоқхон Ибротнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарида адибнинг ижодий фаолиятини ёритиш билан бирга, унинг замондошлари ва ушбу даврда Намангандаги маданий ҳаёт ҳақида ҳам қисман маълумотлар бериб ўтган³⁴.

Д. Х. Зияевнинг мавзуга доир қатор ишлари тадқиқот мавзусини ёритишда катта аҳамият касб этганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Муаллифнинг мустақиллик йилларида кўплаб илмий мақолалари ва монографиялари чоп этилдики, бу асарларда турли манбалардан фойдаланган ҳолда XX аср бошларида Туркистондаги, шунингдек, Фаргона водийси шаҳарларидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт таҳлил қилиб берилади. Муаллиф ўзининг «Туркистон миллий озодлик ҳаракати»³⁵ деб номланган асарида 1918–1924 йилларда совет ҳокимиятига қарши халқ курашларининг ва совет адабиётлари ҳамда хорижий тадқиқотлардаги талқини, бу масалалардаги замондошлар қарашларини, Марғилон шаҳри тарихига оид мақолаларида шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларни³⁶, Совет ҳокимиятининг хусусий мулк ва тадбиркорликка қарши кураш сиёсати оид мақолалари Туркистон шаҳарларида пахта саноати, хусусий корхоналар, темир йўллар,

³³ Мирзалиев Э. Ю. Наманган шаҳар халқ маорифи тарихидан. – Наманган, 1989. – 31 б; Ўша муаллиф: Наманган маданияти тарихидан лавҳалар. – Наманган, 1994. – 105 б; Мирзалиев Э. Ю., Бозорова М. Т. Наманганнинг XIX аср охири – XX аср бошидаги социал-иқтисодий ва маданий ривожланиши. – Наманган, 1998. – 168 б; Юсупов И., Мирзалиев Э. Наманган шаҳри тарихидан лавҳалар. – Наманган, 2010. – 112 б.

³⁴ Долимов У. Исоқхон Иброт. – Тошкент: Шарк, 1994. – 114 б.

³⁵ Зияева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918–1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги) – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 176 б.

³⁶ Зияева Д. Х. XIX–XX аср бошида Марғилон шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2007. – №4. – Б. 10-15.

банк ва босмаҳоналарнинг «национализация» қилинишининг оқибатларини таҳлил этди³⁷.

С. Б. Шодмонованинг 1917–1924 йиллардаги сиёсий курашларнинг хорижий тарихшунослигига оид монографиясида Туркистон шаҳарларида совет тузумининг ўрнатилиши, Туркистон Мухториятининг тақдири, Туркистондаги курулли ҳаракатнинг сабаблари ва мақсади каби масалаларда немис ва турк тарихчиларининг қарашлари таҳлил этилади³⁸. Шунингдек, С.Шодмонованинг «Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917–1941 йиллар)» номли тадқиқотида эса шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларининг аҳволи, шаҳар қиёфасидаги ўзгаришлар ёритилади³⁹. Шу билан бирга, унинг мақолаларида ХХ аср бошларида Туркистон ўлкасида, шунингдек, Фарғона водийси шаҳарлари Давлат Думасига ўтказилган сайловлар, уларда аёлларнинг иштироки ва бу жараёнларни миллий матбуот саҳифаларида ёритилиши каби масалалар таҳлил қилинган⁴⁰.

Р. Турсунова қаламига мансуб мақолаларда февраль инқилобидан сўнг ўлкадаги миллий демократик ташкилотларни шаҳарларнинг ўз-ўзини бошқарувига таъсири, шаҳарлардаги Думалар фаолияти масалалари ҳолисона ёритиб берилган⁴¹.

Туркистон ўлкасида, жумладан, Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий масалалар бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан ҳам ҳолисона ўрганилган. Жумладан, А. Расулов, С. Шодманова, Ф. Эргашев тадқиқотларида тегишли манбаларни таҳлил қилиш асосида Туркистон ўлкасида, жумладан, Фарғона водийси шаҳарларида юз берган иқтисодий инқироз, шунингдек, очарчилик

³⁷ Зияева Д. Х. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда хусусий мулк ва тадбиркорликка қарши кураш сиёсати. // *O'zbekiston tarixi*. – 2011. – №1. – Б. 30–40.

³⁸ Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигига совет мустамлақачилигига қарши кураш масалалари (1917–1924 йиллар). – Тошкент: АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛТ, 2008. – 128 б.

³⁹ Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917–1941 йиллар). – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2015. – 336 б.

⁴⁰ Шадманова С. Туркистонда сайлов ҳукуқи ва матбуот (ХХ аср бошлари мисолида) // *Фалсафа ва ҳуқук*. – Тошкент, 2007. – №4. – Б. 28–30.

⁴¹ Турсунова Р. 1917 йил февралдан кейин Туркистон аҳолиси сиёсий фаоллигининг ўсиши ва шаҳарлардаги миллий демократик ташкилотларнинг фаолияти // *O'zbekiston tarixi*. – 2000. – №3. – Б. 51–59.

ва уни бартараф этишда кўрилган чора-тадбирлар масаласи акс эттирилган⁴².

Сўнгги йилларда яратилган илмий асарлар қаторида А. Расуловнинг монографияси муҳим аҳамиятга эга. Монографияда 1917–1924 йиллар Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятини ўрнатилиш жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий танглик ва озик-овқат муаммоларини ҳал этиш масалалари таҳлил этилган⁴³. Шунингдек, татар маърифатпарварларининг Туркистон шаҳарлари маданий ҳаётидаги ўрни, матбаачилик ва педагогик фаолияти ёритилади.

А. Расуловнинг «Туркистон халқи бағрикенглиги» номли рисоласида Туркистон ўлкасида юз берган очарчиликнинг аянчли оқибатлари, Туркистон ўлкасига Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан минглаб очарчиликдан азоб чекаётган болаларни келтирилиши ва уларга ўлка аҳолисининг кўрсатган бегараз ёрдами, бағрикенглик намуналари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган⁴⁴.

Шунингдек, мавзу тарихшунослигига оид айрим маълумотлар О. Ата-Мирзаев, В. Гентшке, Ҳ. З. Зиёев, Р. Ҳ. Муртазаева, М. Содиков, Қ. Усмонов, М. М. Ҳайдаровларнинг тадқиқотларида ҳам аҳамиятлидир⁴⁵.

⁴² Расулов А. Очларга ёрдам бериш комиссияси фаолияти // Жамият ва бошқарув. – 2003. – №2. – Б. 51–54; Ўша муаллиф: Туркистон халқларининг Россиядаги очарчиликни бартараф этишдаги роли (1921–1923 йй.) // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2003. – №2. – Б. 57–61; Ўша муаллиф: Марказ манфаатларига бўйсундирилган сафарлар // Жамият ва бошқарув. – 2004. – №3. – Б. 43–45; Ўша муаллиф: Оч ҳолда очларни боққанлар // Тафаккур. – 2004. – №3. – Б. 119–121; Ўша муаллиф: Туркистондаги очарчилик // Жамият ва бошқарув. – 2004. – №1. – Б. 60–63; Шодмонова С. 1917 йилда Туркистонда ижтимоий-иқтисодий аҳолининг даврий матбуотдаги мониторинги // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2006. – №1. – Б. 173–177; Эргашев Ф. Зулматда нур истаб // Жамият ва бошқарув. – 2001. – №3. – Б. 19–22; Ўша муаллиф: Тоталитаризмнинг иқтисодий сиёсати // Жамият ва бошқарув. – 2002. – №4. – Б. 15–16.

⁴³ Расулов А. Н. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. – Тошкент: Университет, 2005. – 200 б.

⁴⁴ Расулов А. Н. Туркистон халқи бағрикенглиги (XX аср 20- йиллари бошларида Россиядан эвакуация қилинган болалар мисолида). – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – 138 б.

⁴⁵ Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи (мил. олдинги асрдан то 1991 йил 31 августгача). – Тошкент: Шарқ, 2001. – 447 б; Зиёева Д. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 174 б; Ўша муаллиф: «Босмачилик» қандай пайдо бўлди // Тафаккур. – 1997. – №3. – Б. 32–37; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Ўзбекистон многонациональный: историко-демографический аспект. – Ташкент: Абу Али Ибн Сино, 1998. – С. 24; Усмонов Қ., Содиков М. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). – Тошкент: Шарқ, 2009. – 256 б; Ҳайдаров М. Туркистон иқтисодиётида «Ҳарбий коммунизм» сиёсати // O'zbekiston tarixi. – 2003. – №3. – Б. 43.

О. Ата-Мирзаев, В. Гентшке, Р. Ҳ. Муртазаева, А. Солиевларнинг «Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана»⁴⁶ китоби эса Ўзбекистондаги урбанизация жараёнлари ва унинг қирраларини фанлараро турли йўналишда тадқиқ этилгани билан аҳамиятлидир.

Юқорида қайд этилган асарлар таҳлилининг кўрсатишича, уларда асосан, Фарғона водийсидаги 1917 йилларда кечган сиёсий жараёнларга алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ шаҳар бошқаруви, улардаги иқтисодий муаммолар, маданий муассасалар фаолияти каби масалалар тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилмаган.

Шу билан бирга, ўрганилаётган давр тарихшунослигида хорижлик муаллифлар томонидан ёзилган адабиётлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чет эл тарихшунослиги ҳақида, аввало, шуни айтиш жоизки, Туркистоннинг 1917–1924 йиллардаги тарихи билан шуғулланган чет эл тарихчилари Фарғона водийси шаҳарларидаги тарихий жараёнларни маълум бир йўналиш доирасида ёритиб беришга ҳаракат қилганлар. Жумладан, туркистонлик муҳожир Боймирза Ҳайитнинг⁴⁷ 1956 йилда немис тилида чоп этилган «Туркистон XX асрда» номли йирик тадқиқотида 1917–1924 йиллардаги сиёсий жараёнлар, унинг 1971 йилда чоп этилган «Туркистон Русия ила Чин орасида» асарида Февраль инқилобининг Туркистондаги аҳволга таъсири масалалари, К. Олаф, А. Парк, Р. Пайпс, Ф. Вилльфорт каби тадқиқотчиларнинг асарларида⁴⁸ Туркистонда совет ҳокимиятини ўрнатилиши, Туркистон Мухториятининг ташкил топиши ва унинг большевиклар томонидан зўрлик билан ағдарилиши, ўлкада кизил армиянинг талончилик фаолиятига қарши кўтарилган куролли қаршилик ҳаракати каби масалалар ёритиб берилган. Бироқ уларда

⁴⁶ Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Ташкент: Университет, 2002. – 159 с.

⁴⁷ Baymirza Hayit. Turkestan im XX. Jahrhundert. – Darmstadt. 1956. – P. 48–214; Ўша муаллиф: Turkestan zwischen Russland und China. – Amsterdam, 1971. – 414 с.

⁴⁸ Caroe, Olaf. Soviet Empire: The Turks of Central Asia and Stalinism. New York: St. Martin's Press, 1954; Alexander G. Park. Bolshevism in Turkistan, 1917-1927. New York: Columbia University Press, 1957; Richard Edgar Pipes. The formation of the Soviet Union: Communism and Nationalism, 1917–1923 / Cambridge, Mass. Harvard University Press, 1957; Fritz Willfort'un Turkestan Gunlugu Orta Asya'da Alti yil. Viena, 1930.

хам Фарғона водийси шаҳарларидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳвол каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмаган.

Ушбу мавзуга оид адабиётлар таҳлили натижасида Фарғона водийси шаҳарларининг 1917–1924 йиллардаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар тарихи хозиргача махсус тадқиқот мавзуси бўлмаганлигини намоён этади.

Тадқиқот ишига оид манбаларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Архив ҳужжатлари.

2. Даврий матбуот материаллари.

3. Эълон қилинган ҳужжатлар, расмий статистик маълумотлар.

Манбаларнинг биринчи гуруҳига архив ҳужжатлари киритилган бўлиб, улар муҳим аҳамиятга эга. Зеро, газета ва журналлардаги мақолалар устидан цензура ўрнатилиб, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатилган бир даврда архив ҳужжатларида реал воқеликни ақс эттирувчи далиллар сақланиб қолган. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА) нинг 18 та, Фарғона водийсидаги вилоят архивларининг 14 та фондида иш олиб борилди.

ЎзР МДА нинг Р.25 (Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети фонди), Р.18 (Туркистон Республикаси Иқтисодий Кенгаши фонди), Р.17 (Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси Советлари фонди), И.19 (Фарғона вилояти бошқармаси фонди), Р.21 (Туркистон Республикаси Марказий Статистика бошқармаси фонди), Р.23 (Фарғона вилоят Скобелев уезди бошқармаси фонди), Р.27 (Туркистон Республикаси Халқ хўжалиги Марказий совети фонди), Р.29 (Туркистон АССР ер-сув ишлари халқ комиссарлиги фонди), Р.31 (Туркистон АССР савдо-сотик халқ комиссарлиги фонди), Р.33 (Туркистон АССР почта ва телеграф халқ комиссарлиги фонди), Р.34 (Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги фонди), Р.39 (Туркистон ички ишлар халқ комиссарлиги фонди), Р.40 (Туркистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги фонди), Р.41 (Туркистон Республикаси ишчи-деҳқон

инспекцияси халқ комиссарлиги фонди), Р.1613 (Туркистон ўлка ишчи-деҳқон ва аскар депутатлари советлари фонди), Р.1619 (Соғлиқни сақлаш, аҳоли ва маданият статистикаси фонди), Р.276 (Фарғона вилоят ҳарбий губернатор девони жамғармалари фонди) материалларидан унумли фойдаланилди.

Мавзуни ўрганишда Фарғона водийсининг Фарғона, Наманган ва Андижон вилоят давлат архивларида сақланаётган Фарғона водийси шаҳарлари тарихига доир маълумотлардан ҳам фойдаланилди. Масалан, Фарғона вилоят давлат архивининг Р.121 (Фарғона вилояти ишчи, деҳқон ва кизил аскар депутатлари Советларининг ижроия кўмитаси фонди), Р.435 (Фарғона вилоят Инкилобий кўмитаси фонди), Р.8 (Фарғона шаҳар ишчи-депутат ижроия кўмитаси фонди), Р.48 (Фарғона шаҳри инкилобий кўмитаси фонди), Р.52 (Скобелев уезд-шаҳар инкилобий кўмитаси фонди), Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Архивининг Фарғона вилояти филиалининг Р.111 (Туркистон коммунистик партиясининг Фарғона уезд-шаҳар кўмитаси фонди, Наманган вилоят давлат архивининг Р.796, Р.13 (Наманган шаҳар Ижроия кўмитаси фондлари), Наманган вилоят давлат архиви Чуст филиали Р.222 (Наманган вилоят давлат архиви Чуст филиалининг ҳужжатли материаллари йиғма жилди), Андижон вилоят давлат архивининг Р.7 (Андижон уезд-шаҳар халқ таълими инспекцияси фонди), Р.59 (Уезд-шаҳар Ижроия кўмитаси фонди), Р.90 (Андижон уезд-шаҳар инкилобий кўмитаси фонди) ҳамда Қўқон ўлкашунослик музейи фонди жамғармалари материалларидан фойдаланилди.

Юқорида қайд этилган архив фондларида Фарғона водийси шаҳарларининг 1917–1924 йиллардаги тарихини, шунингдек большевиклар режимининг ўлкада зўрлик билан ўрнатилиши, мустамлакачилик сиёсатининг олиб борилиши, тадқиқ этилаётган даврда водий шаҳарларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар тарихини ҳар томонлама ёритиб берувчи кўплаб маълумотлар аниқланди.

Манбаларнинг иккинчи гурухига кирувчи 28 га яқин даврий матбуот материаларида, хусусан, «Улуғ Туркистон» (1917–1918), «Хуррият» (1917), «Кенгаш» (1917), «Равнакул – Ислому» (1917), «Турк эли» (1917), «Нажот» (1917), «Турон» (1917), «Туркестанская ведомости» (1917), «Знамя свободы» (1917), «Эл байроги» (1917–1918), «Наша газета» (1917–1919), «Свободный Туркестан» (1918), «Щит народа» (1918), «Голос Самарканда» (1918), «Голос Крестьянина» (1918), «Народная газета» (1918), «Известия Ферганского Совдепа» (1918), «Иштирокиюн» (1919–1920), «Рабочая путь» (1920), «Известия» (1920–1921), «Красная Фергана» (1921), «Знамя труда» (1921), «Фаргона» (1921–1926), «Туркистон» (1923–1924), «Туркестанская правда» (1917–1924), «Андижанская правда» (1961), «Правда Востока» (1964), «Наманганская правда» (1970) газеталари саҳифаларида бериб борилган кундалик хабарлар, Фаргона водийси шаҳарларида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар тафсилотларини изчил ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди⁴⁹.

Манбаларнинг учинчи гурухини Туркистондаги турли иқтисодий кенгашлар ва хўжалик ташкилотларининг нашр қилинган ҳисоботлари ҳамда расмий статистика маълумотлари ташкил этади⁵⁰. Улардан шаҳарлардаги иқтисодий жараёнларни ўрганишда унумли фойдаланилди.

⁴⁹ Янги газеталар // Улуғ Туркистон, 1917, 28 июнь; Туркистон Мухторияти // Улуғ Туркистон, 1917, 8 декабрь; Андижонда Мухторият намойиши // Улуғ Туркистон, 1917, 16 декабрь; Сайловларда мусулмон хотин-қизларнинг иштироки // Кенгаш, 1917, 25 июнь; Туркистонда ташкилотлар масаласи // Кенгаш, 1917, 19 июль; Шаҳар Думасига сайлов натижалари // Кенгаш, 1917, 6 август; Озик масаласи // Хуррият, 1917, 15 август; Юрт кайғуси // Хуррият, 1917, 18 август; Мухторият // Хуррият, 1917, 5 декабрь; Дахшатли очлик // Улуғ Туркистон, 1918, 4 январь; Банклардан акча олув ҳақида // Улуғ Туркистон, 1918, 21 январь; Очлик балоси // Улуғ Туркистон, 1918, 24 январь; Очлар фойдасига театр // Улуғ Туркистон, 1918, 2 март; Очларга ёрдам // Улуғ Туркистон, 1918, 7, 12, 14 март; Қўқон фожеаси // Улуғ Туркистон, 1918, 9 март; Андижонда мусулмонлар совети тарқатилгон // Иштирокиюн, 1919, 26 январь; Фаргона фожеалари // Иштирокиюн, 1919, 11 июль.

⁵⁰ Отчёт 1-съезда Экономических Советов Туркеспублики. Составлен по сренографическим отчётам А. Н. Алухтиным / Под ред. Д. П. Красновского. – Ташкент, 1922. – 106 с.; Отчёт 2-съезда Экономических Советов Туркестанской Республики 26-30 ноября 1922 г (с резолюциями). – Ташкент, 1923. – 88 с.; Отчёт о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-сентябрь. 1921 г. Составлен ЦСУ Туркеспублики под ред. Красновского. – Ташкент, 1922; Отчёт о деятельности С. Н. К и Экономического Совета Туркестанской Республики на 1 октября 1922 г. Под ред. Д. П. Красновского. – Ташкент, 1922; Материалы по статистике труда Туркеспублике. Вып. 1-4. – Ташкент, 1922–1924; Хозяйственный план Туркеспублики на 1923-1924 гг. –

Юкорида санаб ўтилган манбаларни киёсий таҳлил усули ёрдамида ўрганиш танланган мавзуни ёритишда муҳим аҳамият касб этди.

Мавзуга оид изланишлар таҳлили Фарғона водийси шаҳарларининг 1917–1924 йиллардаги мураккаб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлардаги ҳолати, маъмурий бошқарув тизими, шаҳар аҳолиси динамикаси, шаҳар инфратузилмаси ҳозиргача махсус тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаганлигини асослаб беради.

Мазкур монография ЎЗР ФА Тарих институти томонидан бажарилаётган Ф1-ФА-0-11986 «Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)» (2012–2016) фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Ушбу монографияда совет ва мустақиллик даврини ўзида ифода этган тарихий адабиётлар, архив ҳужжатлари ва матбуот нашрлари, статистик маълумотларнинг умумлашган таҳлили натижасида **тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагиларда намоён бўлади:

1917 йил Феврал инқилоби натижасида Фарғона водийсининг барча йирик шаҳарларида ташкил қилинган Думалар орқали маҳаллий аҳоли вакиллари шаҳар хўжалиги ва ҳаётини бошқаришда фаол иштирок этганлиги, Октябр тўнтариши натижасида эса Думалар тарқатилиб, шаҳар даромади ҳамда

Ташкент, 1923. – 604 с; Первая экономическая конференция Средне-Азиатских Республик-Туркестана, Бухары и Хорезма. 5-9-марта 1923 г. Стенографический отчет. – Ташкент, 1923; Перспективы хозяйства Туркестанской Республики. 1924-1929 гг. – Ташкент, 1924; Статистический ежегодник Туркестанской Республики 1917-1923 гг. Составлен под ред. Д. П. Красновского. Том I. – Ташкент, 1924. – 451 с; Статистический ежегодник Туркестанской Республики 1917-1923 гг / Составлен под ред. Д. П. Красновского. Том II. – Ташкент, 1924. – 601 с; Статистика. Отчет Ферганского областного экономического совещания Туркестанскому экономическому Совету за янв-сен. 1922 г. Из-во Фероблэко. – Коканд, 1923. – 140 с; Статистика. Питание городского и сельского населения Туркестанской Республики: по данным стат. обследования 1921-1922 г. – Ташкент: Изд. ЦСУ Туркестанской Республики. 1923. – 15 с; Статистический ежегодник: 1921 г. С присоединением некоторых сведений за 1922 г. Том VIII. Вып. 4. – Москва: 1921. – 425 с; Материалы всероссийских переписей. Перепись населения Туркестанской Республики 1917 год. – Ташкент: 1924. – 119 с; Материалы по промышленности статистике Туркестанской ССР. – Ташкент: Изд. ЦСУ Туркестанской Республики, 1924. – 57 с; Материалы по районированию Туркестана. – Ташкент: Изд. ГЭС, 1922. – 78 с; Отчет Средне-Азиатского Отделения Российско-Восточной торговой палаты за 1924 год. – Ташкент: Наука и Труд, 1925. – 15 с.

хўжалиги буткул **партия** измига бўйсундирилганлиги, маҳаллий аҳоли вакиллари шаҳар бошқарувидан четлаштирилганлиги аниқланган;

совет ҳокимиятининг иқтисодий соҳада давлат монополиясини ўрнатиши ва озик-овқат захираларини тортиб олиши натижасида завод-фабрикалар тўхтаб қолганлиги, боғлар қаровсиз қолиб, ҳосил бўлмаганлиги, транспорт, банк, солиқ тизими издан чиққанлиги боис тақчиллик, етишмовчилик юзага келиб, шаҳар аҳолисининг моддий аҳоли оғирлашганлиги ва унинг сони кескин камайиб кетганлиги, деурбанизация ҳолати юзага келганлиги ёритиб берилган;

шаҳарларда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида маданий-маърифий муассасалар фаолияти ягона тизимга эга бўлмаганлиги, 1921 йилдан бошлаб фаоллашиб борган совет маданий муассасалари шаклан янгича бўлса-да, моҳиятан улар большевиклар ғоялари, мафкуравий тарғибот, синфий кураш воситаларига айланганлиги асосланган;

ҳарбий ва сиёсий курашлар жараёнида Фарғона водийси шаҳарларида ичимлик сувининг танқислиги, малакали шифокорлар етишмаслиги, тиббиёт хизматининг паст даражада бўлганлиги ҳамда моддий етишмовчилик шароитида аҳоли орасида вабо, чечак, трахома, ўлат, безгак каби касалликлар кучайиб кетганлиги, шаҳар аҳолиси ҳаёти янада оғирлашганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1917–1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарлари тарихи тадқиқоти давомида олинган илмий натижалар ва амалий тақлифлар асосида:

1917 йилда ўлкада совет ҳокимиятининг зўрлик билан ўрнатилиши натижасида шаҳарларнинг бошқарув тизими инқилобий кўмиталар ва диктатура қўлига ўтиши билан ҳукмрон кучлар ва уларнинг ғоялари измига тушиб қолганлиги, шаҳарлардаги ижтимоий-маданий инфратузилмалар, маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг янги тизими шаклланишидаги зиддиятли ҳолатларни тарихий фактлар асосида очиб бериш масалалари Ф1-ФА-0-11986 рақамли «Ўзбекистон шаҳарлари

тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)» номли фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 29 ноябрдаги ФТА-02-11/1211 сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Фарғона водийси шаҳарларининг 1917–1924 йиллардаги ўзига хос, мураккаб ва зиддиятли ҳолатини аниқлаш, уларнинг сабаб ва оқибатларини ҳолисона баҳолашга хизмат қилди;

статистик маълумотлар таҳлили асосида ўлка ҳудудида юзага келган иқтисодий инқироз ва сиёсий кураш, большевиклар ҳокимиятининг экстенсив сиёсатининг водий шаҳарлари ҳаётига салбий таъсир этганлиги бўйича олинган илмий натижалардан Наманган вилояти ўлкашунослик музейи экспонатларининг «1917 йилдаги Октябрь тўнтариши», «Совет ҳокимиятининг Фарғона водийси шаҳарларида ўрнатилиши» мавзусидаги бўлимларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2017 йил 13 декабрдаги 01-11-08-6372 сон далолатномаси). Натижаларнинг қўлланилиши музейда совет даврида Фарғона водийси шаҳарларидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт масалалари ёритилган фотосуратлар ва архив манбалари асосида янги экспозицияларнинг яратилиши ва кенг оммага тақдим этиш имконини берган.

I БОБ. 1917 ЙИЛДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИ МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ БОШҚАРУВИГА ТАЪСИРИ

1.1-§. 1917 йилдаги сиёсий жараёнлар ва шаҳар бошқарувидаги ўзгаришлар. Шаҳар Думалари фаолияти

Фарғона водийси шаҳарлари жуда узоқ тарихга эга бўлиб, унинг худуди Марказий Осиёдаги қадимий цивилизация марказларидан бири ҳисобланади. 2007 йилда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигининг нишонланиши⁵¹, Ахсикентдаги қадимги шаҳар маданияти ёдгорликлари⁵² бунинг яққол далилидир.

Водий шаҳарларининг тарихий тараққиёти ниҳоятда серкирра бўлиб, минтақа тараққиётида ўзига хос ўрин тутди. Қадимдан ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо марказлари бўлиб келган Фарғона водийси шаҳарларида минтақага хос хусусиятлар мавжуд эди. Хусусан, аҳолининг зичлиги, Хитой билан алоқаларнинг фаоллиги, адабиёт, тарих каби ижтимоий фанларга иштиёқнинг кучли эканлиги, суғорма деҳқончилик, боғдорчилик ривожланганлиги шу хусусиятларнинг муҳим кўринишлари эди. XIX аср охири – XX аср бошига келиб минтақада Россия империяси ҳукмронлигининг ўрнатилиши Фарғона водийсини мустамлакачилик, истибдод домига тортди. Водийнинг иқтисодий ресурслари метрополия манфаатларига бўйсундирилди. Шаҳарлар ҳаётида трансформация жараёнлари бошланди. Шаҳарларда кўчириб келтирилган аҳоли учун мустамлака маъмурияти янги қисмлар қуриб, эски шаҳарлар эътибордан четда қолди. Шаҳар аҳолиси бошқарувдан четлатилди. Фақатгина Қўқон шаҳри Фарғона вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ва маданий марказларидан бири бўлгани учун шаҳарнинг маъмурий бошқарув маҳкамалари вилоятнинг бошқа шаҳарлари маҳкамаларидан тубдан фарқ қилган. Қўқон шаҳрининг вилоятдаги иқтисодий-ижтимоий мавқеини, шаҳарда рус амалдорлари ва ҳарбийларининг

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримовнинг Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан // Ишонч. 2007 йил, 8 сентябрь.

⁵² Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. – Ташкент: Тафаккур, 2013. – 535 с.

тўпланганлигини, ҳисобга олиб, 1876 йилнинг 15 июлида Туркистон генерал-губернаторлиги шаҳарга ўзини ўзи мустақил бошқариш ҳуқуқини берган эди⁵³. Бу ҳуқуқ расман берилган бўлиб, амалда шаҳар генерал-губернатор ва у тайинлаган вакиллар томонидан бошқарилган. 1877 йилнинг 27 апрелда вилоят маркази расман Кўкон шаҳридан Янги Марғилонга кўчирилган⁵⁴. 1877 йилнинг 1 июнида Кўкон шаҳар бошқармаси тугатилиб, унинг барча таркиби вазифасидан озод қилинган, шаҳарни бошқариш эса уезд бошлиғи ихтиёрига берилган. 1917 йилга қадар, шаҳар уезд бошлиғи томонидан бошқарилиб, унинг зиммасига шаҳардаги барча маъмурий бошқарув ва полиция маҳкамалари фаолияти устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган эди. Шаҳарда маҳаллий аҳоли европалик аҳоли вакилларига нисбатан сон жиҳатдан яққол устунликка эга бўлса-да, шаҳарнинг бошқарувида маҳаллий аҳоли вакиллари деярли иштирок этмаган.

XX асрнинг бошлари Туркистон ўлкасида 1917 йилда Россияда юз берган Февраль инқилоби таъсирида жадал сиёсий ўзгаришлар бошланди. Россияда монархия тузуми ағдарилиб, Муваққат ҳукумат жорий қилиниши билан ўлкада унинг Туркистон бўлими, яъни Туркистон Муваққат ҳукуматининг Туркистон комитети ташкил топди ва Туркистонда унинг бошқарув органи шакллана бошланди⁵⁵. 1917 йил 3 мартда Андижон, Скобелев, Наманган ва Ўш шаҳарларида, 4 мартда эса Кўкон шаҳрида рус аҳолиси вакилларидан ишчи-деҳқон ва аскарлари советлари тузилди⁵⁶. Айни пайтда шаҳарларда маҳаллий аҳоли вакилларидан мусулмон ишчи депутатлари кенгашлари ҳам тузила бошланди. 1917 йил март ойида уларнинг сони 75 тага етди. Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Ўш, Наманган ва бошқа шаҳарларда мусулмон ишчи депутатлари Кенгашлари ва Кўкон, Скобелев, Марғилон каби шаҳарларда эса Мусулмон

⁵³ История Коканда. – Ташкент: Фан, 1984. – С.7.

⁵⁴ Зияева Д. Х. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. – Тошкент, 2013. – Б. 75.

⁵⁵ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. // Коллектив авт: Абдуллаев Р. М., Агзамходжаев С. С., Алимов И. А и др. – Ташкент: Шарқ, 2000. – С. 20.

⁵⁶ Якубов Б. Из истории партийной организации Ферганы. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 24.

меҳнаткашлари Кенгашлари – «Иттифок», «Камбағаллар йиғилиш», «Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи» ташкил топди⁵⁷.

Шаҳар бошқарувида ҳам ўзгаришлар бошланди. 1917 йил 8 мартда Муваққат ҳукуматнинг шаҳар Думаларини ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи эълон қилинди. Унга кўра, ҳамма шаҳарларда уй эгаларидан 12–15 нафар вакилларнинг шаҳар Думаларига сайланиши, Думалар шаҳар хўжалигининг ҳамма тармоқларини ўз қўлларига олиши, Дума аъзоларининг тенг ярми русийзабон аҳолига мансуб фуқаролардан иборат бўлиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, уезд марказларида уезд-шаҳар ижро қўмиталари ташкил этила бошланди. 1917 йил 14 мартда Андижон уезд-шаҳар ижроия қўмитасига сайловлар бўлди⁵⁸. Сайловлар натижасига кўра Андижон уезд-шаҳар ишчи, деҳқон ва аскарларнинг советига Маслов, Ф.Т. Чайкин, В.А.Турсунходжаев, Браизгалов, Розалиев, Сумароковлар сайландилар⁵⁹.

1917 йилнинг 14 мартда Тошкент шаҳрида халқ вакилларининг биринчи мажлиси бўлди. Унда аҳолининг ўзбек, татар, қозоқ миллати вакиллари билан 61 кишидан иборат бўлган «Шўрои Исломия» ташкилоти тузилди⁶⁰. Мажлисида «Шўрои Исломия» ташкилотининг 15 кишидан иборат раёсати сайланди. «Шўрои Исломия» ташкилотининг асосий мақсади, маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўлган⁶¹. Жамият тез орада халқни ўз орқасидан эргаштира оладиган кучли сиёсий органга айланиб, бир қатор шаҳарларда унинг шўьбалари очилди. Хусусан, 1917 йил март ойида Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигида «Шўрои Исломия» ташкилотининг Тошкентдаги шўьбаси тузилди. Икки ойдан сўнг Қўқонда ташкил этилган «Равнақул Ислом» газетасининг саҳифаларида қайд этилишича: «Ҳар шаҳарларда ва ҳар қишлоқларда «Шўрои Исломия» ва бошқа

⁵⁷ Камиллов А. А. Туркистонда миллий масала муаммоларни ҳал этишда Туркистон МСР миллиятлар ишлари халқ комиссарлигининг фаолияти. Тарих. фан. ном... диссертацияси. – Тошкент, 1993. – Б. 30.

⁵⁸ Туркестанский голос. 1917 г. 14 марта.

⁵⁹ Якубов Б. Из истории партийной организации Ферганы. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 25.

⁶⁰ Ўзбекистон Совет муамлакачилиги даврида // Тузувчилар: Жўраев М., Нуруллин Р., Камолов С ва бошқалар. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 24.

⁶¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 37.

турли жамиятлар очилуб, кизил байрокларни катта килуб, кўтаришиб кўйдилар»⁶². Бир ойдан сўнг 8 апрелда «Шўрои Исломия» ташкилотининг Фарғона⁶³ ва Намангандаги шўъбаси⁶⁴, август ойида Андижон шаҳридаги шўъбаси⁶⁵ очилди. Бундан ташқари Кўконда «Мусулмон меҳнаткашлари иттифоки»⁶⁶ ва Наманган уездининг Косонсой туманида «Ишчи ва деҳқонлар иттифоки» шўъба жамиятлари ташкил топди⁶⁷.

Фарғона водийси шаҳарларида бундай шўъбаларнинг очилиши туб жойли аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини намоён этар, бу фаоллик тобора кучайиб борар эди. Биргина Андижон уездининг ўзида «Шўрои Исломия» ташкилотининг 20 та шаҳар ва 27 та волост уюшмалари тузилган эди⁶⁸.

1917 йил Туркистон шаҳарларидаги сиёсий жараёнларида «Иттифок» жамиятининг ўрни ҳам катта бўлиб, бу жамият 1917 йил 4 апрелда Тошкент шаҳрида рус-татар мактаб биносидан ўтказилган татар зиёлиларининг йиғилишида тузилган⁶⁹. «Иттифок» жамиятининг шўъбалари Фарғона, Андижон шаҳарларида ҳам фаолият юритган⁷⁰. Ушбу жамият 1917 йил 25 апрелдан бошлаб ўзининг «Улуғ Туркистон» деб номланган газетасини чоп этган ва маҳаллий аҳолининг ҳамжихатлиги йўлида бир катор тадбирларни ўтказган.

1917 йил 9-17 апрель кунлари Туркистон ўлкаси жамоат ташкилотлари ижроия кўмиталарининг курултойи бўлиб ўтган⁷¹. Унда 171 нафар вакил иштирок этган. Курултойда шаҳарларнинг ўзини ўзи бошқаришни ислох қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилган.

⁶² Равнакул Исломи. 1917 йил. 5-сон.

⁶³ Нажот. 1917, 21 апрель.

⁶⁴ Турон. 1917, 25 апрель.

⁶⁵ Турон. 1917, 10 август.

⁶⁶ Наша газета. 1917, 8 сентябрь.

⁶⁷ Мингноров А. Туркистонда 1917 йилдаги сиёсий жараёнлар ва миллий-сиёсий жамиятларнинг юзага келиши (Миллий матбуот материаллари асосида)... – Б. 10.

⁶⁸ Якубов Б. Февральская революция 1917 года в Фергане. Андижон Давлат педагогика институти. Асарлар IX-Том. Ижтимоий фанлар серияси II-чиқиши. – Андижон, 1963. – С. 132.

⁶⁹ Улуғ Туркистон. 1917 йил 25 апрель.

⁷⁰ Мингноров А. Туркистонда 1917 йилдаги сиёсий жараёнлар ва миллий-сиёсий жамиятларнинг юзага келиши (Миллий матбуот материаллари асосида)... – Б. 77.

⁷¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 62.

Ушбу масала бўйича сўзга чиққан Н.Г.Малицкийни⁷² шахарларнинг «янги» ва «эски» қисмлари ўзини ўзи бошқаришларининг алоҳида шаклларини жорий этиш ҳақидаги таклифи курултой иштирокчилари томонидан танқид қилинган. Улардан айримлари бу таклифда миллатларни ўзаро қарама-қарши қўйиш, уларни ажратиб ташлаш, миллий ихтилофларни кучайтириш хавфини кўрдилар. Улар шахар бошқаруви бирлигининг энг яхши йўли Туркистонда яшовчи барча халқларнинг уни шакллантиришда ўзаро тенг ҳолда вакиллик тамойиллари асосида иштирок этишида деб билдилар⁷³.

1917 йил 16 июнда Петрограддан Муваққат Ҳукуматнинг Туркистон Комитетига «Туркистонда шахарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масаласига доир» телеграммаси юборилди. Телеграммада Муваққат Ҳукумат томонидан шахар Думаларига сайловларни ўтказиш жараёнида Ички Ишлар вазирлиги томонидан 1917 йил 3 май кунини тасдиқланган «Сайловлар ўтказишнинг вақтинчалик қоидалари»га амал қилиш, Туркистон ўлкаси шахарларида шахар Думаси вакиллари сонини белгилаш, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб шахар жамоатчилиқ ташкилотларига қўйиладиган талабларга ўзгартиришлар тўғрисида Ички ишлар ва Ҳарбий ишлар вазирликларига маълумот бериш, Туркистон ўлкаси аҳолисини Шаҳар низоми бандлари билан таништириши, сайловлар ўтказишни ташкил этиш учун шахар бошқармалари қошида маҳаллий сайлов қўмиталари тузиш, шахарларда сайловга тайёргарлик жараёнлари ҳақида Муваққат Ҳукуматга телеграф орқали маълумот тақдим этишга доир кўрсатмалар берилган эди.

Муваққат Ҳукуматнинг Туркистон Комитети шахар Думаларига сайловлар ўтказишнинг тартиб-қоидаларини белгилаш, сайловларни белгиланган муддатларда ўтказиш, 1917 йил 15 апрель кунини Туркистон Комитети томонидан қабул қилинган қонунга қатъий амал қилиш ҳақида қарор қабул қилди. 1917 йилнинг 5 июль кунини Туркистон комитети томонидан қабул қилинган қарорга

⁷² Малицкий Николай Гурьевич (1873–1947 гг.). 1907 йилдан то 1917 йилгача Тошкент шахар бошлиғи лавозимидан фаолият кўрсатган. Совет даврида йилларида катагон қилинган.

⁷³ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти..... – Б. 64.

асосан, сайланувчилар рўйхатини аниклаш учун алоҳида маҳаллий кўмиталар тузилган⁷⁴. Қарорда Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Каспийорти вилоятларида ва Бухоро амирлигининг рус аҳолиси яшайдиган ҳудудларидаги сайловлар ўтказиш тартиби, сайловчилар сони белгилаб берилди. Шунингдек, сайловларни ташкил этишга зудлик билан киришиш, Шаҳар Думаларини 1919 йилнинг 1 январига қадар бўлган муддатга сайлаш кўрсатилди.

1917 йилнинг ёзида Туркистон шаҳарларида маҳаллий идораларга бўлиб ўтган сайловларда кутилмаган натижалар кузатилди. Масалан, Тошкент шаҳар Думасига сайланган 112 кишидан 76 таси маҳаллий аҳоли вакилларида иборат бўлди. Андижон Думасига бўлган сайловда эса «Шўрои Исломия» маҳаллий аҳоли вакиллари 77 та, «Хуррият» ва «Маърифат» жамияти 3 тадан, «Иттифок» 1 та, большевиклар 11 та, яҳудийлар 2 та ўринга эга бўлдилар⁷⁵.

Шундай қилиб, Россия империяси томонидан Туркистон забт этилгандан бери шаҳар ва ерли идораларга бўлган сайловларда маҳаллий мусулмон халқи илк бор ғалабага эришган. Сентябрь ойига келиб ўлкада бирданига уч сиёсий кучлар ҳукмронликка даъво қила бошлади. Булар: Муваққат ҳукуматнинг ўлкадаги маъмурияти, куролли кучга эга бўлган ишчи ва аскарлар совети, маҳаллий идоралардаги ҳокимиятни қўлга олган умуммусулмон халқ вакиллари.

1917 йил 14 июлда Андижон шаҳрида бошланган мусулмонларнинг уезд-шаҳар ташкилотлари курултойида «Шўрои Исломия», «Муфтаҳил-маориф», «Ҳаваскарон-маориф» ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этганлар⁷⁶. Курултойда шаҳарлар Думаларига сайловлар ўтказишда иштирок этиш масаласи муҳим ўрин тутган⁷⁷. Съезд қарорида бу сайловларнинг муҳимлиги таъкидланиб, уларда мусулмонларнинг қатнашишлари зарур эканлиги қайд этилган. Шунингдек, кизгин баҳсларга сабаб

⁷⁴ ЎзР МДА, И.1044-фонд, 1-руйхат, 19-иш, 93-94 варақлар.

⁷⁵ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 100.

⁷⁶ Абдуллаев Р. М. Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 годы. Дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 1998. – С. 105.

⁷⁷ ЎзР МДА, Р.1760-фонд, 1-руйхат, 24-иш, 26-27 варақлар.

бўлган воқеалардан яна бири сайловларда мусулмон хотин-қизларнинг иштирок этиш масаласи бўлган⁷⁸. Сайлов қонунлари сайловларда уларнинг бевосита қатнашишни талаб қилар, бироқ буни амалга ошириш мусулмон хотин-қизларининг анъанавий турмуш тарзи туфайли жуда мураккаб эди. Бундан ташқари, аҳолининг бир қисми хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда иштирок этишига салбий муносабатда бўларди.

1917 йил 20 август куни Эски Марғилон шаҳридаги Тошмозор даҳасининг Жомеъ масжидида 2 мингга яқин аҳоли йигилиб, намойиш ўтказди. Усмонхўжа эшон раислиги ва Холмуҳаммад Охундий саркотиблигида ўтган мажлисда «Турк Адами Марказияти» фирқасининг вакили қатнашиб, Марғилонда партиянинг шўъбасини очиш учун келганини маълум қилади⁷⁹.

1917 йил 23 августда Андижон шаҳрида «Ҳаваскорон маориф» жамиятининг идорасида тараққийпарвар «Турон» жамияти, «Талабалар жамияти» ва «Ҳаваскорон маориф» жамиятларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтади. Мажлисда бу уч жамият «Турк Адами Марказияти» фирқасининг дастурини қабул қилиб, жамиятнинг Андижон бўлими раислигига Хусан Эшонзода, бош котибликка Соҳиб афанди ва хазинадорликка Исроил Юсуфзодани сайладилар. Бундан ташқари, жамият бўлимига 26 кишидан иборат ҳайъат аъзолари ҳам сайланган⁸⁰.

«Турк Адами Марказияти» фирқаси партиясининг тузилиши Туркистонда Марказий мусулмон фирқасининг юзага келишида катта ҳаракат бўлган. Турк Адами Марказияти фирқасининг шўъбаларини ташкил этиш ва унинг фаолиятини кенгайтиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилган. Масалан, «Турк эли» газетасининг 1917 йил 28 октябрь сонида партиянинг Фарғона водийсидаги фаолияти ҳақида маълумот берилган. Унда қайд этилишича, 1917 йил 24 сентябрда партия раиси Маҳмуд амин Афандизода ва Мулло Садриддинхон маҳдум жаноблари Наманган

⁷⁸ Турсунова Р. 1917 йил февралдан кейин Туркистон аҳолиси сиёсий фаоллигининг ўсиши ва шаҳарлардаги миллий демократик ташкилотларнинг фаолияти // O'zbekiston tarixi. – 2000. – №3. – Б. 54.

⁷⁹ Турон. 1917, 6 сентябр.

⁸⁰ Турон. 1917, 6 сентябр.

шаҳрида ҳам бўлиб, у ерда Фарғона вилояти мусулмонлари курултойида қатнашадилар ва шаҳарда «Турк адами марказият фиркаси» шўъбасини очишга қарор қиладилар⁸¹. 1917 йил 30 сентябрь куни очик овоз бериш йўли билан 16 кишидан иборат «Турк адами марказият фиркаси»нинг Наманган шўъбаси ташкил этилган.

Фарғона вилояти шаҳарларида ўз-ўзини бошқариш органларининг янгидан ташкил этилиши, шаҳар Думаларига сайловлар ўтказилиши тўғрисидаги хабарлар вилоят шаҳарлари аҳолиси томонидан катта кизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутиб олинди.

Марғилон шаҳри Думасига ўтказилган сайловларда сайлов комиссиясининг 1917 йил 27 август куни сайловларда қўпол хатоларга йўл қўйилганлиги, конун бузилганлиги тўғрисидаги Округ суди шикоятни асосли деб топиб, сайлов натижаларини бекор қилган. Суд ҳукми шу йилнинг 9 октябридан кучга кирди⁸². Эски Марғилон шаҳрида 1917 йилнинг 3 октябрь куни шаҳар Комиссари назорати остида шаҳар Думасига қайтадан сайловларни ўтказиш учун қуйидаги таркибда янги комитет тузилди: 1. «Шўрои Исломия» жамиятидан 3 нафар; 2. «Турк Адами Марказият» жамиятидан 3 нафар; 3. Мусулмон ишчилари партиясидан 4 нафар; 4. Талаба жамиятидан 3 нафар; 5. Жамоат Хавфсизлиги Комитетидан 3 нафар; 6. Шаҳар уй эгаларидан 1 нафар; 7. Яхудийлар жамиятидан 1 нафар; 8. Руслар жамиятидан 1 нафар; 9. Эски Марғилон шаҳар Комиссари А.У. Худоёрхонов. Жами бўлиб янги Комитет 19 кишидан иборат бўлиб, унинг раислигига яширин овоз бериш йўли билан Мулла Қорабек Ботирбеков сайланган⁸³.

1917 йил 6 октябрдан 7 октябрга ўтар кечаси Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган сайлов олди тарғибот-ташвиқот ишлари жараёнида маҳаллий аҳоли вакиллари ўртасида тўқнашувлар содир бўлган. Бунинг оқибатида мусулмон аҳолиси вакилларида беш киши

⁸¹ Турк эли. 1917, 28 октябр.

⁸² ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-руйхат, 35188-иш, 60-варақ.

⁸³ ЎзР МДА, И.1-фонд, 27-руйхат, 444-иш, 20-варақ.

халок бўлган⁸⁴. Сайлов олди тарғибот-ташвиқот ишлари шаҳар аҳолисининг барча табақалари ва шаҳардаги турли ташкилот вакилларининг катта қизиқиши, юқори даражадаги фаоллиги билан олиб борилган. Рус миллатига мансуб аҳоли вакиллари билан бирга маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам сайлов жараёнларига катта қизиқиш билан қараганлар. Сайлов натижасига кўра, Қўқонда шаҳар бошқаруви ташкил этилганлиги маълум қилинади. Қўқон уезд Комиссарига шаҳар хўжалигини бошқариш, шаҳар бошқармаси билан ўзаро алоқалар ўрнатиш, шаҳар бошқарув ташкилотларига шаҳарнинг барча мол-мулкани, хазина, жиҳозлар ва иш хужжатларини топшириш каби вазифалар қўйилди⁸⁵.

1917 йилнинг 14 октябрида Қўқон жамоатчилиги йиғилишида шаҳар Думасининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтган. Йиғилишда А. В. Николаенко томонидан шаҳар Думаси аъзоларини ўз вазифаларини сидқидилдан, виждонан бажаришлари тўғрисидаги қасамёди ўқиб эшиттирилган. Йиғилишда 52 нафар шаҳар Думаси аъзолари қатнашганлар. Йиғилишда Қўқон шаҳар Думасининг раиси, шаҳар бошлиғи ва шаҳар бошқаруви аъзолари сайланган. Шаҳар Думаси раиси лавозимига Юрьевский, унинг ёрдамчиси этиб О. Маҳмудов, мусулмонлар гуруҳи томонидан шаҳар бошлиғи лавозимига Е. О. Гурвич сайланди⁸⁶. Дума йиғилиши хужжатларини икки тилда: рус ва ўзбек тилларида олиб боришга қарор қилинди.

1917 йил октябрда Наманган шаҳрида шаҳар Думасига сайловлар бўлиб ўтди. Шаҳарнинг рус миллатига мансуб аҳоли яшайдиган янги қисмидан ҳаммаси бўлиб 7 киши шаҳарнинг маҳаллий аҳолиси яшайдиган эски қисмидан эса 53 киши, жами 60 киши Наманган шаҳар Думасининг вакиллари этиб сайланди⁸⁷. 1917 йил 28 октябрдан Наманган шаҳар Думаси ўз фаолиятини бошлади⁸⁸. Икки кундан сўнг Наманган шаҳар бошқармаси ташкил этилди. Янги ташкил этилган шаҳар Думаси раиси этиб нотариус

⁸⁴ Туркестанские ведомости. 1917, 7 октября.

⁸⁵ ЎЗР МДА, И.19-фонд, 1-руйхат, 35199-иш, 1-варақ.

⁸⁶ Туркестанская ведомости. 1917, 18 октября.

⁸⁷ Знамя Свободы. 1917 г, 27 октября.

⁸⁸ ЎЗР МДА, И.1-Фонд, 1-руйхат, 35204-иш, 6-варақнинг орқаси.

М.В. Покровский, шаҳар бошқармасига эса Е.В. Обонинский, бошқарма аъзолари этиб Б.П. Юдин, А. Ташбалабаев, Ш. Дияев, М. Қодировлар сайланганлар⁸⁹. 1917 йилда Чустда ҳам шаҳар Думаси тузилди. Думада 34 киши фаолият кўрсатиб, улар маҳаллий бой ва амалдорлардан иборат бўлган⁹⁰.

1917 йилнинг 5 ноябрда Кўкон шаҳар Думасининг навбатдан ташқари йиғилишида қуйидаги масалалар муҳокама қилинди: 1) Кўкон шаҳрида милиция бўлинмасини ташкил этиш; 2) эски шаҳарда тунги ёритиш тизимини ўрнатиш; 3) шаҳар бошлиғи ва унинг ўринбосари, шаҳар бошқармаси аъзолари вазифаларини белгилаб бериш; 4) 1917 йилдаги шаҳарнинг даромади ва харажатларини таҳлил қилиш; 5) шаҳар атрофидаги ҳудудларни шаҳар таркибига киритиш; 6) Шаҳар Думасига сайловлар бўйича шикоятларни кўриб чиқиш; 7) Дума аъзоларидан Кўкон озиқ-овқат кўмитасига вакил сайлаш⁹¹.

1917 йил 11 ноябрда ўтказилган Кўкон шаҳар Думасининг навбатдаги йиғилишида Тошкент шаҳрига Ўлка шаҳарлари съездида иштирок этиш учун 5 нафар вакил юбориш, кўнгил очар томошахона ва тадбирларга солиқ белгилаш, Кўкон шаҳар болалар уйига маблағ ажратиш каби масалалар кўрилган⁹².

1917 йил 16 ноябрдаги Эски Марғилон Шаҳар Комиссари А.У.Худоёрхонов 924-рақамли рапорт орқали ўзи раҳбарлигидаги Махсус Комитет Шаҳар Думасига сайловлар ўтказиш учун тайёргарлик олиб борилаётганлигини Фаргона вилояти Комиссарига маълум қилган⁹³.

1917 йил 19 ноябрда Наманган шаҳрида русийзабон аҳоли вакилларида ишчи ва солдат депутатларининг совети ташкил этилди. Янги сайланган депутатларнинг йиғилишида ижроия комитетининг янги таркиби сайланди⁹⁴. Ижроия комитетларнинг раҳбарлик лавозимларига бирорта ҳам маҳаллий миллат вакиллари

⁸⁹ ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-руйхат, 35188 иш, 48-варак

⁹⁰ Чуст тарихи. – Чуст, 1995. – Б. 78.

⁹¹ ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-руйхат, 35199-иш, 6-варак.

⁹² Ўша жойда, 110-варак.

⁹³ Ўша жойда, 67-варак.

⁹⁴ НВДА, 796-фонд, 1-руйхат, 51-иш, 5-варак.

киритилмади. Шунингдек, унинг аъзолари орасида маҳаллий миллат вакилларидан атиги уч ёки тўртта саводсиз ишчилар бор эди, холос. Улар ижроия комитетнинг фаолиятида умуман иштирок этмас эдилар.

1918 йилнинг 18 февраль куни Эски Марғилонда шаҳар Думасига сайловлар бўлиб ўтган. Сайловларда номзодларнинг 1-рўйхати аъзолари 12.471 овоз олиб ғалаба қозонганлар⁹⁵. Шаҳар Думасининг биринчи йиғилиши Махсус Комитет Девонининг биносида 26 февралда бўлган⁹⁶. Шаҳар Думаси аъзолари тантанали қасамёд қабул қилганларидан сўнг, котиб П. Насибянц бетоблиги сабабли шаҳар бошқармасига аъзоларни сайлаш бошқа кунга қолдирилган. 14 март куни Эски Марғилон шаҳар Думасида бошқарма аъзолари сайлови бўлиб ўтиб, шаҳар бошлиғи этиб бир овоздан Саидахмадхўжа Ғиёсхўжаев, унинг ўринбосари этиб Мухаммад Иброҳим Қори Саримсоқов, бошқарма аъзолари этиб, Абдулла Суфи Хўжаев, Раимжон Аҳмат Карванов ва Раҳмат Али Абдурахманов, шаҳар бошқармаси котиблигига Павел Насибянц, шаҳар бошлиғи этиб Абдул Азизхон Хўжанов, унинг ўринбосари этиб, Авлиёхон Музаффар Хўжаев сайланганлар⁹⁷.

Шаҳар Думаси томонидан шаҳарнинг хўжалик, молиявий ва бошқа мол-мулкни қабул қилиб олиш учун алоҳида комиссия ташкил этилган. Шаҳар бошқармаси қошида умумий, молиявий, хўжалик ва озиқ-овқат бўлимлари ташкил этилган. Шаҳар Думаси аъзолари иштирокида бир қатор комиссиялар: врач-санитария, савдо-саноат, халқ маорифи ва бошқа комиссиялар ташкил этилган. Барча комиссиялар фаолиятига раҳбарлик қилишни шаҳар бошлиғи Саидахмадхўжа Ғиёсхўжаев ва бошқарма аъзоси Мулла Раимжон Карванов ўз зиммаларига олганлар. Бошқарма девонхонаси зудлик билан янги хизматчиларни ишга олиш, зарур буюмларни сотиб олишга киришганлар. Шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун шаҳар бошқармаси турли губернияларга нон сотиб олиш учун ўз вакилларини юбориб,

⁹⁵ Цит Народа. 1918 г, 14 март.

⁹⁶ ФВДА, 121-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 4-5 варақлар.

⁹⁷ ФВДА, 121-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 6-7 варақлар.

уларни зарур маблаг ва тегишли хужжатлар билан таъминлаб турган. Нон маҳсулотлари етиб келгунига қадар, шаҳарда 200 та очлар учун бепул ошхоналар очишга қарор қилинган. Дума ташаббуси билан шаҳарнинг ўзига тўк бой фуқаролари бепул ошхоналарни ташкил этиш ва ошхоналар фаолиятини таъминлаш учун ихтиёрий маблағлар ажратган. Шаҳар бошқармаси очик фаолият олиб боришини, ҳар бир фаолияти тўғрисида аҳолига маълумот беришини эълон қилган. Бошқарма девонхонаси эрталаб соат 9:00 дан, кундузи соат 15:00 гача фуқароларни қабул қилиши эълон қилинган⁹⁸.

Марғилон шаҳар Думаси пулнинг кадрсизланганлиги, мавжуд оғир иқтисодий вазиятда шаҳардаги иқтисодий аҳволни яхшилаш учун солиқлар миқдорини оширишга қарор қилган. Масалан: бир қути ипак учун 2 рубль, 1 та от арава учун 10 рубль, 2 та от арава учун 25 рубль, 3 та от арава 50 рубль миқдоридан солиқ белгиланган⁹⁹. Шунингдек, шаҳарга олиб келинадиган ва олиб чиқиб кетиладиган савдо маҳсулотлари учун солиқлар миқдори оширилган. Асосан маҳаллий аҳоли вакилларида ташкил топган шаҳар бошқармаси мавжуд иқтисодий-сиёсий қийинчиликларга қарамасдан, шаҳар хўжалигини бошқариш каби машаққатли ва масъулиятли вазифани бажаришга астойдил ҳаракат қилган. Шаҳар аҳолиси вакиллари «Думахонлар»дан (Эски Марғилон шаҳри аҳолиси баъзан шаҳар Думаси аъзоларини ана шундай аташган - диссертант) ҳаётнинг барча соҳаларига оид муаммоларни ҳал этишда ёрдам беришни сўраганликлари туфайли ҳар куни шаҳар Думаси биноти атрофи турли муаммолар билан келган фуқаролар билан гавжум бўлган. Агар шаҳар бошқармаси айрим муаммоларни ҳал эта олмаслигини ёки шу масалага аралашинишга ҳуқуқи йўқлигини билдирса, маҳаллий аҳоли вакиллари бошқарма аъзоларидан қаттиқ ранжиганлар.

Юқоридаги маълумотлар Фарғона водийси шаҳарларидаги Думалар шаҳарларда иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал

⁹⁸ Цит Народа. 1918 г, 10 апреля.

⁹⁹ Цит Народа. 1918 г, 13 апреля.

этишда фаол иштирок этганлиги ҳамда маҳаллий аҳоли вакиллари шаҳар Думаларига катга ишонч билан муносабатда бўлганликларидан далолат берар эди.

Хулоса қилиб айтганда, 1917 йилнинг февраль-ноябрь ойларида ўлкада зиддиятли сиёсий жараёнлар бўлиб ўтди. 1917 йилнинг февраль инқилоби таъсирида Туркистонда, хусусан, Фарғона водийси шаҳарларида сиёсий жараёнлар фаоллашиб, ўлка миқёсида тузилган миллий ташкилотлар ва жамиятлар шуъбалари юзага келди, шаҳар бошқарувида Думалар фаолияти йўлга қўйилди. 1917 йилнинг ёз фаслида бўлган сайловлар натижасида Кўкон, Андижон каби шаҳарларда маҳаллий аҳоли вакиллари Думалардан ўрин олдилар. Шаҳарларда маҳаллий сиёсий ташкилотлар тузилиб, уларнинг аъзолари йирик сармоядорлар, маҳаллий тadbиркорлар, тараққийпарварлар сиёсий жараёнларга фаол иштирок этдилар. Шаҳар бошқарувида маҳаллий аҳоли вакиллари фаол иштирок эта бошладилар.

1.2-§. 1917 йил Октябрь тўнтариши ва шаҳарларнинг маъмурий-худудий бошқарувидаги ўзгаришлар

1917 йил Октябрда Россиядаги амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига янги социал демократлар келди. Бунинг оқибатида Туркистонда ҳам зўрлик билан мавжуд ҳукумат тугатилиб, советлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Совет ҳокимиятининг бошқарув органлари ташкил этила бошланди¹⁰⁰.

Туркистонда советлар ҳукуматини шакллантиришда маҳаллий советлар таркибига туб ерли аҳоли вакиллари киритилмади. 1917 йил 6-7 декабрда бўлиб ўтган Фарғона вилояти советларининг VI қурултойида қатнашган 60 депутатдан 14 нафар маҳаллий миллат вакиллари эди, холос¹⁰¹. Қурултой хайъатига ҳам маҳаллий аҳолидан бирорта ҳам вакил сайланмади, хайъатнинг барча

¹⁰⁰ Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида... – Б. 50–51.

¹⁰¹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. III китоб. – Andijon nashriyot matbaa OAJ, 2004. – Б. 55.

азолари бошқа миллатларга мансуб эди. Масалан, Наманган шаҳар советлари раисларининг барчаси европалик аҳоли вакилларидан ва большевиклардан иборат эди.

Бундай шароитда маҳаллий аҳоли вакилларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларига эга бўлишлари учун кун тартибига ўлка мухторияти масаласи ижтимоий-сиёсий ҳаётда асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат демократик зиёлилар, балки оддий одамлар орасида ҳам анча оммалашган эди. Бутун Туркистон жамиятида ўлканинг мустамлака мақомини тугатишга интилиш кайфияти устувор эди.

1917 йил 26-29 ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон Ўлка мусулмонларининг IV курултойи бўлиб ўтди¹⁰². Анжуманда асосан Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Етгисув ва Каспийорти вилоятларидан 300 яқин вакил қатнашди. Курултойда давлат тузилмаси муҳокама этилиб, уни Туркистон Мухторияти деб номлашга қарор қилинди¹⁰³.

Курултой икки кун давом этиб 28 ноябрда Туркистон Мухторияти эълон қилинди. Туркистон Мухториятининг 54 кишилиқ халқ бошқаруви Кенгаши таркибига шаҳар бошқарувлари съезидан 4 нафар вакил киритилди. Сайланганларнинг 36 нафари мусулмон ва 18 нафари эса рус, арман, яҳудий ва бошқа Европа миллатига мансуб кишилардан иборат бўлди¹⁰⁴. Турли сиёсий ташкилот вакиллари Туркистон миллат мажлиси аъзолигига сайланди. Миллат мажлисига узок йиллар давомида мустамлака тузумига қарши кайфиятда бўлиб келган миллатпарвар тадбиркор ва ишлаб чиқарувчи йирик сармоядорлар бўлган кишилар, хусусан, Фарғонадан И. Шоаҳмедов, О. Қушбеғиев, Н. Камолхонгўраев, Х. Юра-Оғаев, О. Маҳмудов, Ашурхўжа, Д. Қорабеков, А. Ўразаев, М. Мирзааҳмедовлар аъзо бўлдилар¹⁰⁵. Миллий маслаҳат кенгашининг 54 кишидан иборат таркибидан наманганлик Носирхон тўра

¹⁰² Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 79.

¹⁰³ Абдуллаев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 годы. – Ташкент: Адабиёт учкунлари, 2016. – С. 209.

¹⁰⁴ Набиев А. Мустақиллик учун кураш ёҳуд парчаланган Туркистон тарихи. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – Б. 78.

¹⁰⁵ Хуррият. 1917, 1, 5 декабр.

Камолхонтўра ўгли¹⁰⁶ (1871–1938) маориф вазири этиб тайинланган.

Туркистон Мухториятининг ташкил топиши аҳоли ўртасида шоди-хуррамлик билан кутиб олиниб, жойларда кўплаб йиғилиш ва намойишлар бўлиб ўтди. Ўша давр матбуотида ёзилишича, 1917 йилнинг 1 декабрида Наманганда 10 мингга яқин киши қатнашган оммавий халқ намойиши бўлиб ўтади. Унда қайд этилишича, шаҳардаги намойиш қатнашчилари «Яшасин Мухториятли Туркистон ва унинг ҳукумати!» деган шиорлар ёзилган даъватларини кўтариб бордилар¹⁰⁷. 6 декабрда Андижонда¹⁰⁸, 7 декабрда эса Қўқон шаҳрида¹⁰⁹ ҳам Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир неча минг кишилик намойиш бўлиб ўтди.

Туркистон Мухториятини ўлкадаги барча аҳоли қатлами ва миллий сиёсий жамиятлар, шунингдек, европалик аҳоли вакиллари ҳам қўллаб-қувватладилар.

Туркистон Мухториятини ҳимоя қилишда 1917 йил 26-30 декабрда Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг I фавқулудда қурултойининг аҳамияти катта бўлди¹¹⁰. Бу қурултойда бутун Туркистон минтақасидан келган 200 га яқин вакиллар қатнашган¹¹¹. Шу билан бирга, қурултой ишида турли гуруҳ ва ташкилотнинг вакиллари ҳам иштирок этганлар. Қурултойнинг бош вазифаси янги ташкил бўлган Туркистон Мухториятига бўлган муносабат эди. Бир неча кунлик баҳслардан сўнг Мухториятни қўллаб қувватлаш, унинг таркибига мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари вакилларини киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдилар¹¹².

¹⁰⁶ Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи. – Тошкент: Университет, 2002. – Б. 21.

¹⁰⁷ Улуғ Туркистон. 1917. 13 декабр.

¹⁰⁸ Улуғ Туркистон. 1917, 20 декабр.

¹⁰⁹ Қозоқов Т. Туркистон Мухториятида Фарғона жадидларининг иштироки / Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент., 2017. – Б. 123.

¹¹⁰ Туркистон тарихи.... – Б. 26.

¹¹¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 139.

¹¹² Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости / Коллектив авт: Абдуллаев Р. М., Агзамходжаев С. С., Алимов И. А и др. – Ташкент: Шарк, 2000. – С. 92.

1918 йил 7-10 январда Қўқон шаҳрида Туркистон социал-инкилобчилар партиясининг II қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда Қўқон, Скобелев, Андижон, Марв, Самарқанд ва бошқа бир қатор шаҳарлардан келган вакиллар иштирок этганлар. Қурултойда қатнашганларнинг барчаси Туркистон Мухторияти ҳукуматини қўллаб-қувватладилар¹¹³.

Бирок, Мухтор ҳукуматнинг халқ ўртасидаги юксак обрў-эътибори ва нуфузи большевикларни ташвишга солиб қўйди. Туркистонда большевиклар қурол кучи билан бошқарувни ўз қўлларига олдилар. Туркистонда мавжуд барча миллий маҳкамалар тугатилиб, шаҳар Думалари ёлиб қўйилди, суд ишлари тўхтатилди. Буларнинг ўрнига оддий рус аскар ва ишчиларидан «янги судлар» ташкил этилди¹¹⁴. 1918 йил 13 январда бир гуруҳ қизил аскарлар Қўқон шаҳрига келиб хон ўрдасини қўлга олганлар. Бундан ташқари, шаҳардаги 10 га яқин банклардаги катта миқдордаги пул ва заёмларни ҳам ўз тасарруфларига олганлар. Бутун Туркистоннинг пахта биржаси бўлган Қўқон банки 3 млрд рубль атрофида зарар кўрган эди¹¹⁵.

1918 йил 18-25 январь кунлари Тошкентда бўлган большевикларининг съездида эса Туркистон мухториятини тугатишга қарор қилиниб, ҳукумат аъзоларини хибсга олиш кераклиги таъкидланди¹¹⁶.

1918 йил 9 февраль куни Наманган шаҳар Думасида бўлиб ўтган йиғилишда Қўқон шаҳрида юз берган уруш ҳаракатларини қаттиқ қоралаб, ушбу уруш ҳар иккала томон учун ҳам фойда келтирмаслигини, дарҳол уруш ҳаракатларини тўхтатиш лозимлигини, Қўқон шаҳрига тинчлик декларациясини юбориб, иккала томонни тинч музокаралар йўли билан муаммоларни бартараф этишга чақирди¹¹⁷.

¹¹³ Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости.... – С. 94.

¹¹⁴ Улуғ Туркистон. 1917, 20 декабр.

¹¹⁵ Шодмонова С. Немис ва турк тилидаги талкикотларда Туркистон Мухторияти ҳақидаги қарашлар / Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент., 2017. – Б. 80.

¹¹⁶ Улуғ Туркистон. 1917, 28 январ.

¹¹⁷ ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-рўйхат, 35204-иш, 76-варак.

Туркистон Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 14 февралда бутун Фарғона водийсида харбий ҳолат эълон қилди¹¹⁸. Фарғона темир йўлида камал ҳолати жорий қилинди. 17 февралда Мухторият ҳукумати ва большевиклар ўртасида музокаралар бошланади. Бўлиб ўтган музокараларда мухторият вакиллари ўзларининг куйидаги таклифларини кўйдилар: 1) шаҳарни биргаликда бошқариш ва унинг таркибида мухториятчиларнинг вакиллари кўпроқ бўлиш; 2) харбий қалъа мухториятчилар назоратида туриши; 3) милициядан бошқа барча кучларни қуролсизлантириш; 4) большевиклар ҳукуматининг шариатга зид декретларини бекор қилиш.

Бирок большевиклар томонидан бу таклифлар рад этилиб, Туркистон Мухторияти ҳукумати жойлашган Қўқон шаҳрига қарши ҳужум қилиниб, камал ҳолати жорий этилган. Тарихга Туркистон Мухторияти номи билан кирган маҳаллий демократик ҳукумат тарқатиб юборилди ҳамда қадимги маданият ва бой савдо шаҳри бўлган Қўқон вайрон қилинди¹¹⁹.

1918 йил 19 февралда Мухторият зўрлик билан тарқатилиб, унинг аъзолари таъқиб остига олинди¹²⁰. Қолганлари эса қўлга тушган захотиёқ судсиз отиб ташланган. Большевиклар ва арман дашноқлари ўлкада кўплаб киргин – барот ишларини амалга оширишган. Қўқон аҳолиси ваҳимага тушган ҳолда шаҳарни тарқ эта бошлади. Шаҳардаги 11 мингга яқин уйлар, 37 та масжид, 19 та мадраса, мактаблар, газлама омборлари, нон дўконлари уч кун давомида куйиб қол бўлади¹²¹. Эски шаҳарнинг учдан бир қисми тўлиқ вайрон этилди. Шаҳарда даҳшатли манзара ҳосил бўлади. Шаҳарнинг ҳамма тарафи ўликлар билан тўлиб-тошади. Қўқон ва унинг атрофидаги тинч аҳолини талаш ва ўлдириш авжига чиқади.

¹¹⁸ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (учинчи китоб). – Андижон: Андижон нашриёт матбаа, 2004. – Б. 92.

¹¹⁹ Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти ҳукумати вазирларининг фаолияти ва кейинги тақдири / Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент., 2017. – Б. 47.

¹²⁰ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 149.

¹²¹ Абдуллаев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 годы.... – С. 251.

Айрим маълумотларга кўра, Қўконда содир бўлган фожиа оқибатида уч кун ичида 10000 киши ўлдирилган¹²². Шунингдек, арман дашноқлари Наманганда 1500 дан ортик¹²³, Марғилонда 7000, Андижонда 6000 кишини ўлдирганлар¹²⁴. Минглаб оилалар хонавайрон бўлиб, бошпанасиз қолганлар.

Шу тариха 1917 йил охири – 1918 йил январь ойига келиб Фарғона водийсининг Андижон, Наманган, Скобелев, Ўш каби катта шаҳарларида совет ҳокимияти ва бошқарув органлари қарор топди¹²⁵. 1918 йил 17 январда большевиклар раҳбарлигида Ўш шаҳар Совети тузилди. Советга раис этиб А.Г. Аношин, унинг ёрдамчиси этиб Қудрат Абдурасулов сайланди. 1918 йил 5 февралда Ўш уезди ва шаҳрида большевиклар ҳокимияти ўрнатилди¹²⁶. Қўкон шаҳрида эса совет ҳокимияти 1918 йил февраль ойининг охиридагина шаҳарнинг русийзабон аҳоли яшайдиган қисмига ўз таъсирини ўтказган¹²⁷.

Большевикларнинг ўз ҳокимият органларини ташкил этиши уларни қўллаб-қувватламаган аввалги барча ҳокимият органларини тугатишга киришди. Бу ҳол шаҳар Думаларига ҳам тегишли эди.

Туркистонда совет бошқарув органи сифатида ташкил этилган Халқ комиссарлари кенгаши 1917 йил 4 декабрда Тошкент шаҳар Думасини тарқатиб юборди¹²⁸. 1918 йил майда Эски Марғилон, Ўш ва Скобелев (Фарғона) да, декабрда Андижонда Дума тарқатиб юборилган¹²⁹. 1918 йил 14 майда бўлиб ўтган Наманган шаҳар ишчи, солдат ва мусулмон депутатларининг йиғилиши қарорига кўра, Наманган шаҳар Думаси ва шаҳар бошқармаси тарқатиб

¹²² Тохир Қаххор. Хур Туркистон учун..... – Б. 8.

¹²³ Қосимов Й. Қора кўзойнак билан ёзилган тарих. – Наманган. 1993. – Б. 79.

¹²⁴ Шамагдиев Ш. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. – Ташкент, 1961 г. – С. 54–60.

¹²⁵ История Узбекской ССР. Том II. – Ташкент: Изд-во Академии наук Узбекской ССР, 1957. – С. 48.

¹²⁶ Маллабаев Д. М. Проблемы власти в истории Оша (с древнейших времен и до наших дней). Ош и Фергана в исторической перспективе. Выпуск 3. – Бишкек: Мурас, 2000. – С. 109.

¹²⁷ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000. – С. 79.

¹²⁸ Агзамходжаев С. С. Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917–1918 гг). Дисс...докт.ист.наук. – Ташкент, 1996. – С. 257.

¹²⁹ Турсунова Р. Ю. Городское самоуправление в Туркестане (1877–1918 гг). Дисс...канд.ист.наук. – Ташкент, 2000. – С. 133.

юборилган¹³⁰. 1918 йилт майда Чуст шаҳар Думаси тарқатиб юборилган¹³¹. Шаҳарларда большевиклар диктатураси асосида бошқариладиган шаҳар совети, шаҳар ижроия кўмиталари ташкил қилина бошланди.

Туркистон совет автономияси мухториятини расмий ташкил қилиш масаласи 1918 йил ўлка советларининг V съездида кўриб чиқилди. ТАССРнинг олий қонун чиқарувчи органи сифатида ишчи, аскар, деҳқон ва мусулмон деҳқонлар советлари съезди, доимий фаолият юритувчи олий қонун чиқарувчи органи қилиб эса Марказий Ижроия кўмита белгиланди. Жойлардаги маҳаллий советлар ва уларнинг ижроия кўмиталари ҳокимият функцияларини бажаришлари кераклиги таъкидланди¹³².

1918 йил давомида Туркистоннинг барча шаҳарларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тугатилиши натижасида маҳаллий хўжалик ва маданий муассасалар устидан раҳбарлик тўлалигича янги ҳукумат қўлига ўтган.

1918 йил октябрдан 1919 йилнинг август ойигача Наманган уезд-шаҳар ишчи ва аскар депутатларининг ижроия комитети Наманган уезди ва Наманган шаҳрида совет ҳокимиятининг органи сифатида фаолият кўрсатган. Наманган уезд-шаҳар советининг ижроия ҳокимияти Фарғона вилояти ишчи ва аскар депутатлар совети назорати остида фаолият кўрсатган. Наманган уезди кўмитаси қуйидаги бўлимлардан иборат бўлган: Наманган шаҳар муҳофаза бўлими бошлиғи, Ер ва деҳқончилик бўлими, Молия бўлими, Халқ хўжалиги кўмитаси¹³³.

1919 йил 30 ноябрда Фарғона вилояти инқилобий кўмитаси томонидан уезд-шаҳар ижроия кўмиталарини тарқатиб юбориш тўғрисидаги №11-сонли қарори эълон қилинди¹³⁴. Уларнинг ўрнига қатта ҳуқуққа эга бўлган уезд-шаҳар инқилобий кўмиталар ташкил

¹³⁰ Шитт народа (Фергана), 1918, 3, 4 января.

¹³¹ ЎЗР МДА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 84-иш, 147-варак.

¹³² Усмонов Қ., Содиков М. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 29.

¹³³ НВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 102-варак.

¹³⁴ Народное хозяйство Туркестана. 1919 год, 21 декабря. – №37. – С. 20.

килинади. Қарорга кўра, Қўқон, Скобелев, Андижон ва Наманган уезд-шаҳарларидаги ижро этувчи органлар ўрнига инкилобий кўмиталар ташкил қилинди¹³⁵. Шаҳарлардаги инкилобий кўмиталарнинг таркиби: Скобелевда 6 кишидан, Қўқонда 5 кишидан, Андижонда 6 кишидан, Наманганда 4 кишидан, Ўшда 2 кишидан иборат бўлган¹³⁶.

1920 йил январ ойида Туркистон Марказий Ижроия кўмитаси Скобелев шаҳри номини Фарғона деб номланиши ҳақида қарор қабул қилди¹³⁷. Бироқ шаҳарни расман эса Фарғона деб номланиши 1924 йилдан бошланди¹³⁸.

Умуман олганда, 1920 йилда Республикада 6 та вилоят инкилобий кўмитаси, 26 та уезд-шаҳар, 400 га яқин волост кўмиталари, кўпгина кишлоқ, овул, станция инкилобий кўмиталари фаолият кўрсатган¹³⁹. Шу тариқа, шаҳар бошқаруви на бир ҳукукий асос ва на бир Низомга эга бўлмаган, бирор бир қонун қондасиз фаолият юритадиган, совет ҳокимияти ғояларини амалга оширишга директив буйруқ ва репрессив усуллар билан хизмат қиладиган органлар қўлига ўтиб қолди.

1919 йилнинг сентябрида Наманган уезд-шаҳар инкилобий кўмитаси тузилди. Бу инкилобий кўмита 1919 йилнинг сентябридан 1921 йилнинг 10 мартигача фаолият юритиб, Фарғона вилояти инкилобий кўмитасининг назорати остида бўлган. Инкилобий кўмита қуйидаги бўлимлардан иборат бўлган: озиқ-овқат отряди, халқ маорифи бўлими, шаҳар хўжалик бўлими, соғлиқни сақлаш бўлими, молия бўлими, милиция бўлими, ижтимоий таъминот ва меҳнат бўлими, ер-сув бўлими, халқ хўжалиги совети, туман пахта кўмитаси¹⁴⁰.

¹³⁵ Нуруллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период гражданской войны. – Ташкент, 1965. – С. 133.

¹³⁶ Народное хозяйство Туркестана. 1919 год, 21 декабря. – №37. – С. 20.

¹³⁷ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-руйхат, 687-иш, варак-20.

¹³⁸ Уразаев Ш. З. Туркестанская АССР и её государственно правовые особенности. – Ташкент: Госиздат УЗ ССР, 1958. – С. 155.

¹³⁹ Иноятов Х. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов им внутренней контрреволюции. – Москва, 1984. – С. 114–115.

¹⁴⁰ НВДА, 13-фонд, 1-руйхат, 3-иш, 93-варак.

1920 йилнинг ёзида ТуркМИК, Турккомиссия ва ўлка компартиясининг қарорига мувофиқ волост ва қишлоқ советларига сайловлар борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу масала юзасидан 1920 йил 14 июнда Наманганда ҳам уезд-шаҳар инқилобий кўмитаси ва партия комитетининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унинг қарорига кўра, волост бошқарувчилари, шаҳар ва овул оқсоқоллари ҳамда элликбошилиқ лавозимлари бекор қилинди. Зудлик билан шаҳарларда даҳа кўмиталари ва волост советларини тузишга киришилди. Амалдаги волост бошқарувчилари советлар ва Инқилобий кўмиталар таркибига киритилмади. Наманган шаҳрида ҳам оқсоқол ва мингбошилиқ лавозимлари ўрнида даҳа кўмиталари ташкил этилиб, уларнинг раислигига партия аъзо бўлган коммунистлар тайинланди¹⁴¹.

1918 йил 7 январда Наманганда совет ҳокимияти ўрнатилган бўлса-да¹⁴², 1920 йилгача волостларда волост бошлиқлари, қишлоқларда қишлоқ оқсоқоллари бошқаруви, шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмида-оқсоқоллар бошқаруви қабилар сақланиб қолди¹⁴³. Волост бошқарувчилари ва қишлоқ оқсоқоллари аввал Наманган совдеплари, 1919 йилнинг охиридан бошлаб эса инқилобий кўмита томонидан партиянинг тавсияси асосида тайинланган¹⁴⁴.

1920 йил июнь-июль ойларида Наманган уездида биринчи марта маҳаллий органлар билан бирга инқилобий кўмиталарга биргаликда сайловлар бўлиб ўтди¹⁴⁵. Унга кўра, 29 волост, 4 та қишлоқ советлари ва 8 та туман инқилобий кўмиталари ташкил қилинди¹⁴⁶. Наманган шаҳрининг эски қисмидаги оқсоқоллар, мингбошилар квартал кўмитасига алмаштирилди.

¹⁴¹ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 20-21 варақлар.; Приказы Наманганского уездно-городского ревкома // Рабочий путь, 1920. 14 апрель.

¹⁴² НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 59-иш, 3-варақ.

¹⁴³ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 20-варақ.

¹⁴⁴ Исхаков Н. Ш. Из истории установления Советской власти и создания Коммунистической организации в Наманганском уезде. Наманганский Государственный институт. Учёные записки. Выпуск III. – Наманган. 1957. – С. 45.

¹⁴⁵ НВДА, 243-фонд, 1-рўйхат, 34-иш, 139-варақ.

¹⁴⁶ ЎЗР МДА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 316-иш, 98-99 варақлар.

1920 йилнинг 20 июнида Наманган шаҳар инқилобий кўмитасининг 2758-буйруғи билан Чуст ва Олмосда инқилобий кўмиталар тузилди. Чустдаги инқилобий кўмитага Отабой Искандаров, Олмосдаги кўмитага эса Дехконбой Абдураззоқов бошчилик қилган¹⁴⁷.

1920 йил 4 октябрда эски шаҳарнинг 4 та даҳаси раислари янгидан тайинланган. Лаббайтоға даҳасига Исмоил Бабараимов, Дегрезлик даҳасига Абдулқори Тошбоев, Чуқурқўча даҳасига Маъруфхўжа Аҳмадхўжаев ва Сардоба даҳасига Нусратилла Қурбонов раис этиб тайинланди¹⁴⁸.

1921 йилнинг 11 мартда Наманган уезд-шаҳар совети тузилиб, ишчи деҳқон ва қизил аскарлар вакиллари советининг I йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда Наманган уезд-шаҳар ижроия кўмитасининг қуйидаги бўлимлари ташкил этилди: бошқарув бўлими, сиёсий бюро, ҳарбий комиссариат, ер-сув бўлими, халқ хўжалиги совети, халқ хўжалиги бўлими, озиқ-овқат бўлими, соғлиқни сақлаш бўлими, ишчи-деҳқон инспекцияси, коммунал бўлим, молия бўлими, ижтимоий таъминот бўлими, меҳнат бўлими¹⁴⁹.

Наманган уезд-шаҳар совети ҳокимиятнинг олий органи сифатида ҳудуддаги барча масалалар ва муаммоларни ҳал қилган, шунингдек, мавжуд барча муассасалар ва корхоналар устидан ҳам назорат қилган. Наманган уезд-шаҳар ижроия кўмитаси Андижон округи ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатлари совети назорати остида фаолият кўрсатган.

1917 йилда ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилган бўлса-да, ўлканинг маъмурий-худудий тузилишида ҳамон эски ҳолат сақланиб қолган эди. 1918 йилнинг апрелида Туркистон АССР ташкил этилган¹⁵⁰. Маъмурий жиҳатдан Фарғона, Самарканд, Сирдарё, Еттисув, Каспийорти вилоятларига бўлинган.

¹⁴⁷ Ҳайдаров З. Наманган вилояти: ўтмиш ва бугун. – Наманган., 2014. – Б. 26.

¹⁴⁸ НВДА, 13-фонд, 4-руйхат, 9-иш, 22-варақ.

¹⁴⁹ НВДА, 13-фонд, 1-руйхат, 13-иш, 25-варақ.

¹⁵⁰ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000. – С. 115.

Фарғона водийсида 7 та шаҳар бўлиб, улар вилоятга бўйсунувчи Янги Марғилон, 4 та уезд (Қўқон, Наманган, Андижон, Ўш), 2 та уездсиз (Эски Марғилон, Чуст) шаҳарларига бўлинган¹⁵¹.

1917 йилда Фарғона вилояти аҳолисидан 2 млн 45 минг нафари кишлоқларда ва 409.234 минг нафари эса шаҳарларда истикомат қилган¹⁵².

1.1-жадвал

1914 йил Фарғона водийси шаҳарларидаги аҳоли сони:¹⁵³

№	Шаҳарларнинг номлари	жами
1	Қўқон	120.984
2	Андижон	79.732
3	Наманган	76.297
4	Ўш	48.160
5	Марғилон	46.613
6	Чуст	20.012
7	Скобелев (Фарғона)	13.503
	Вилоят бўйича (шаҳар аҳолиси)	405.301

Мустамлака шароитида Фарғона вилоятида содир бўлган жадал ўзгаришлар шаҳарлар ҳаётига зиддиятли таъсир кўрсатган. Бу жараёнларнинг водийдаги йирик шаҳарлар: Марғилон, Андижон, Қўқон, Скобелев, Наманган, Ўш каби шаҳарлар ҳаётида намоён бўлган. Вилоят ва уезд маркази мақомидаги шаҳарларга келган келгинди аҳоли учун қурилган янги шаҳарчалар сони йил сайин кўпайиб борганлигида кўришимиз мумкин. Масалан, 1913 йилда Фарғона вилояти шаҳарларида 29.972 нафар рус аҳолиси яшаган бўлса¹⁵⁴, 1917 йилга келганда уларнинг сони 43.978 нафарга етган¹⁵⁵.

¹⁵¹ Записки о состоянии Ферганской области. 1906 г.... – С. 14.

¹⁵² ЎзР МДА, И.1044-фонд, 1-руйхат, 19-иш, 93-варақ.

¹⁵³ ЎзР МДА, Р.20-фонд, 1-руйхат, 281-иш, 347-варақ.

¹⁵⁴ Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари.... – Б. 137.

¹⁵⁵ ЎзР МДА, Р. 21-фонд, 1-руйхат, 32-иш, 13-варақ.

1917 йил Фарғона водийси шаҳарларидаги аҳоли сони:¹⁵⁶

№	Шаҳарларнинг номлари	жами
1	Қўқон	118.854
2	Андижон	82.235
3	Наманган	78.942
4	Эски Марғилон	49.319
5	Ўш	48.136
6	Чуст	19.856
7	Скобелев (Фарғона)	11.892
	Вилоят бўйича (шаҳар аҳолиси)	409.234

Юкорида берилган жадвалда берилган статистик маълумотга кўра, Фарғона водийси шаҳарларида 1914 йилда шаҳар аҳолиси 405.301 нафарни ташкил этган бўлса, 1917 йилда эса 409.234 нафарни ташкил қилган.

XX аср бошларида Қўқон уезди Фарғона водийсининг ғарбида жойлашган бўлиб, умумий ер майдони 12.701 кв. верст, аҳолиси эса 460 минг кишини ташкил этган¹⁵⁷. Маъмурий жиҳатдан уезд 23 та волост, 137 та кишлоқ жамоаларига бўлинган. Шунингдек, Қўқон шаҳри 4 та полиция пристави, катта оксоқолга бўйсунувчи 4 та оксоқолликдан иборат бўлган¹⁵⁸. Уезднинг барча аҳолиси Қўқон шаҳри ва 828 та аҳоли пунктларига ажратилган.

Қўқон шаҳри нафақат уезднинг, шунингдек, Фарғона вилоятида савдо-сотик ишларида марказ вазифасини бажарган. 1917 йилда шаҳар аҳолиси 118 минг кишини ташкил қилган. Аҳолининг миллий таркибига кўра ўзбеклар (358 минг), тожиклар (52 минг), қирғизлар (19 минг), руслар (16 минг), қорақалпоқлар (7 минг) ва бошқа миллат вакиллари ташкил этган. Қўқон уезди: Пригородний, Кудаш, Серово ва Янгикўрғон каби участкаларга

¹⁵⁶ ЎзР МДА, И.1044-фонд, 1-руйхат, 19-иш, 93-варак.

¹⁵⁷ ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-руйхат, 32094-иш, 51-варак.

¹⁵⁸ ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-руйхат, 32094-иш, 51-варак.

бўлинган. Қўқонда шаҳарнинг янги ва эски қисмлари бевосита бири-бирига туташган. Шаҳарнинг янги қисми ер майдони аҳоли турар жойлари, боғлари билан бирга қўшиб ҳисоблаганда 310 десятина, аҳолиси эса 31.117 кишини ташкил қилган¹⁵⁹. Уларнинг 12.213 нафари руслар, 18.904 нафари маҳаллий миллат вакиллари эдилар. Шаҳарнинг янги қисмида 110 ўринли касалхона бўлиб, у ерда 2 нафар шифокор, 4 нафар шифокор ёрдамчиси, 2 нафар доялар хизмат қилган. Шаҳарнинг эски қисми маҳаллий аҳолининг турар жойлари ҳамда боғлари билан ҳисоблаганда 1.239 десятирани ташкил қилган.

XX аср бошига келиб Фарғона вилоятининг ер майдони ҳам кенгайиб борган. 1910 йилда Фарғона вилоятининг умумий ер майдони 812.429 верста¹⁶⁰ етган¹⁶¹.

Ўрганилаётган даврда водийдаги ҳар бир шаҳар ўзининг ер майдонига эга бўлиб, улар қуйидагича бўлган¹⁶².

1.3-жадвал

Фарғона водийси шаҳарларининг ер майдони:

№	Шаҳар номи	ер майдони (десятина ¹⁶³)
1	Фарғона	913
2	Қўқон	2149
3	Марғилон	1868
4	Наманган	3489
5	Анджон	3045

1920 йилда Туркистон ўлкасининг аҳолиси 5.664.500 кишини ташкил қилгани ҳолда, Фарғона вилояти аҳолиси 2 млн 112 минг кишидан иборат бўлиб, у Туркистон аҳолисининг 37,3 % ни ташкил этган¹⁶⁴. 1920 йилда Туркистонда шаҳар аҳолиси 1.040.900 кишини (18,4 %), қишлоқларда эса 4.623.600 кишини (81,6 %) ташкил этган.

¹⁵⁹ ЎзР МДА, Р.40-фонд. 1-рўйхат, 190 а-иш, 1274 -варак.

¹⁶⁰ Верст – 1 верст-1066 метр.

¹⁶¹ Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – Б. 136.

¹⁶² ЎзР МДА, Р.39-фонд. 2-рўйхат, 578-иш, 5-варак.

¹⁶³ Десятина – ер ўлчов бирлиги. 1 десятина – 1.1 га тенг.

¹⁶⁴ Статистический Ежегодник 1917–1923 гг / Составлен под редакцией Д. П. Красновского. Том I. – Ташкент: Издание ТЭС-а, 1924. – С. 42.

Фарғона вилоятида 1897 йилда шаҳар аҳолиси 277.700 кишини (17,7 %), қишлоқларда эса 1.287.700 киши (82,3 %) яшаган бўлса 1920 йилда шаҳарларда 405.300 киши (24,3 %), қишлоқларда 1.264.200 киши (75,7 %) яшаган¹⁶⁵.

1920 йилда Фарғона водийси аҳолисининг 64,8 % ўзбеклар ташкил этгани ҳолда, уларнинг 19,2 % шаҳарларда яшаган¹⁶⁶. Шунингдек, Фарғона водийсида қирғизлар 362.900 нафар, қорақалпоқлар 10.700 нафар, қипчоқлар 42.500 (асосан Шимолий Фарғона, Андижон ва Наманган уездларида яшаган) нафарни, тожиклар 167.800 нафарни (Наманган ва Қўқон уездларида яшаган) ташкил қилган.

1920 йилларнинг ўрталарида Фарғона вилояти шаҳарларининг ер фонди 13.296 ботмон¹⁶⁷ (десятина) 526 квадрат саржинни¹⁶⁸ ташкил қилган¹⁶⁹.

1920 йилда Фарғона водийсидаги уезд, шаҳарлар ва уларнинг умумий ер майдони¹⁷⁰:

1.4-жадвал

№	Уезд номлари	волостлар сони	шаҳар	майдони (верст)
1	Андижон	22	1	13068
2	Қўқон	23	1	13.237
3	Наманган	28	2	23.423
4	Ўш	15	1	23.357
5	Фарғона	19	2	13.239
	Умумий	107	7	86.324

Фарғона вилояти шаҳарлари аҳолисининг сони 1923 йилда 1917 йилга қараганда 50,6 % камайиб кетган¹⁷¹. Яъни 1917 йилда

¹⁶⁵ Балашев Н. И. Несколько страниц из экономической географии Туркестана. – Ташкент: Туркестанское государственное издательство, 1923. – С. 8.

¹⁶⁶ Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолиси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – Б. 51.

¹⁶⁷ Ботмон (десятина) – бир гектарга яқин ер ўлчов бирлиги.

¹⁶⁸ Саржин – 2.134 метрга тенг узунлик ўлчов бирлиги.

¹⁶⁹ Фарғона вилоят давлат архиви. 121-фонд, 2-руйхат, 428-иш, 195-варак.

¹⁷⁰ Статистический Ежегодник 1917–1923 гг. Составлен под редакцией Д.П. Красновского. Том I. Част 3. –Ташкент: Издание ТЭС-а, 1924. – С. 2-3.

¹⁷¹ ЎЗР МДА, Р.25-фонд, 1-руйхат, 1391-иш, 114-варак.

Фарғона вилояти шаҳарлари аҳолиси 409.234 кишидан¹⁷² иборат бўлса, 1923 йилга келиб уларнинг сони 207.191 кишига¹⁷³ тушиб қолган.

1914, 1917 ва 1923 йилларда Фарғона водийси шаҳарлари аҳолисини рўйхатга олиш натижалари бўйича маълумотларни таққослаймиз:

1.5. Жадвал

Шаҳарлар аҳолисининг сони:

Шаҳар аҳолиси		1914 й	1917 й	1923 й
1	Кўкон	120.984	118.854	49.739
2	Андижон	79.732	82.235	52.735
3	Наманган	76.297	78.942	48.915
4	Ўш	48.160	48.136	14.508
5	Марғилон	46.613	49.319	29.725
6	Чуст	20.012	19.856	8.758
7	Скобелев (Фарғона)	13.503	11.892	11.569
	ЖАМИ	405.301	409.234	207.191

1922 йил 15 февралда маъмурий ҳудудий бўлинишга кўра, Туркистон Республикаси 6 та вилоятга бўлинган. Унга кўра, Фарғона вилояти бешта уезддан ташкил топган эди. Наманган уезди 29 та волостдан, Ўш уезди 14 та волостдан, Андижон уезди 23 та волостдан, Кўкон уезди 23 та волостдан, Марғилон уезди 20 та волостдан иборат бўлган¹⁷⁴.

1923 йилда Туркистон Республикасида 64 та шаҳар типигаги аҳоли пункти бўлиб, уларда 946.512 нафар аҳоли сони рўйхатга олинган. Жумладан, Фарғона вилоятида мавжуд 12 та шаҳар типигаги аҳоли пунктларида 222.789 нафар аҳоли яшаб, улар вилоят аҳолисининг 23.5 % ни ташкил этган¹⁷⁵.

¹⁷² ЎзР МДА, И.1044-фонд, 1-руйхат, 19-иш, 93-варак.

¹⁷³ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-руйхат, 108-иш, 328-варак.

¹⁷⁴ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-руйхат, 687-иш, 20-варак.

¹⁷⁵ Классовый и профессиональный состав городского населения ТССР в 1923 г. – Ташкент: Издание Туркестанского Экономического Совета, 1924. – С. 1.

1924 йилда Фарғона вилояти аҳолиси 1.924.800 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 68,2 % ни ўзбеклар, 17,2 % ни қирғизлар, 8,9 % ни тожиклар, 2,3 % ни руслар ва 3,4 % ни бошқа миллат вакиллари ташкил қилган¹⁷⁶. 1924 йилда Фарғона водийси шаҳарларининг ер майдони 11.466 десятина 1.950 кв. саржин бўлган.

Худудий жihatдан Қўқон округи таркибига Фарғона вилоятининг Қўқон ва Наманган уездлари ҳамда Самарқанд вилояти таркибида бўлган Хўжанд уездининг шимолий-шарқий қисми кирган¹⁷⁷. Қўқон округининг чегаралари Авлиёота уездидан бошланиб, у жануб ва жануби-ғарб томондан Қўқон округи билан Чотқол воҳасини ажратган. Бундан ташқари, округ дастлаб Сирдарё вилоятининг Тошкент, Мирзачўл уездининг Сирдарё тумани билан чегарадош бўлган. Кейинчалик округ худуди: Самарқанднинг жанубий қисми ва Бухоро Халқ Совет Республикаси, шимоли-шарқда Фарғона вилоятининг Фарғона ва Андижон (Норингача бўлган ерлар) уездлари ва шимолдан Еттисув вилоятининг Пишпек уезди билан чегараланган¹⁷⁸.

1917 йилги маълумотларга кўра, Қўқон округининг умумий майдони 36 минг кв. верст, аҳолиси 1 млн киши атрофида бўлган¹⁷⁹. Туркистон АССР округлари ичида аҳолининг зичлиги бўйича Қўқон округи биринчи ўринда турган. Қўқон округи 1.214 та аҳоли пунктларидан иборат бўлиб, 4 та йирик шаҳар ва 66 та кичик шаҳар типигадаги аҳоли пунктлари бўлган. 1923 йилги маълумотларга кўра, Округ таркибидаги Қўқон шаҳрида 50.338 нафар, Наманганда 40.196 нафар, Хўжандда 32.805 нафар, Чустда 8.756 нафар аҳоли яшаган¹⁸⁰. Округда ўртача зичлик 1 кв. верст ерга 28,8 киши тўғри келган. Округда аҳолининг 20 % шаҳарларда, 80 % эса қишлоқларда яшаган. Қўқон округи аҳолисининг миллий

¹⁷⁶ Якубов Б. Из истории партийной организации Ферганы. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 201.

¹⁷⁷ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II. – Ташкент: Изд ТЭС, 1922. – С. 131.

¹⁷⁸ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II. Проект административно-хозяйственного деления ТССР. Под редакцией Председателя Комиссии по районированию Д.П. Красновского. – Ташкент: Изд ТЭС, 1924. – С. 131-132.

¹⁷⁹ Материалы по районированию Туркестана. Вып. II. – Ташкент: Изд ТЭС, 1922. – С. 132.

¹⁸⁰ Материалы по районированию Туркестана... – С. 132.

таркибини ҳисобга олинганда, округда ўзбеклар 72.1 %, тожиклар 14.9 %, қирғизлар 8.3 %, руслар 2.2 %, қипчоқлар 1.2 % ва бошқа миллат вакиллари яшаган. Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилганидан сўнг, Қўқон округи ҳам Ўзбекистон ССРнинг Фарғона вилояти таркибига киритилган.

Қўқон округида савдо-сотик муносабатлари ўзига хос равишда олиб борилган. Округда аҳоли савдо-сотик ишларини юритиш ва истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида марказий шаҳар бозорлари ва қишлоқ бозорлари фаолият кўрсатган. Асосий бозорлар водийнинг Қўқон, Фарғона, Марғилон ва Чуст каби йирик шаҳарларида жойлашган эди¹⁸¹. Шунингдек, Риштон, Лайлакхона, Қува, Яйпан, Чодак ва шунга ўхшаш 38 та қишлоқ бозорлари ҳам бўлган. Қўқон округида 5.499 та савдо шахобчалари бўлиб, уларнинг 137 таси давлатга қарашли, 237 таси тижорат ва 5.125 таси хусусий бўлган¹⁸².

Андижон округи Андижон, Фарғона ва Ўш уездларидан ташкил топган. Округ шимоли-шарқдан Еттисув вилояти, жануби-шарқдан Хитой, жанубдан Помир тумани ва Бухоро Республикаси ва шимоли-ғарбдан Қўқон уезди билан чегарадош бўлган. Андижон округининг майдони 6.427 кв верстни ташкил этиб, унинг таркибига 12 та туман кирган¹⁸³. Округда ўртача зичлик 1 кв верст ерга 112 киши тўғри келган. XX асрнинг 20 йилларида округда 866 та аҳоли пунктлари (манзилгохлари) бўлиб, округ аҳолисининг умумий сони 724.397 кишини ташкил қилган. Аҳолининг 566.058 нафари қишлоқларда ва 158.339 нафари шаҳарларда яшаган. Андижон округида Андижон, Фарғона, Ўш ва Марғилон шаҳарлари бўлган.

1923 йилги аҳоли сонини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Андижонда 52.789 киши, Фарғонада 11.586 киши, Ўшда 14.497 киши ва Марғилонда 29.696 киши яшаган¹⁸⁴. Андижон округи аҳолисининг 65,4 % ни ўзбеклар, 24,7 % ни қирғизлар, 3,6 %

¹⁸¹ Материалы по районированию Туркестана... – С. 111–112.

¹⁸² Материалы по районированию Туркестана... – С. 112.

¹⁸³ Материалы по районированию Туркестана... – С. 134.

¹⁸⁴ Материалы по районированию Туркестана... – С. 135.

ни тожиклар, 2,6 % ни кипчоклар, 2,3 % ни руслар, 1,4 % ни коракалпоқлар ва бошқа миллат вакиллари ташкил қилган¹⁸⁵. Округ худудида 48 та бозор бўлиб, уларнинг энг катталари Андижонда жойлашган эди. Шунингдек, округда битта давлатга қарашли, 237 та тижорат ва 3.843 та хусусий савдо шаҳобчалари фаолият кўрсатган.

Андижон округи худудидан 2 та темир йўл ўтган бўлиб, биринчиси Қўқон округининг шимоли-шарқидан бошланиб, округ жануби-шарқи орқали Қирғизистонга йўналган. Иккинчи йўналиш ҳам Қўқон жануби-шарқидан бошланиб, Андижон шаҳрида тугаган. Андижон шаҳри округнинг иктисодий ва маданий жиҳатдан маркази саналган бўлса, географик нуқтаи назардан эса Наманган шаҳри округнинг марказида жойлашган эди.

1924 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-давлат чегараланиши натижасида Андижон, Наманган, Қўқон ва Фарғона уездлари Ўзбекистон ССР таркибига киритилади¹⁸⁶.

Хулоса қилиб айтганда, 1917 йилнинг февраль инқилоби таъсирида Туркистонда, хусусан, Фарғона водийси шаҳарларида сиёсий жараёнлар фаоллашиб, ўлка микёсида тузилган миллий ташкилотлар ва жамиятлар шўъбалари юзага келди, шаҳар бошқарувида Думалар фаолияти йўлга қўйилди. 1917 йилнинг ёз фаслида бўлган сайловлар натижасида Қўқон, Самарқанд, Андижон каби шаҳарларда маҳаллий аҳоли вакиллари Думалардан ўрин олдилар. Шаҳарларда маҳаллий сиёсий ташкилотлар тузилиб, уларнинг аъзолари йирик сармоядорлар, маҳаллий тадбиркорлар, тараккийпарварлар сиёсий жараёнларга фаол жалб этилдилар. Аммо 1917 йил октябрь ойида большевиклар ҳокимиятни куч билан эгаллашга муваффақ бўлгач, воқеалар ривожини ўзгариб кетди.

Мазкур бобга хулоса сифатида шуни қайд қилмоқчи, ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилгач, большевиклар нафақат шаҳарлар бошқаруви, балки ўлка ҳукуматида ҳам маҳаллий аҳоли

¹⁸⁵ Материалы по районированию Туркестана... – С. 135.

¹⁸⁶ Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Иккинчи қитоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 298.

вакилларини яқинлаштирмадилар. Шаҳар бошқаруви зўравонликка асосланган янги маъмурий тузилма – инқилобий кўмиталар кўлига ўтди. Фарғона водийси шаҳарларида февраль инқилоби натижасида шаҳарлар бошқарувида эркинлик жараёнлари вужудга келган бўлса, октябрь тўнтариши бу эркинликларга барҳам берди.

Ўлкадаги шаҳар Думалари шаҳарлардаги аҳоли томонидан муқобиллик асосида демократик йўл билан сайланган бўлишига қарамай, большевиклар уларни тарқатиб юбордилар. Улар бунинг учун корхоналардаги, асосан, рус ишчилари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишлардан фойдаланардилар, шунингдек, маҳаллий аҳолининг асосий кўпчилиги фикри билан ҳисоблашиб ўтирмадилар.

Большевиклар зўравонлик билан ҳокимият тепасига келганидан сўнг, фаолиятининг дастлабки кунидан бошлаб адолатсиз сиёсат олиб бориш билан бирга, босқинчилик, талончилик билан ҳам шуғулланишган. Бунинг натижасида эса халқнинг яшаш шароити кундан-кунга оғирлашиб, большевикларга қарши норозилиги ортиб борди. Натижада большевиклар тузумининг зўрлик билан ўрнатилишига қарши қуролли қаршилиқ ҳаракати бошланиб кетди. Фарғона водийси шаҳарларида ҳам совет ҳокимияти зўрлик билан ўрнатилди. Аммо большевиклар бу даврда жойларда миллатларни ўз тақдирини ўзлари бошқаришга шарт-шароит яратиш бўйича берган ваъдаларига қарамай, амалда бу йўналишдаги ҳар қандай ҳаракатларини қатъий равишда бостиришга эришди. Кўкон шаҳрида тузилган Туркистон Мухторияти зўравонлик билан тугатилди, бу ҳол ўлкада большевиклар сиёсатига қарши оммавий ҳаракатларнинг кенгайишига олиб келди. Ўзаро курашларнинг авж олиши шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, маънавий муҳитни кескинлаштириб юборди.

II БОБ. ШАҲАРЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР

2.1-§. Ҳарбий коммунизм ва озик-овқат развёрсткаси асоратлари

Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши арафасида ўлкадаги иқтисодий аҳвол анча оғир эди. 1914 йили бошланиб кетган Биринчи жаҳон уруши натижасида иқтисодиётдаги умумий инкироз сабабли Фарғонага четдан ғалла келтирилиши қисқарган ва 1916–1917 йиллар кишидаги қаҳратон совуқлар, 1917 йил ёзидаги қурғоқчилик натижасида ҳосил нобуд бўлган эди¹⁸⁷. Ўлка аҳолисини яшаши учун 111 млн. пуд ғаллага эҳтиёж бўлса, 1917 йилда эса атига 52 млн. пуд ғалла йиғиб-тегиб олинган, холос¹⁸⁸. 1917 йилга қадар Туркистонга ҳар йили 14 миллион пуддан 20 миллион пудгача ғалла келтирилган бўлса, 1917 йилдаги Россия кишлок хўжалигидаги таназзул оқибатида 1918–1919 йилларда жуда катта машаққат ва қийинчиликлар билан бор-йўғи 1,5 миллион пуддан озроқ ғалла келтирилган, холос¹⁸⁹. Совет ҳокимиятига қарши курашларда Тошкент-Оренбург темир йўлининг ёпилиб қолиши¹⁹⁰ ҳам бунда катта роль ўйнаган. Бунинг устига Фарғона водийсидаги уруш ҳаракатлари ва табиий офатлар натижасида деҳқончилик бутунлай издан чиқди. Бундай ҳолат ўлка аҳолисини очарчиликка маҳкум этди. 1917 йилдан бошлаб мамлакатда очарчилик бошланган.

Туркистонда ҳам Октябрь (1917) тўнтаришидан сўнг ўлкада халқ хўжалиги оғир ҳолатни бошидан кечири бошлаган. Буни вақтли матбуот шундай таърифлаган эди: «Аввал Февраль, кейин эса Октябрь инқилоби Туркистонни Россияга қарам ва тўлиқ қўмақсиз ҳолатда қолишига сабаб бўлмоқда. Фуқаролар уруши туфайли Россиядан ажралиб қолгач, у ҳалокат ёқасига келиб қолди. Туркистонда саноат, транспорт соҳалари издан чиқди, экин

¹⁸⁷ Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. (Сборник главней статей, докладов, речей и тезисов). Часть I. 1917–1919. – Ташкент., 1925. – С. 35.

¹⁸⁸ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.... – Б. 102.

¹⁸⁹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар.... – Б. 104.

¹⁹⁰ «Оренбург тикини». 1917 йил Октябр тўнтариши натижасида бир неча маротаба «Оренбург тикини» вужудга келиб, Россиядан Туркистонга ғалла олиб келиш тўхтаб қолган эди.

майдонлари кескин-қискарди ва чорва бутунлай кирилиб кетиш даражасига келиб қолди»¹⁹¹. 1917 йилдан 1920 йилгача Туркистон ўлкасида мавжуд чорва молларнинг сони тенг ярмига қисқариб кетди¹⁹². Бу даврда хўжаликнинг бошка соҳаларига қараганда чорвачилик энг кўп зарар кўрган. Масалан, 1917 йилда Фарғона водийсида 257.598 та от, 526.686 та қорамол, 14.299 та туя, 561.197 та қўй ва 5525 та бош эчки мавжуд бўлган бўлса¹⁹³, уч йил ичида юк ташувчи отлар 5 марта ва қўшга қўшилувчи хўкизлар 4 марта камайган¹⁹⁴.

1916 йил бир пуд буғдойнинг нархи ўртача 1 рубл 50 копеекни ташкил қилган бўлса, ўлкада бошланган очарчилик натижасида кўплаб озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб кетган. 1917 йилда бир пуд буғдой 35 рубль, бир пуд ун 2 рублдан то 40 рублгача, бир пуд гуруч эса 5 рублдан 45 рублгача, маккажўхори 1 рублдан 25 рублгача бўлган¹⁹⁵. Аҳолининг ишлаб топган пули озиқ-овқат харид қилишга етмасди. Эски Марғилон шаҳри ишчиларининг умумий йиғилиш қарорида «ҳафтасига 4 рубл ишлаган камбағал ҳатто икки кун ҳам ўзини боқа олмайди. Унни кимнинг кучи етса, ўшалар олмоқда. Бундайлар эса Марғилоннинг 125 минг аҳолисидан 10 мингни ташкил қилади. Ҳафтада ишчи бир кунлик ун сотиб олиш учун ишлайди, қолган кунлари эса оч қолган. Озиқ-овқат қўмитаси томонидан берилаётган ун икки кунга етарди, холос»¹⁹⁶ дейилган. Ўлка бўйича тузилган озиқ-овқат комитетларининг аҳоли ўртасида ғаллани тақсимлаш ишларида адолатсизликка йўл қўйиши оқибатида маҳаллий аҳолининг аҳволи оғирлашди. Масалан, Эски Марғилон шаҳри мусулмонлари ун билан таъминлашда 3/4 фунт олаётган Скобелев шаҳрининг рус, яҳудий ва татар миллатига мансуб аҳоли билан тенглаштиришни талаб қилишган. Улар ўз қарорларида «озиқ-овқат комитетлари бир

¹⁹¹ Ҳайдаров М. Туркистон иктисодиётида «Ҳарбий коммунизм» сиёсати // O'zbekiston tarixi. – 2003. – №3. – Б. 31.

¹⁹² Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти. – Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2007. – Б. 24.

¹⁹³ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-руйхат, 336-иш, 241-варак.

¹⁹⁴ ЎзР МДА, Р.25-фонд, 1-руйхат, 1391-иш, 102-варак.

¹⁹⁵ Знамя свободы. 1917 г, 3 июля.

¹⁹⁶ Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане. Сборник документов. – Т.: Госиздат УзССР, 1947. – С. 16.

кунда ажратилган 90 коп ун 82 минг кишига етмайди, шунинг учун уезд озиқ-овкат комитетлари ҳар куни 300 копдан ун ажратиши керак»¹⁹⁷ дейдилар. Баъзи жойларда эса мусулмонларга ҳатто бир неча кунгача нон берилмасди. «Знамя свободы» газетасида Ёзилишича, Андижон шахрининг мусулмон аҳолисига ўн кундан бери нон берилмаяпти, 4 ноябрда шаҳарнинг европалик аҳолиси ҳам нон олмаганлиги»¹⁹⁸ қайд этилган. Бироқ, маҳаллий миллат вакиллари бу масалаларни ўзлари ҳал қилишга уринганлар. 1917 йил матбуот саҳифаларида маҳаллий бойларнинг кўплари камбағалларга ёрдам бераётганликлари ҳақида хабарлар берилган. Масалан, Андижонда Азим хожи камбағалларга такса баҳосида нон бериб турганлиги ёзилган¹⁹⁹.

Пахтачилик соҳасининг инкирозга юз тутиши Фарғона водийси шаҳарларида ишсизлар сонининг ортишига олиб келди. Маълумотларга кўра, 1917 йилда Фарғонада 400 минг ишсиз чорикор, 300 минг ерсиз қолган пахтакор ва 50 минг завод ишчиси бўлган²⁰⁰. Фарғонада 1918 йил 1,5 миллион кишига 800 минг десятина ер, яъни жон бошига ҳисоблаганда ҳар бир кишига ярим десятина ер тўғри келар эди²⁰¹.

Оғир иқтисодий шароитда қолган деҳқонлар ва шаҳарликлар совет ҳокимиятига қарши қурашаётган миллий озодлик ҳаракат қурашчилари сафини тўлдирганлар.

Фарғона водийсида юз берган очарчиликни шартли равишда 2 та даврга ажратиш мумкин: Биринчи давр 1917–1919 йилларни ўз ичига олиб, бу давр тўғрисидаги маълумотлар даврий матбуотда сақланиб қолган. Иккинчи давр 1921–1923 йилларни қамраб олади ва очарчиликнинг барча даҳшатлари ўша даврга оид архив ҳужжатларида акс этган²⁰².

¹⁹⁷ Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане. Сборник документов. – Т.: Госиздат УзССР, 1947. – С. 16-17.

¹⁹⁸ Знамя свободы. 1917 г, 7 ноября.

¹⁹⁹ Шодмонова С. 1917 йилда Туркистонда ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг даврий матбуотдаги мониторинги // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – №.1. 2006. – Б. 176.

²⁰⁰ Известия Ферганского Совдепа. 1918 г, 17 августа.

²⁰¹ Наша газета. 1918 г, 13 августа.

²⁰² ФВДА, 263-фонд, 1-руйхат, 9-иш, 246-варак.

Агарда очарчиликнинг биринчи даврининг асосий сабаблари 1917 йилнинг баҳоридаги қаҳратон совуқлар ва ёзидаги қурғоқчилик ҳамда Марказдан ғалла келтирилишининг камайиши бўлса, 1921–1923 йиллардаги очарчиликни большевикларнинг нотўғри иқтисодий сиёсати билан боғлаш мумкин эди.

Ўлкадаги мислсиз оғир вазият натижаси ўлароқ Туркистон ўлкасида очарчилик кенг қулоч ёйди, аҳоли орасида турли юқумли касалликлар тарқалди. Очарчилик тезликда шаҳарларни ҳам қамраб олди. Ўша давр матбуоти саҳифаларида қайд этилишича, Фарғона, Кўкон, Марғилон ва бошқа шаҳар кўчаларида ҳар кадамда очликдан холсизланган ва бир бурда нон сўраб илтижо қилаётган минглаб кишиларни учратиш мумкин бўлган²⁰³.

1917–1918 йил киши ва баҳорида Фарғона водийсидаги дахшатли очарчилик натижасида аҳолининг 30 фоизи ўлиб кетди²⁰⁴. 1917 йилда Фарғона вилояти аҳолиси 2 миллион 160 минг кишини ташкил қилган бўлса, 1923 йилда бу кўрсаткич 1 миллион 669 минг кишига тушиб қолган²⁰⁵. Биргина Кўкон шаҳрида 1917 йилда 120.984 киши яшаган бўлса, 1923 йилга келиб аҳоли сони 50.338 кишига қисқарган²⁰⁶.

1917 йил 28 декабрдан 1918 йил 13 январга қадар Марғилонда саховатли кишилардан 30.678 сўм 96 тийин маблағ йиғилиб, унинг 14.951 сўм 21 тийини очарчиликни бартараф этиш учун сарфланган²⁰⁷.

1917–1919 йилларда Туркистон ўлкасини қамраб олган очарчилик ҳақида маълумотлар муस्ताқиллик йилларида амалга оширилган кўплаб тадқиқотларда²⁰⁸ ҳам ўз аксини топган. Шу

²⁰³ Свободный Туркестан. 1918 г, 30 января.

²⁰⁴ Известия Ферганского Совдепа. 1918 г, 17 августа.

²⁰⁵ Наша газета. 1918 г, 13 августа.

²⁰⁶ Баҳридинов Қ. Токатли эл тўзимас // Муҳофаза. – 2005. – №4. – Б. 37.

²⁰⁷ Очлик балоси // Улуғ Туркистон, 1918, 31 январ.

²⁰⁸ Туркистондаги очарчилик ҳақида кенгрок маълумот учун қаранг: Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. – Тошкент: Университет, 2002. – Б. 76-83; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. – Андижон, Андижон нашриёт матбаа, 2004. – Б. 86-101; Расулов А. Туркистон ва Волгабуйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. – Тошкент: Университет, 2005. – Б. 34-53; Шодмонова С. 1917 йилда Туркистонда ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг даврий матбуотдаги мониторинги // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – №1. 2006. – Б. 173-177; Режаббоев Н. 1917–1918 йилларда озик-овқат таъминоти: муаммо ва ечимлар. ЎЗМУ Хабарлари. – №1/2. 2015. – Б. 73-74; Туркистонда очарчиликка қарши кураш. ЎЗМУ Хабарлари. – №1/4. 2016. – Б. 74-76.

билан бирга, ўша давр матбуотида ҳам берила бошланади. Масалан, «Улуғ Туркистон» газетасининг 1918 йил 24 январдаги сониди А. Қодирийнинг «Очлик балоси» номли мақоласида Наманган шаҳри яқинидаги Тўрақўрғон қишлоғида очликдан Орзигул исмли кишининг хотини ва тўрт боласи шишиб ўлганлиги, кўчаларда ҳам одамларнинг ўлиб қолаётганлиги, Қўрғонча, Яндама, Мозорқуй, Эскиобод ҳамда Қумбой қишлоқларида очликдан ўлган одамлар сонининг ортиб бораётганлиги ҳақида маълумотлар берилади²⁰⁹.

«Улуғ Туркистон» газетасининг деярли ҳар бир сониди ўлкада очликдан азият чекаётганлар сонининг ортиб бораётганлиги сабабли саховатли кишилардан шундай оғир кунларда мусулмон биродарларга ёрдам беришларини сўраб илтимосномалар эълон қилади²¹⁰.

1918 йилда Фарғона вилояти ва уездларида очарчиликка қарши маҳаллий комитетлар тузила бошлади. Фарғона вилоятида Очларга ёрдам бериш қўмитаси ёрдамида очликдан азият чекаётган аҳолига қуйидагича ёрдам берилди: 1) аҳолидан олинадиган давлат солиқлари камайтирилди, Фарғонага озик-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган меҳнат қуролларини олиб келинишида имтиёзлар берилди; 2) Экин учун ажратилган майдонларини қўпайтириш мақсадида уруғлар ва уй хайвонлари берилди; 3) Очарчиликдан азият чекаётган аҳоли учун овқатланиш шаҳобчалари ҳамда болалар уйи ташкил қилинди²¹¹.

1918 йил январь ойида нон ва нон маҳсулотларига аҳоли талабини қондириш мақсадида Андижонга Скобелев уезидан 250 пуд ғалла ва ун, Қўқон шаҳридан эса 200 пуд ун келтирилган²¹².

«Иттифоқ» жамияти ҳузуридаги «Очларга ёрдам комиссияси»-нинг ҳисоботида қўра, 1918 йил 25 февраль кунига қадар қуйидаги маблағлар тўпланган: «Русский шерсть» ширкатидан 5000 сўм, Абдуллаевларнинг савдо уйидан 4000 сўм, Раҳим Туминовдан 2000 сўм, ака-ука Обаевлардан 1500 сўм, Карим Туминовдан 1000 сўм,

²⁰⁹ Очлик балоси // Улуғ Туркистон, 1918, 24 январ.

²¹⁰ Очларга ёрдам қилингиз! // Улуғ Туркистон, 1918, 26 феврал.

²¹¹ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 948-иш, 3-варак.

²¹² Хроника событий Октябрьской революции в Узбекистане. Т. II. – Ташкент., 1975. – С. 99.

Каримиддин хожи Шамсиддинов ва ўғиллари тижоратхонасидан 900 сўм, Ёнбоевлар савдо уйи, Робия Ёнбоева ва Файзуллахўжа Абдуллахўжаевлардан 200 сўмдан, Искандар Шамсиддинов- дан 140 сўм, жами 21740 сўм жамланган²¹³. Тўпланган маблағлар тезлик билан очларни тўйдириш мақсадида очилган ошхоналарга махсулотлар сотиб олиш учун сарф этилган.

Фарғона водийсидаги Кўкон, Наманган, Андижон, Эски Марғилон, Ўш, Чуст, Скобелев (Янги Марғилон, кейинчалик Фарғона) каби йирик шаҳарларда содир бўлган кескин аҳвол натижасида аҳоли сони камайиб кетган.

2.1. жадвал

1917 ва 1923 йилларда қуйида кайд этилган 7 та шаҳардаги аҳоли сони ҳақидаги маълумотларнинг киёсий таҳлили қуйидаги манзарани намоён қилади:

Шаҳарлар		1917 йил аҳолиси	1923 йил аҳолиси
1	Кўкон	118.854	49.739
2	Андижон	82.235	52.735
3	Наманган	78.942	40.157
4	Эски Марғилон	49.319	29.725
5	Ўш	48.136	14.508
6	Чуст	19.856	8.758
7	Скобелев (Фарғона)	11.892	11.569
	Жами	409.234	207.191

1923 йилда кайд этилган маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, ўлкада юз берган очарчилик, очлик туфайли бошқа жойларга кўчиб кетиши ҳамда қизил аскарларнинг кирғини оқибатида Фарғона водийси шаҳарларидаги аҳоли сони 1917 йилга караганда 50,6 % га камайиб кетган. Яъни, 1917 йилда Фарғона

²¹³ Очларга ёрдам // Улуг Туркистон, 1918, 26 феврал.

вилояти шаҳарлари аҳолиси 409.234 кишидан иборат бўлса, 1923 йилга келиб уларнинг сони 207.191 кишига тушиб қолган²¹⁴.

1918 йил 12 январда Туркистонда эълон қилинган «Пахтачиликда давлат монополиясининг ўрнатилиши» ва 1918 йил 12 февралда қабул қилинган «Ўлка пахта захираларини мусодара қилиш тўғрисида» ги ҳукумат қарорларидан кейин зўрға кун кечираётган дехқонларнинг пахта ҳосилини давлат зўрлаб тортиб олишни бошлади. Натижада ўлкада ишсизлар сони ортди, очарчилик ва норозиликлар бошланди. Пахта ҳосилини сотиш ва сотиб олишнинг тақиқланиши Туркистонда савдо-тижорат ишларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. 1913 йилда пахта етиштириладиган майдоннинг ҳажми 422.726 десятинани ташкил қилган бўлса, 1920 йилга келиб бу 87.622 десятинага камайиб кетган²¹⁵. Ўлкада пахта ва бугдой етиштиришнинг камайиши, бозорларда уларнинг нархини кўтарилишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, Туркистонга пахта ҳисобига Россиядан келтириладиган ғалланинг миқдори ҳам кескин камайган.

Туркистонда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ҳамда Россиядан саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш тобора камайиши натижасида ўлкада нарх-наво ошиб кетди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўлкада амалга оширилган «Ҳарбий коммунизм» сиёсати аввало халқ учун зарур бўлган иқтисодий масалани ҳал қилишни, очлик азобини тортаётган халқни озиқ-овқат билан таъминлашга қаратилиши лозим бўлган²¹⁶. Бироқ «Ҳарбий коммунизм» сиёсати асосида ўтказилган озиқ-овқат развёрсткасининг жорий қилиниши эса маҳаллий аҳолини, айниқса, қишлоқ меҳнаткашларининг озиқ-овқат соҳасидаги аҳолини ёмонлашувига олиб келган.

Архив ҳужжатларининг далолат беришича, очарчилик оқибатида биргина Фарғона водийсининг ўзида 1917–1923

²¹⁴ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-руйхат, 108-иш, 328-варак.

²¹⁵ Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (Ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 79.

²¹⁶ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 104.

йилларда бир миллионга яқин киши ҳалок бўлган²¹⁷. Туркистонда очарчиликка қарши курашиш комиссиясининг раиси Турор Рискуловнинг таъкидлашича, республика аҳолисининг 2,5 миллиони очарчиликдан азият чеккан²¹⁸. Озиқ-овқат муаммоси бу пайтга келиб Туркистонда энг жиддий масалалардан бирига айланди. Большевиклар маҳаллий аҳоли кўлидаги ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш чораларини кўрганлар. 1918 йил январда Туркистон ХКС ҳузурида очилган озиқ-овқат бўлимларига катта ҳукуклар берилган эди.

Совет ҳокимияти амалга оширган нотўғри иқтисодий сиёсат натижасида ўлканинг деҳқон хўжаликлари тобора инкирозга юз тута борди. 1918 йил баҳоридан бошлаб ғалла танқислигига гушт, мой, чой, канд-шакар етишмовчилиги ҳам кўшилди²¹⁹. Бундай оғир шароитда совет ҳукумати аҳолини синфий гуруҳ ва тоифаларга ажратиб, озиқ-овқат билан таъминлай бошлади. Озиқ-овқат маҳсулотлари аввал қизил аскарларга бериларди, сўнгра саноат корхоналари ишчиларига ва энг охирида қишлоқ аҳолисига тарқатилар эди²²⁰.

Маҳаллий аҳоли кўлидаги ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам тортиб олиш учун большевиклар қатъий чоралар кўллашди.

1918 йил баҳорида Туркистонда кенг ёйилган очарчилик Андижон шаҳрида ҳам ҳукм сурарди. Ўша пайтда Андижон Советининг раиси Д.С.Урюпиннинг 26 мартда Тошкентга йўллаган телеграммасида²²¹ Андижон шаҳрида очарчилик натижасида ҳар куни юзлаб киши ҳалок бўлаётганлиги, очлик оқибатида терлама ва бошқа касалликлар авж олаётганлиги, ишсизлар сони ўсиб, иш ўринлари йўқолаётганлиги билан аҳолини кенгроқ таништириш, шу ҳақда газеталарда, мажлисларда хабар берилиши илтимос қилинган

²¹⁷ ЎЗР МДА, Р.17-фонд, 1-руйхат, 947-иш, 201-варак.

²¹⁸ Семёнова В. Туркистонда 1917 – 1920 йиллардаги очарчилик // Инсон ва сиёсат. – 1991. – №12. – Б. 78.

²¹⁹ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000. – С. 272.

²²⁰ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар... – Б. 108.

²²¹ Андижон тарихидан лавҳалар / Масъул муҳаррир П. Исроилов. – Андижон: Андижон нашриёт матбаа, 2008. – Б. 148.

эди. Бирок шаҳарда тиббиёт ходимлари ва дори-дармон воситаларининг етишмаганлиги оқибатида аҳоли ўртасида турли хил касалликлар сони ниҳоятда кўпайиб кетади. Андижон шаҳрида очларни озик-овкат билан таъминлаш учун маҳаллий ҳокимият томонидан бир қатор чора тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу мақсадда шаҳарда махсус кўмита тузилиб, ғалла тайёрлаш учун ўз вакиллари ўлка ва уезд туманларига юборганлар.

Андижон уезди ва шаҳарда бепул овкатланиш шаҳобчалари ташкил қилинган. 1918 йил баҳорида уездда 52 та овкатланиш шаҳобчалари фаолият кўрсатган бўлса, 1919 йилда эса уларнинг сони 55 тага етган²²². Шаҳарда ҳар бир кишига кунда 100 граммдан нон берилган. Шу билан бирга, Андижонга Туркистоннинг турли шаҳарларидан ёрдам тариқасида озик-овкат маҳсулотлари келтирилган.

1918 йил 28 ноябрда Туркистон Марказий Ижроия кўмитаси очарчиликка қарши кураш юзасидан Марказий комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилди²²³. Кейинчалик бундай комиссиялар маҳаллий Советлар қошида ҳам тузилди ва уларга «мусулмон аҳолиси орасида алоҳида ишонч қозонган маҳаллий аҳоли» вакиллари ҳам кирган. Маҳаллий аҳоли вакиллари Турор Рисқуловнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Унинг саъйи-ҳаракати билан ўлкада минглаб маҳаллий камбағал аҳоли очликдан қутқариб қолинган²²⁴. Шунингдек, Т. Рисқулов ташаббуси ва саъйи-ҳаракати билан очларни боқиш учун 40 млн. рубль ажратилган²²⁵.

1918 йил ноябрда Андижонда ҳам «Очларга ёрдам бериш» кўмитаси ташкил этилган²²⁶. Мазкур кўмита томонидан 1918 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида очарчиликдан азият чекаётган аҳоли учун 10.500.000 рубль маблағ ажратилган. Шаҳар ва уезддаги очарчиликдан қийналаётган аҳолининг ўртача ойлик харажати эса 135.000 рублни ташкил қилган. Ушбу кўмита раҳбарлигида

²²² Якубов Б. Из истории партийной организации Ферганы. – Т., 1967. – С. 98.

²²³ ЎЗР МДА, Р.31-фонд, 1-руйхат, 8-иш, 402-403 varaқлар.

²²⁴ Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 йиллар). – Тошкент: Университет, 2005. – Б. 78.

²²⁵ Устинов В. М. Турар Рисқулов. Алматы. Қазақстан. 1996. – С. 98-99.

²²⁶ История Андижана. – Ташкент: Фан, 1980. – С. 71.

Андижон шаҳрида 1918 йилнинг декабригача 12 та, уезд бўйича эса жами 40 та овқатланиш шаҳобчалари очилган²²⁷. Мазкур овқатланиш марказларида маҳаллий аҳоли бепул овқатланиш имкониятига эга бўлган.

1917–1918 йилларда Туркистонда юзага келган озик-овқат муаммоси Скобелев (Фарғона) шаҳрини ҳам четлаб ўтмади. 1917 йил декабрда Фарғона вилоятига марказдан 48 та вагонда озик-овқат маҳсулотлари келтирилади²²⁸. Шаҳарда озик-овқат комитетлари ташкил этилди. 1918 йил февраль ўрталарида Скобелев (Фарғона) шаҳрида очларга 4 та бепул овқатланиш шаҳобчалари ташкил қилинган²²⁹. Бундай овқатланиш шаҳобчаларида иссиқ овқат камдан-кам тарқатилган ва улар сув ҳамда мошдан иборат бўлган, холос. Матбуот саҳифаларида ёзилишича, Скобелев (Фарғона) аҳолиси ўртасида нон ўрнида дарахт илдизлари ва кунжара истеъмол қилинган, ҳатто бир неча фунт унга ота-оналар ўз фарзандларини алмаштирган ҳолатлар ҳам кайд этилган²³⁰.

1918 йил Скобелев кенгаши аҳолига нон тақчиллиги бўйича мурожаат билан чиқади. Вилоятдаги аҳвол ночорлиги шу даражага етдики, камокхонадагиларни қўриқлашга ҳам тегишли ходимлар етишмай қолган. Натижада, 1918 йил февралда вилоят-ҳарбий қўмондони Скобелев округ суди прокурорига махсус мурожаат қилиб, ҳарбий асирларни озод қилиш зарурлигини ҳамда уларга Россиянинг озик-овқат етарли губернияларидан иш топиш кераклигини уқтирган²³¹.

1918–1920 йилларда Қўқон шаҳрида ҳам оч, ҳам етим бўлиб қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, илк мактаб-интернатлардан бири «Туркистон темир йўллари» Қўқон бўлимида ташкил этилди. Бу билим юртида темир йўлчиларнинг болаларига бепул озик-овқатлар бериш билан бирга темир йўл мутахассислиги бўйича ёш кадрларни тайёрлаш

²²⁷ Наша газета. 1919 г, 9 февраля.

²²⁸ Рахимов М. История Ферганы. – Ташкент: Фаъ, 1984. – С. 33.

²²⁹ Ўша жойда... – С. 33.

²³⁰ Свободный Туркестан. 1918 г, 30 января.

²³¹ ФВДА, 121-фонд, 1-руйхат, 64-иш, 30-варак.

йўлга қўйилди. Шаҳар кенгаши «Туркистон темир йўллари» Қўкон бўлими ташкилоти ва темир йўл билим юрти жамоасини қўшимча синф хоналари билан таъминлаш ҳақидаги талабини кондириш мақсадида Симхаевлар уйининг бир қисмини ажратиб берди. Шаҳар кенгашининг қарори билан бу ётоқхоналарни озиқ-овқат билан таъминлаш учун 1918 йил 19 сентябрдан 30 ноябргача 59.439 сўм маблағ сарфланди²³². 1918 йил октябрь-декабрь ойларида шаҳар таъминот бўлими мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялаш ва моддий таъминотини яхшилаш мақсадида боғча ёшидаги 100 нафар болани жойлаштиришга 75.026 сўм маблағ ажратди. Қаровсиз қолган болалардан 50 нафари ижтимоий-таъминот бўлими томонидан ташкил этилган ётоқхонага жойлаштирилди. Бу ётоқхонага қаровсиз қолган болалар билан бир қаторда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳам қабул қилина бошланди.

Фарғона вилоятида очилган болалар уйларида ташқари анъанага кўра маҳаллий бойлар навбатма-навбат масжидлар олдида очларга дошқозонларда ўз ҳисобларидан бепул иссиқ овқат тарқатганлар. Энг катта болалар уйи Қўкон шаҳридаги Ҳаққулбек масжидида очилган бўлиб, унда жами 800 нафар эркак, 229 нафар аёллар озиқ-овқат билан таъминланган.

Қўкондаги болалар уйига қарашли 10 десятина ерда 50 киши иш билан банд бўлган. Бундан ташқари болалар уйи тарбияланувчилари қосибчилик ва тикувчилик билан ҳам шуғулланганлар. Дастлабки очилган болалар уйи (етимхона) Қўконда 50 та болага мўлжалланган бўлиб, 1918 йил сентябрида иш бошлаган. Бу етимхоналарда ҳар бир болага кунига 112 сўм 50 тийиндан маблағ сарфланган. 1918 йил 15 сентябрда Скобелев шаҳрида ҳам шундай муассаса очилган бўлиб, унда 55-60 бола истиқомат қилган²³³.

²³² Аминов Б., Мирзаҳадамов З., Алиева О. 1918–1920 йилларда Қўконда очарчилик ва унинг оқибатлари / Қўкон асрлар силсиласида. Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Қўкон, 2004. – Б. 274.

²³³ Аминов Б., Мирзаҳадамов З., Алиева О. 1918–1920 йилларда Қўконда очарчилик ва унинг оқибатлари / Қўкон асрлар силсиласида. Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Қўкон, 2004. – Б. 275.

Шу билан биргә, каровсиз оч болаларга ёрдам бериш учун шахар микёсида турли тadbирлар амалга оширилди. Масалан, шахардаги мавжуд театрлар турли спектакллар уюштириб, тўпланган маблағларни оч колганлар хисобига ўтказганлар. Бундай тadbирларни амалга оширишда Темир йўл бўлими алохида ўрин эгаллаган.

Ўша даврда Кўкон шахри атрофдаги кишлоклардан келган очлар билан тўлиб кетган. Улар масжидларда, кўчаларда, хаттоки кабристонларда тўпланиб ётардилар. Вокеаларнинг гувохи бўлган бир деҳқоннинг маълумотига кўра, Кўконгача бўлган 20 чакиримлик масофада ўлиб ётган 17 нафар мурдани, яъни сўнгги буюмларини бозорга олиб кетаётиб, йўлда жон берган одамларни кўрган²³⁴. Очлар орасида ўлим даражаси шу қадар юкори эди, шахар кўчаларида ҳар куни юзлаб ўликлар тўпланиб колган.

1919 йилда Фарғона водийсида 64 та камбағалларга ёрдам бериш кўмиталари ташкил этилиб, уларнинг 33 таси Скобелев уездида, 12 таси Андижон уездида ва 19 таси Ўш уездида жойлашган эди²³⁵.

Большевикларнинг ўзбошимчалиги туфайли Туркистон ўлкаси аҳолисининг аксарият қисми кирилиб кетган, иморатлар вайрон этилган, кўчаларни камишлар коплаган эди²³⁶. Бундай вокеаларни, айниқса, Фарғона вилоятининг Кўкон, Марғилон уезд-шаҳарларида кўплаб учратиш мумкин бўлган²³⁷.

1919 йил 4 июнда Туркистон МИҚнинг бўлиб ўтган мажлисида Туркистон мусулмонлар бюроси раиси Турор Рискулов ўлкада жорий этилаётган ғалла монополияси сиёсатини амалга ошириб бўлмаслигини таъкидлаб ўтади²³⁸.

1919 йилда эълон қилинган 160 сонли декретга кўра, ғалла савдосига қатъий нарх белгиланди. Унга кўра, Фарғона ва Самарканд вилоятларида 1 пуд ғалланинг нархи 129-161 рубл деб

²³⁴ ЎЗР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 947-иш, 201-варак.

²³⁵ Якубов Б. Из истории партийной организации Ферганы. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 136.

²³⁶ ЎЗР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 1197-иш, 18-19 вараклар.

²³⁷ ЎЗР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 947-иш, 201-варак.

²³⁸ ЎЗР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 136-варак.

белгиланди²³⁹. Шаҳар хунармандлари ва косиблари ихтиёридаги барча буюмлар тортиб олиниб, давлат ҳисобига мусодара қилинди. 1919 йилда Фарғона водийсида назорат ишлари олиб борилганда халқнинг аҳволи ўта тушкун бир ҳолда эканлиги кузатилган.

Фарғона водийсида авж олган очарчилик Наманган уездини ҳам четлаб ўтмади. 1917 йилда Наманган шаҳри аҳолиси 96.309 нафарни ташкил этган бўлса, 1923 йилда эса очарчилик туфайли уларнинг сони 40.157 кишига тушиб кетган²⁴⁰. Водий шаҳарларида бўлганидек, Наманган уезди ва шаҳарда ҳам бепул овқатланиш шахобчалари ташкил этилган. Бундай шахобчалар Наманган шаҳри ҳамда Чуст туманида жойлашган эди. 1920 йилда Наманган уезд-шаҳар кўмитасининг берган маълумотига кўра, шаҳарда ўтказилган шанбаликларда 2000-3000 минг киши иштирок этган²⁴¹. Шаҳарда ўтказилган шанбаликлар маҳаллий газеталарда ҳам бевосита ёритилиб борилди. Масалан, «Рабочий путь» газетасининг 1920 йил 21 апрель сонидида «Трудовая сводка» деб номланган мақола чоп этилди. Унда 17 апрелда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган шанбалик ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, шанбаликда шаҳардаги иккинчи ва олтинчи сонли заводларда олиб борилган ишлар ҳамда 1.400 кв. метр темир йўл йўлаги тозалангани ҳақида маълумот берилади²⁴².

1920 йилги «Туркистон халқ хўжалиги» журнали расмий маълумотига кўра, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 1919 йилда 1914 йилдагига нисбатан олинса, 58,8 марта, 1918 йилдагига нисбатан эса 10,6 марта ошган. Жумладан, 1919 йил декабрида олдинги йилнинг шу вақтига нисбатан ғалла нархи 3,6 марта, мош - 6,7, нон - 7,9, мол гўшти - 14,9, қўй гўшти - 19,5, сабзи - 12,4, пиёз - 3,0, узум - 16,3 марта ошган²⁴³. 1919 йилнинг кузига келиб озиқ-овқат захирасининг аҳволи ғоят ночорлашган, айниқса, нон ва гўшт

²³⁹ Продовольственные ресурсы и перспективы в Туркестане Военная мысль. Кн. 2. май-июль 1921 г. – Ташкент, ... – С. 139.

²⁴⁰ ЎзР МДА, Р.21-фонд, 1-руйхат, 32-иш, 13-варақ.

²⁴¹ НВДА, 796-фонд, 1-руйхат, 51-иш, 37-варақ.

²⁴² Рабочия путь. 1920 г, 21 апреля.

²⁴³ Болтабоев А., Мирзахамдамов З., Патгоева Х. XX аср бошларидаги очарчилик йиллари даврида Кўкон // Кўкон асрлар силсиласида. Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Кўкон, 2004. – Б. 153.

махсулотлари тақчиллиги янада кучайган эди. Жумладан, ишлаб чиқариш қиймати 4-5 сўм бўлгани ҳолда, гўштнинг бозор нархи 40 сўмдан ошиб кетган эди. Очарчиликка мубтало аҳоли турли хил ўт-ўланлар, ўсимликларнинг илдизлари билан кун кечиришга мажбур бўлган. Бунинг оқибатида эса аҳоли орасида турли хил касалликлар: сил, вабо, ичтерлама тарқалган ва аҳолининг кўп қисми қирилиб кетган.

Очарчиликнинг иккинчи босқичи водийдаги очарчиликнинг энг дахшатли даври ҳисобланади. Очарчиликнинг иккинчи босқичининг дастлабки аломатлари 1921 йилнинг қишидаёқ намоён бўла бошлади. Маълумки, 1918 йил февралда Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тор-мор этилиши билан совет тузумига қарши қуролли кураш авж олиб, Фарғона водийси уруш алангаси ичида қолди. 1918–1922 йилларда водийда юз берган ҳарбий ҳаракатлар саноат ва қишлоқ хўжалигини тамомила издан чиқарди. 1922 йилнинг баҳоридаги иқтисодий инқироз нафақат қишлоқларни, балки шаҳарларни ҳам камраб олди.

Фарғона водийсида иқтисодий ҳаёт ва қишлоқ хўжалиги ўлкада юз берган ҳосилсизлик ҳамда очарчилик оқибатида инқирозга юз тутди. Катта-катта қишлоқ хўжалик экинлари, шунингдек, пахта майдонлари қисқариб кетди. Бунинг натижасида мавжуд пахта тозалаш заводлари ишламай қўйди.

Фарғона вилоятида мавжуд бўлган 180 та пахта тозалаш заводларидан 1922 йилга келганда атиги 4 тасигина фаолият кўрсатиб, улар Андижон, Фарғона, Қўқон ва Наманган шаҳарларида жойлашган эди²⁴⁴.

1921 йилнинг 21 июль куни Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси қошида «Очларга ёрдам бериш марказий комиссияси» ташкил топди²⁴⁵. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси берган маълумотларга кўра, 1921 йилда Фарғона вилоятининг 5 та уезд-шаҳарларида ва 16 туманларда очларга ёрдам бериш комиссияси

²⁴⁴ Туркестанская правда. 1922 г. 4 октября.

²⁴⁵ Расулов А. Туркистон халқларининг Россиядаги очарчиликни бартараф этишдаги роли (1921-1923 йй) // Илм сарчашмалари-Урганч Давлат университети илмий-методик журнали. 2003. – №2. – Б. 58.

тузилади²⁴⁶. Вилоятда 39 та овқатланиш пунктлари ташкил этилган. Мазкур овқатланиш пунктларида, ўртача ҳисоблаганда, ҳар куни 10.232 нафар киши бепул овқатланиш имкониятига эга бўлиб, уларнинг 2.914 нафарини болалар ташкил қилган²⁴⁷. 1921 йилда «Очларга ёрдам бериш марказий комиссияси»нинг берган маълумотига кўра, Фарғона вилоятида очарчиликдан азият чекаётган аҳоли вакиллари учун овқатланиш пунктларида жами 1.739.440 марта бепул овқат ҳамда нон паёғлари тарқатилган.

1921 йил 26 июлда Фарғона вилоятида Криворучкин раҳбарлигида «Очларга ёрдам бериш комиссияси» ўзининг фаолиятини бошлайди²⁴⁸. Ушбу комиссия ўз фаолияти давомида очларга ёрдам бериш мақсадида намойиш қилишган турли спектакллар ва хайрия ишларини амалга ошириб ундан тушган пулларга озик-овқат сотиб олганлар. 1921–1922 йилларда Фарғона вилоятида 137.847 очлар рўйхатга олинган эди²⁴⁹.

1921 йилдан бошлаб Россиянинг бир қатор очарчилик ҳукм сураётган худудларидан болалар Туркистонга эвакуация қилинди. Ўзи оч бўлсада, ўлка аҳолиси уларни кутиб олиб, озик-овқат, кийим-кечак билан таъминлади. Туркистонга эвакуация қилинган болаларнинг сони кундан кунга ортиб кетиши раҳбариятни шошириб қўйди. Чунки «кетма-кет келаётган оч болалар оқими кўпайгани сари Туркистонда уларни қабул қилиш, кийим-кечак, озик-овқат ва бошпана билан таъминлаш имконияти борган сари қисқариб борган. Масалан, 1921 йил ноябригача очарчилик худудларидан келтирилган болалар Ўш шаҳридаги «Болалар уйи» ва интернатларда нон, гўшт билан маълум чекланган миқдорда гуручли овқат, ўрик ва сут маҳсулотлар билан эса керагича таъминлаш имконияти бўлган эди. Оч қолган болалар сони ошиб боргани сари, уларнинг таъминотида ҳам айрим узилишлар пайдо бўла бошлаган»²⁵⁰.

²⁴⁶ Отчёт о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь 1921 г. – Ташкент. Издание ТЭС, 1922 г. – С. 6.

²⁴⁷ Отчёт Ферганского областного экономического совещания за январь-сентябрь 1922 г. – Коканд. Издание Фероблэко, 1923 г. – С. 139.

²⁴⁸ Расулов А. Туркистон ва Волгабуйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар... – Б. 94.

²⁴⁹ Туркестанская правда. 1917 г, 7 ноября.

²⁵⁰ Расулов А. Туркистон халқи бағрикенглиги (XX аср 20-йиллари бошларида Россиядан эвакуация қилинган болалар мисолида). – Тошкент: Yangi Nashr, 2011. – Б. 44.

1921 йилнинг август ойидан бошлаб Туркистон ўлкасига Қозон, Саратов, Уфа Оренбург, Саратов ва бошқа хуудлардан темир йўл вагонларида очарчиликдан озор чекаётган болалар келтирила бошланган²⁵¹. Келтирилган очлар Туркистоннинг Фаргона ва Еттисув вилоятларига жойлаштирилди. Туркистон ўлкасига келаётган оч болаларга ўлка аҳолиси меҳр-мурувват ва багрикенглик кўрсатдилар. Келтирилган болалар интернат ва «Болалар уйлари»га жойлаштирилиб, уларнинг озик-овқати ва кийим-кечагидан хабар олиб турилди. Масалан, Наманган уездида 1921 йил 5 августидан очларга хайрия йиғиш натижасида кўплаб озик-овқат ва кийим-кечак билан бирга 1,5 млн рублдан ортиқроқ пул йиғилган. Наманган уезд-шаҳар Очларга ёрдам комиссияси 1921 йил августдан бошлаб ўз фаолиятини бошлаган²⁵². Комиссия аъзолари дастлабки пайтларда очларга ёрдам бериш учун эски ва янги шаҳарларда спектакллар, концертлар, сайиллар ҳамда турли хил хайрия ишларини амалга оширганлар.

1921 йилнинг июнь-декабр ойларида Қўқон шаҳрида нашр қилинган «Красная Фергана»²⁵³ номли газетанинг ҳар бир сонидан Фаргона водийсида очарчиликни бартараф этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар ҳақида мунтазам маълумотлар бериб борилган. Масалан, Наманган уездида очлар учун 1921 йилнинг 5 августидан 12 августигача озик-овқат маҳсулотлари, кийимлар, совун, кўрпа-тўшаклар ҳамда 8 млн 25 минг 146 рубл хайрия маблағи тўпланганлиги тўғрисида газета саҳифаларида маълумот берилган²⁵⁴. Шунингдек, 1921 йилнинг октябр ойигача ўтказилган ҳафталик тадбирлари натижасида Наманган шаҳридаги аҳолидан 10 млн.рубл, 140 пуд бугдой ва ун, 9 пуд асал, 19 пуд туз, 11 та чопон, чой ва бошқа нарсалар очликдан азият чекаётганларга ёрдам тариқасида йиғиб олинган²⁵⁵.

1921 йил 18 октябрдан кейинги ёрдам ҳафталигида эса аҳолидан 8 млн рубл, 7 та тўшак, 11 та калиш, 2 жуфт болалар

²⁵¹ Расулов А. Туркистон халқи багрикенглиги... – Б. 58.

²⁵² Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар... – Б. 95.

²⁵³ Мазкур газета ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг «Қўлёмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар» фондида сақланмоқда.

²⁵⁴ Красная Фергана. 1921 г, 21 августа.

²⁵⁵ Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар... – Б. 95.

этиги, 20 пуд ғалла, 4 та тилла узук, битта кумуш туздон ва бошка кўплаб нарсалар йиғилган. Шу билан бирга, уюштирилган шанбалик натижасида 4 млн. 698 минг рубл йиғилган²⁵⁶. 1921 йил августдан 1922 йил февралигача бўлган даврда очликдан азият чекаётганлар учун иш хақи, кўшимча даромадлар ва ўтказилган концертлар ҳамда аҳолига намоёиш қилинган спектакллардан жами 59 млн. 401 минг рубл тўпланди²⁵⁷.

1921 йил 18 августда Скобелев (Фарғона) шаҳрида маориф бўлими ташаббуси билан адабий-муסיкий кечалар ташкил қилиниб, ундан очлар учун 300 минг рубл хайрия маблағи йиғилган²⁵⁸. 1921 йил давомида шаҳарда ўтказилган турли хил байрамларда халқ сайиллари ҳам ташкил қилинган. Мазкур сайиллар натижасида тушган 15 млн. рубл маблағ ҳам шаҳардаги очлар учун сарфланган²⁵⁹.

1921 йилда очарчилик ҳукм сураётган Россиянинг марказий ҳудудларидан кўчириб келтирилган болалар учун Қўқон шаҳрида бепул овқатланиш шахобчалари ва ётоқхоналар ташкил қилинган²⁶⁰. 1921 йилнинг 14 август куни шаҳарнинг эски қисмида байрам тадбирлари ўтказилади. Ушбу байрамда турли хилдаги концертлар ва намоёишлар ташкил этилиб, ундан тушган 800.000 рубл ҳам очликдан азият чекаётганларга сарфланган²⁶¹. Шунингдек, шу йилнинг ноябр ойида шаҳарда ўтказилган шанбаликлар натижасида йиғилган 900 минг рубл маблағ ҳам очарчиликдан азият чекаётганлар учун берилган.

Шу билан бирга, 1921 йил 26 августда Ўш шаҳрида ҳам очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларни қабул қилиш ва уларни жойлаштириш масаласи юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш қарорига кўра, Ўш уездидаги интернатлар, болалар боғчалари оч қолган болаларни ўз ихтиёрига олишларини ва уларга

²⁵⁶ ЎЗР МДА, Р.17-фонд, 1-руйхат, 927-иш, 56-варак.

²⁵⁷ Атаджанов А. Р. Организация и деятельность РКИ в Туркестане. – Ташкент: Фан, 1972. – С. 77.

²⁵⁸ Красная Фергана. 1921 г, 24 августа.

²⁵⁹ Красная Фергана. 1921 г, 26 августа.

²⁶⁰ История Андижана (с момента присоединения Средней Азии к России до настоящего времени).

– Ташкент: Фан, 1984. – С. 85

²⁶¹ Красная Фергана. 1921 г, 17 августа.

ёрдам беришларини маълум қилишган²⁶². Бундай интернатларни Фарғона вилоятининг бошқа ҳудудларида ҳам қўллаб қўриш мумкин бўлган. Аммо, бу вақтга келиб, Фарғона вилояти аҳолиси ўз бошига тушган очарчиликдан ҳали тўла қутулмаган эди. Шундай бўлса-да, улар ўз фарзандлари каторига турли ҳудудлардан келган оч болаларни ҳам қўшиб олиб, уларга ўз фарзандларидек мурувват кўрсатиб, бағрикенглик намуналарини кўрсатганлар.

Туркистон республикаси раҳбарияти Россиядан келаётган оч болаларни жойлаштириш, озик-овқат билан таъминлашгина етарли эмас, уларни ювинтириш, тоза ички ва ташки кийим бериш, бош-оёқ кийимлари билан таъминлаш ҳам мақсадга мувофиқ деб топилди. Шу сабабдан Туркистон МИҚ қошидаги очларга ёрдам марказий комитети топшириғига мувофиқ вилоят, уездлардаги очларга ёрдам комиссиялари зудлик билан келтириляётган болалар учун жойларда чойшаб ва оёқ кийим тайёрлашга киришдилар. Қўқондаги устахоналардан бирида дастлабки 200 та оёқ кийими очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларга тайёрланган эди²⁶³.

1921 йил охири – 1922 йил бошларига келганда Туркистонга эвакуация қилинган болалар сони кўпайиб кетди. Эндиликда Туркистон Марказий ижроия қўмитаси қошидаги очларга ёрдам марказий қўмитаси ва унинг вилоят, уезд-шаҳарлардаги очларга ёрдам комиссиялари тегишли тарзда марказдан оч болалар эвакуациясини тўхтатишни сўраб бир неча бор мурожаат қилган. Бирок болаларни эвакуация қилиш давом этди. Ҳатто, Фарғонанинг ўзида очарчилик бўляётганига қарамай, бу ерга Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан уюшган ҳолда келтириляётган очлар оқими тўхтамади. Масалан, 1922 йил май ойида Туркистонга келтирилган 500 та боланинг 50 нафари Андижонга, 100 нафари Наманганга, 100 нафари Қўқондаги хусусий хонадонларга, Жалолободга 200 киши, қолганлари эса Скобелев ва Хўжандга жойлаштирилган эди²⁶⁴.

²⁶² Расулов А. Туркистон халқи бағрикенглиги... – Б. 59.

²⁶³ Расулов А. Туркистон халқи бағрикенглиги... – Б. 59.

²⁶⁴ Расулов А. Туркистон халқи бағрикенглиги... – Б. 50.

1921–1923 йилларда Туркистон ўлкаси халклари бошига вабодек ёгилган очлик балоси халқ оммасининг кулфатларини янада оширди. Бундан Фарғона вилояти, жумладан, Марғилон шаҳри аҳолиси ҳам жабр кўрди. Архив ҳужжатларида қайд этилишича, 1922 йилда Марғилон уездиди 31.523 очликка дучор бўлган инсон рўйхатга олинган²⁶⁵. Шунингдек, Марғилон уездиди 5 та дорихона ташкил этилиб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатган²⁶⁶. 1922–1923 йилларда тиббий хизматни ўта чекланганлиги туфайли шаҳарда кўплаб касаллик турлари тарқалиб, бунинг оқибатида минглаб одамлар қирилиб кетди.

1922 йилда Наманган шаҳрида очарчиликка қарши кураш кўмитаси шаҳарда бир нечта болалар учун интернатлар ҳамда бепул овқатланиш шахобчалари ташкил қилди²⁶⁷. 1922 йилда уездда ҳаммаси бўлиб очликдан азият чекаётганлар сони 1.485 та бўлиб, уларнинг 270 тасини болалар ташкил қилган²⁶⁸.

1922 йил 1 январда Туркистонда «очлик солиғи» нинг жорий этилиши ўлка аҳолисига, айниқса, қишлоқ ва шаҳарлардаги қашшоқлашиб қолганларга оғир юк бўлди²⁶⁹. Бу солиқ қишлоқ ва шаҳарлардаги қашшоқлашиб қолган аҳолининг моддий аҳволини ҳисобга олмасдан туриб жорий этилган. Маълумотларда кўрсатилишича, Фарғона вилоятининг аҳолисидан 6.600 пуд турли озиқ-овқат маҳсулотлари йиғиштириб олинган. Турли хил йўллар билан 1922 йил 1 январдан 1 декабргача Туркистон республикаси очларга ёрдам кўрсатиш марказий комиссияси жамғармасига 24,5 млн сўм пул, 69 млн пудга яқин озиқ-овқат маҳсулотлари, 14,4 минг дона кийим-бош тўпланган. Тўпланган маҳсулотларнинг асосий қисми Туркистонга келган кочоқларга ва Россиянинг очликдан қийналаётган марказий губернияларига ёрдам тариқасида жўнатилган²⁷⁰. Ўлка аҳолисига жорий этилган бу солиқ натижасида

²⁶⁵ Туркестанская правда. 1922 г, 1 октябрь.

²⁶⁶ ЎЗР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 746-иш, 429-варақ.

²⁶⁷ Правда Востока. 1964 г, 7 октябрь.

²⁶⁸ ФВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 166-иш, 27-варақ.

²⁶⁹ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865–1990 йиллар). Маъсул муҳаррир Д. А. Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 246.

²⁷⁰ ЎЗР МДА, Р.22-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 15-16-варақлар.

1922–1923 йилларда Туркистонда, айниқса, Фарғона вилоятида очарчилик қайтадан бошланади. Архив ҳужжатларида ёзилишича, 1924 йилда ҳам Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида очликдан азият чекаётган қўлаб одамларни учратиш мумкин бўлган²⁷¹.

Фарғона вилоятида тузилган очларга ёрдам бериш комиссияси 1922 йил 20 апрелдан 1 майгача бўлган давр оралиғида Туркистон МИҚ қошидаги «Очларга ёрдам Марказий Комиссияси» га ёзган хисоботида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: «Очарчилик натижасида маҳаллий аҳоли қўзларида ёш билан бир бурда нон сўраяпти, ammo уларни руҳсатсиз очлар рўйхатига қўша олмаяпмиз, маҳаллий очларнинг аксарияти ишсиз ва ишга яроқсиздир»²⁷². Маълумотларга кўра, Фарғона водийсида ўтказилган текширувлар натижасида 1922–1923 йилларда очарчиликдан азоб чекканлар сони 277 минг кишига етган. Агар ўртача хисоблаганда, ҳар бир кишининг эҳтиёжи учун 10 пуд ғалла керак бўлган тақдирда, 1922–1923 йилларда Фарғона водийси аҳолисининг таъминотига жами 2.777.000 пуд ғалла зарур бўлганлигини кўришимиз мумкин²⁷³.

Фарғона вилоятидаги озик-овқат муаммоси кундан кун оғирлашиб бораверди. 1922 йил май-сентябрь ойлари ўрталарига қадар Самарқанд вилоят очларга ёрдам комиссияси Фарғона вилояти очлари учун 770 пуд ғалла, 130 пуд кишимиш, 81 пуд гурунч, 6 пуд ун, 6 пуд жўхори, 9 пуд қуритилган мева юборган. Бироқ бу ёрдам Фарғона вилоятидаги очлар учун етарли эмас эди. 1922 йил 11 майдаги Туркистон МИҚ қарорига кўра, Фарғона вилояти очарчиликка учраган деб қарор қабул қилинганига қарамадан, вилоятга ёрдам кўлами жуда оз миқдорда берилганлиги учун маҳаллий аҳолининг озик-овқатга муҳтожлиги кун сайин ортиб бораверди²⁷⁴. Бироқ шундай бир пайтда ҳам вилоятга Россиянинг очарчилик ҳукм сураётган ҳудудларидан очларни келтирилиши ҳамон давом этарди.

²⁷¹ ФВДА, 121-фонд, 1-рўйхат, 122-иш, 1–4-варақлар.

²⁷² ЎзР МДА, Р.17-Фонд, 1-рўйхат, 927-иш, 115-варақ.

²⁷³ ЎзР МДА, Р.20-Фонд, 1-рўйхат, 554-иш, 9-варақ.

²⁷⁴ Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар.... – Б. 163.

1922 йил май ойида Марғилон шаҳрида катталар учун 2 та, болалар учун 4 та овқатланиш шахобчалари ва 1 та болалар уйи, Кўкон шаҳрида 4 та овқатланиш шахобчаси, 2 та болалар интернати ҳамда эркак ва аёллар учун биттадан ётокхоналар, Андижон, Ўш ва Наманган шаҳарларида 1 тадан овқатланиш шахобчалари ташкил этилган²⁷⁵. Архив маълумотларига кўра, 1922 йил июнь ойида Кўкон шаҳрида 2100 нафар катта ёшдагилар, интернатда 250, «Болалар уйлари»да 150 нафар ва бутун Фарғона вилоятида 8360 нафар расман кўчириб келтирилган очлар рўйхатга олинган²⁷⁶. Бундан ташқари, Андижонда 2.296 нафар, Ўшда 2.650 нафар, Наманганда 1.458 нафар оч кишилар аниқланиб, уларга ёрдам кўрсатилган²⁷⁷.

Жойлардаги озик-овқатга бўлган эҳтиёжнинг ортиши ва ўзи оч ҳолда очларни боқаётган Фарғона аҳолиси Туркистон МИҚ ва Марказга умид кўзи билан боқарди. 1922 йил 3 июнида Андижон уезд очларга ёрдам комиссияси раҳбарияти қилган мурожаатида, Фарғонада очарчилик бўлаётганига қарамадан, очларга ёрдам марказий комиссияси томонидан ҳеч қандай ёрдам берилмаётганлиги ва асосий ёрдам Волгабўйидан келтирилган очларга қаратилаётганлиги қайд этилган²⁷⁸. Шу билан бирга, вилоятда иқтисодий вазиятнинг оғирлиги туфайли Волгабўйи очларини ўз ватанларига тезда реэвакуация қилиш кун тартибидаги зарур масалалардан бири бўлиб қолмоқда эди. Архив маълумотларига кўра, 1921-1922 йилларда Фарғона вилоятига Волгабўйи худудидан 8.812 нафар очлар кўчириб келтирилган²⁷⁹. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, 1921 йил охири – 1922 йил бошларидан Туркистон халқи ўзи оч бўлса-да, Волгабўйи, Уралолди худудларидан келтирилган очларни боқиб, инсонийлик юзасидан ўз бурчларини адо этишган²⁸⁰.

²⁷⁵ ФВДА, 435-фонд, 1-руйхат, 166-иш, 4-варак.

²⁷⁶ ЎЗР МДА, Р.17-фонд, 1-руйхат, 345-иш, 89-90 варақлар ва оркаси.

²⁷⁷ Туркестанская правда. 1922 г, 1 октябрия.

²⁷⁸ Расулов А. Туркистон халқи бағрикенглиги... – Б. 95.

²⁷⁹ ЎЗР МДА, Р.25-фонд, 1-руйхат, 1391-иш, 109-варак.

²⁸⁰ Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар... – Б. 95.

1922 йил охири ва 1923 йил бошларидан Марказ томонидан Фарғонадаги очарчиликка эътибор қаратила бошланди. Чунки асосий пахтачилик худуди бўлган Фарғона вилояти аҳолисига ёрдам бермаслик, вилоятда пахта ўрнига ғалла ва сабзавот экинлари экишни кўпайтиришга олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Марказ Фарғонага ёрдам бера бошлаган.

Фарғонадаги очлик оқибатларини тугатиш комитетининг олган маълумотларига кўра, 1922 йилнинг сентябрь-октябрига келиб аҳолининг сони 875-877 минг атрофида деб кўрсатилади. Фақатгина 1922 йилнинг ёзи ва кузида Фарғона вилоятидан 63.689 ёки 64.336 киши ўлади ва очлик натижасида бу ердан 46.689 ёки 64.336 киши бошқа жойларга кўчиб кетишга мажбур бўлган²⁸¹. 1922 йилнинг кузида Фарғона водийсида 387.018 киши очликдан азият чекаётганлиги аниқланган бўлиб, уларнинг 154.807 тасини болалар, 232.211 нафарини эса катта ёшдагилар ташкил қилган²⁸². 1922 йилда вилоятнинг 74 та волости текширилганда, жойларда 370.943 нафар очлар рўйхатга олинган, очликдан ўлганлар 63.010 нафарни, шунингдек, очликдан азият чекканлар 481.632 нафарни ташкил қилганлиги кўрсатиб ўтилган²⁸³.

1922 йилнинг кузидан Фарғона вилоятида очликдан азият чекаётган аҳолига қуйидагича озик-овқат билан таъминлаш меъёри: бир кишига кунда 1 фунт²⁸⁴ нон, 1/4 крупа, 1/4 полиз маҳсулотлари, 6 зол гўшт, 3 зол ёғ ҳамда ойда 1 фунт совун миқдориди белгиланди²⁸⁵.

Туркистон аҳолисига ёпирилган очарчилик офатининг фожиавий манзарасини Фарғона вилоят очарчиликка қарши кураш комиссиясининг маълумотномаси тўлдиради. Унда, хусусан, қуйидагилар таъкидланган эди: «Очарчилик йилларида очларнинг кўпчилиги турли сунъий маҳсулотлар, ўтлар билан тирикчилик

²⁸¹ Ражабов К. К. Фарғона водийсидаги Истиклолчилик ҳаракати (1918–1924 йиллар). Тарих. фан. ном.... дис. – Тошкент, 1994. – Б. 43.

²⁸² Ўз РМДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 938-иш, 5-варақ.

²⁸³ Расулов А. Туркистон ва Волгабуйи Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар.... – Б. 164.

²⁸⁴ Фунт-лот. *rodus*- вазн, оғирлик. 1. инглиз ўлчов тизимида асосий масса бирлиги. 1б билан белгиланади. 1 Ф. (савлода)= 0, 409512 кг =1 калок. 2) рус ўлчов тизимида масса бирлиги. 1Ф.=0,40951241 кг=1/40 пуд.

²⁸⁵ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 368-иш, 122-варақ.

килишар, бунинг оқибатида, айниқса, болалар ўртасида касаллик ва ўлим ҳоллари кучаяверди... Шаҳарлар очлар билан тўлиб кетган бўлиб, уларнинг бир қисми қабристонлардаги мачитларда туришарди, шунингдек, кўчаларда ётишарди. Буларнинг ҳаммаси очлик ва хонавайронликдан қочиб келган маҳаллий аҳоли эди»²⁸⁶.

1921–1922 йилларда Фарғона водийсида ҳолдан тойган аҳолининг ўт-ўланлар, ўсимликлар билан озиқланиши оқибатида турли хил касалликлар келиб чиқди, айниқса, ёш болалар ўлими ҳаддан ташқари кўпайиб кетган²⁸⁷. Шаҳарларда кўчалар, масжидлар ва қабристонлар очликдан азият чекаётганлар билан тўлиб кетган. Очлик натижасида шаҳарларда ҳамда овқатланиш шахобчаларида ўлганлар сони кун сайин ортиб борди. Айниқса, 1922 йилнинг май, июнь, июль ойларида шаҳардаги қабристонлар ўликлар билан тўлиб кетди²⁸⁸. Ёз ойларидаги ҳаддан ташқари иссиқ натижасида қабристонда бадбўй хид тезда тарқалди. Қишлоқ аҳолиси бир бурда нон топиш учун ўзларининг меҳнат қуролларини, эски кўрпа ва тўшаклари, ҳатто фарзандларини ҳам алмаштирган ҳоллар кўп учраган²⁸⁹. Ўлкада юз берган очарчилик туфайли аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти бўлмаган. Архив маълумотларига кўра, очарчилик оқибатида 1917–1923 йиллар оралиғида Фарғона вилоятида бир миллионга яқин инсон ҳаётдан бевақт кўз юмган²⁹⁰.

Очарчилик ва тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг пастлиги туфайли Фарғона водийси шаҳарларида тез-тез эпидемия ўчоқлари шаклланиб, кўплаб аҳоли пунктларига тарқалган. Бу даврда Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида бўлганидек, Фарғона вилояти шаҳарларида ҳам санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан баъзи тадбирлар олиб борилган. Масалан, 1923 йилда Қўқон шаҳрида санитария маорифи уйи ташкил этилиб, бу муассаса бутун Фарғона вилояти миқёсида санитария ишлари тарғиботи билан шуғулланган²⁹¹. Бироқ бу соҳада қўрилаётган чора-тадбирлар талаб

²⁸⁶ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 108-иш, 201-варақ.

²⁸⁷ ЎзР МДА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 1391-иш, 100-варақ.

²⁸⁸ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 947-иш, 201-варақ.

²⁸⁹ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 947-иш, 200-варақ.

²⁹⁰ ЎзР МДА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 1391-иш, 100-варақ.

²⁹¹ ЎзР МДА, Р.40-фонд, 1-рўйхат, 400-иш, 92-варақнинг орқаси.

даражасида бўлмаганлиги ҳамда аҳолининг моддий турмушидаги ночорликлар оқибатида ўлкада турли хил юкумли касалликлар сони кўпайиб кетади.

Туркистон соғлиқни сақлаш комиссари С.Д. Асфандиёровни 1923 йил 19 февралда Туркистон МИКга юборган 1082-сонли билдиришномасида Қўқон шаҳрида сил билан оғриган беморлар орасида ўлим даражаси 40 фоизгача етганлиги таъкидланади²⁹². Қўқон шаҳрининг аҳолиси 1917 йилда 122.247 кишини ташкил этган бўлса²⁹³, очарчилик ва ҳарбий ҳаракатлар натижасида 1924 йилга келиб уларнинг сони 50.338 кишига тушиб қолган²⁹⁴. Шунингдек, 1921–1924 йилларда Андижон уезди ва шаҳрида тарқалган ўлат туфайли аҳолининг кўп қисми қирилиб кетган²⁹⁵.

1923 йилда Фарғона вилоятида 17 та «Болалар уйи», 16 та овқатланиш шаҳобчаси, 31 та овқат тарқатиш масканлари ташкил этилади²⁹⁶. Шаҳарлардаги овқатланиш масканларида қора нон, иссиқ чой ва бир кунда бир марта иссиқ овқат берилган. Фарғона водийсидаги Қўқон, Андижон, Скобелев, Марғилон, Ўш ва Наманган шаҳарларида овқатланиш масканлари билан бирга биттадан ётоқхоналар ҳам ташкил қилинган²⁹⁷. Очларга ёрдам бериш комиссияси томонидан 1923 йилда йиғилган 55,6 минг рубль вилоятдаги очликдан азият чекаётган аҳоли учун сарфланган²⁹⁸.

Шунингдек, 1923 йили Наманган шаҳрида ташкил этилган Рахимбоев номли 2-сонли интернатда 70 нафаргача болалар мавжудлиги рўйхатга олинган²⁹⁹. Шу йилнинг ўзида яна Чуст шаҳрида ҳам ташкил қилинган интернат 100 нафар болани жамлаган эди. 1923 йилда Наманган шаҳрида очликдан азият чекаётган ҳар 1.000 нафар одамни таъминлаш учун ўртача йилига 9.450 пуд буғдой, 2.250 пуд крупа, 2.250 пуд сабзавот, 500 пуд

²⁹² Бахриддинов Қ. Тоқатли эл тўзимас // Мухофаза. – 2005. – №4. – Б. 37.

²⁹³ ФВДА, 263-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 119-варақ.

²⁹⁴ Бюллетень Фер. Обл. Стат бюро. – № 1-2 январ, февраль, 1925 г. – Коканд, 1925. – С. 10.

²⁹⁵ Мухиддинов М., Хужаков А. Здравоохранение Андижанской области. – Ташкент: Медицина, 1985. – С. 19.

²⁹⁶ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 938-иш, 5-варақ.

²⁹⁷ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 947-иш, 207-варақ.

²⁹⁸ Суворов В. А. Туркестанский экономический район в первые годы НЭПА. – Ташкент: Фан, 1968. – С. 91.

²⁹⁹ ФВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 207-иш, 11-варақнинг орқаси.

гўшт, 300 пуд ёғ, 300 пуд совун, 360 саржин ўтин зарур бўлган³⁰⁰. Шунингдек, шаҳардаги «Болалар уйи» да мавжуд бўлган 200 нафар болага йилига ўртача ҳисоблаганда, 1.350 пуд бугдой, 450 пуд круна, 450 пуд сабзавот, 60 пуд ёғ, 60 пуд туз, 120 пуд гўшт, 30 пуд совун, 120 пуд кишмиш керак бўлган. 1923 йилда Наманган шаҳрида мавжуд бўлган овқатланиш шаҳобчаларида 697 та очлар нон ва иссиқ овқат билан таъминланган³⁰¹.

Хулоса қилиб айтганда, 1917–1923 йиллар Фарғона вилоятидаги очарчилик ва иқтисодий тангликнинг асосий сабаби совет ҳокимиятининг ўлка манфаатларини ўйламай амалга оширган сиёсати оқибатида юзага келди. Бу даврда Фарғона вилоятининг миллионлаб аҳолиси ўзи оч бўлса-да, бошқаларни боқишга мажбур бўлган. Совет ҳокимиятининг Фарғона вилояти халқига қилган ёрдами асосан ўша худуднинг ички имкониятлари ҳисобидан амалга оширилганлигини таъкидлаш ўтиш жоиздир. Шунингдек, совет ҳокимиятининг маъмурий зўравонликка, талон-тарожга асосланган иқтисодий сиёсати шаҳарлар аҳолиси турмушини издан чиқариб оғир оқибатларга олиб келди.

2.2-§. Савдо-саноат объектлари национализациясининг оқибатлари

Туркистон ХКС совет ҳокимиятининг иқтисодий соҳадаги сиёсати асосларини яратиш мақсадида 1917 йилнинг декабрида фабрика- завод кўмиталари тузиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Кейинчалик совет ҳокимиятининг ишчи назорати ҳақидаги декрети эълон қилинди. Унга мувофиқ, саноат ишлаб чиқаришини деярли тўлиқ назорат қилиш ваколати юқоридаги фабрика- завод кўмиталарига берилди. Бундан кўзланган мақсад, ўз ўрнида саноатнинг национализация³⁰² қилиниши учун замин тайёрлаш эди. Орадан кўп вақт ўтмасдан ўлкада ишлаб чиқаришни давлат

³⁰⁰ ФВДА, 435-фонд, 1-руйхат, 207-иш, 11-варак.

³⁰¹ ФВДА, 435-фонд, 1-руйхат, 207-иш, 11-варак.

³⁰² Миллийлаштириш маъносида қўлланилган, ammo амалда давлат ихтиёрига тортиб олинган.

тасарруфига ўтказиш ва хўсусий мулкни тугатиш бўйича тадбирлар бошлаб юборилди.

Туркистонда ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаган большевиклар олиб борган иктисодий сиёсат дастлабки йилларданок барча соҳаларда: кишлок хўжалиги, саноат, боғдорчилик, табиий ресурслар, банк-молия тизими ва умуман, халқ хўжалигининг барча соҳаларида давлат монополиясини ўрнатишга қаратилган эди³⁰³. «Национализация» деб ном олган мазкур сиёсатни амалга ошириш жараёнида дастлаб ўлкадаги Россия саноати учун қимматли хом – ашё бўлган пахта саноатини национализация қилинди.

Туркистонда большевикларнинг етарлича тайёргарликсиз ва зўравонлик билан барча мулкларни национализация қилиши оқибатида ўлка иктисодиёти издан чиқиб кетди. Давлат мулкига айлантирилган корхоналар яроқсиз ҳолга келиб қолди³⁰⁴. Бунинг натижасида халқ хўжалиги вайрон бўла бошлади, мавжуд пахта заводлари тўхтаб қолди, пахта майдонлари қискариб кетди. Туркистондаги ўта мураккаб иктисодий аҳволнинг ёмонлашуви кишлок хўжалиги экин майдонларининг қискаришига олиб келди. 1917 йилда Фарғона вилоятида 286 минг десятина майдонга пахта экилган бўлса, бу 1922 йилда эса 15 минг десятинага тушиб қолган. 1917 йилда Фарғона водийсида 14 та пахта тозалаш заводлари ишлаб турган³⁰⁵.

1918 йил январдан Туркистонда саноат ишлаб чиқаришини кенг миқёсда национализация қилиш бошланди.

Биринчи босқичда, совет ҳокимияти ўлкадаги Россия саноати учун қимматли хом-ашё бўлган пахта саноатини национализация қилишга киришди. 1918 йил февраль ойининг охирида ўлкадаги барча пахта хом ашёсини давлат мулки деб эълон қилинди³⁰⁶. 7 март куни эса пахта тозалаш заводлари ҳамда шу соҳа билан боғлиқ

³⁰³ Зияева Д. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда хўсусий мулк ва тадбиркорликка қарши кураш сиёсати // О'zbekiston tarixi. – 2001. – №1. – Б. 30.

³⁰⁴ Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти... – Б. 22.

³⁰⁵ ЎзР МДА, Р.25-фонд, 1-руйхат, 785-иш, 224-варак.

³⁰⁶ Зияева Д. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда хўсусий мулк ва тадбиркорликка қарши кураш сиёсати – Б. 30.

ишлаб чиқариш корхоналари барча восита ва захиралари билан давлат мулки деб эълон қилинди³⁰⁷. Декретга қаршилик кўрсатганлар отиб ташланиши ҳақида огоҳлантирилди ва барча пахта захираси аҳолидан тортиб олина бошланди.

1918 йил мартда Қўқон шаҳар ижроия қўмитаси саноат ишлаб чиқаришини национализация қилиш бўйича махсус комиссия ташкил этади. Бу комиссияга раис этиб Белейский, котиб этиб эса Вершинин тайинланди³⁰⁸. 1918 йил март ойи бошларида шаҳарда Потеляхов ўртоқлик бирлашмасига қарашли завод ва фабрикалар ҳамда Қўқон советининг бирлашган йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилишда Қўқон шаҳар Советининг раиси Е.А. Бабушкин қатнашиб, йиғилиш иштирокчиларига национализация қилинган барча мол-мулклар ва саноат корхоналари давлат тасарруфига ўтиши ҳақида маълумот бериб ўтди³⁰⁹.

1918 йил март-апрель ойларида шаҳардаги барча корхоналар: Ярослав йирик мануфактураси, Андреев ўртоқлик бирлашмаси, Ака-ука Вадьяевлар ўртоқлик бирлашмалари ва бошқа кўплаб корхоналар национализация қилинди³¹⁰. Бироз вақт ўтганидан сўнг эса Қўқондаги ака-ука Мандалакка тегишли бўлган ипакчилик заводлари ҳамда шаҳардаги бир қатор пахта тозалаш ва ёғ-мой заводлари, Қизилқия кони ва бошқа корхоналар ҳам национализация қилиниб, давлат тасарруфига ўтказилган³¹¹. Бирок национализация қилинган корхоналарнинг аксарият кўпчилиги совет давлати мулки бўлгач, хом-ашё, маблағ йўқлиги, хўжалик соҳасидаги тартибсизлик туфайли умуман ишламай қўйган.

1918 йил март ойида Наманган уездида пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари ва банклар национализация қилинди³¹². Шу йилнинг

³⁰⁷ ЎзР МДА, Р.111-фонд, 1-рўйхат, 232-иш, 39-варак.

³⁰⁸ За Советский Туркестан. Сборник воспоминаний. – Т., 1963. – С. 85.

³⁰⁹ Қуллиев Х. Мустабид жамиятнинг иқтисодий пойдеворини шакллантириш (1917–1920 йиллар). – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 11.

³¹⁰ История Коканда (С момента присоединения Средней Азии к России до настоящего времени). – Ташкент: Фан, 1984. – С. 53.

³¹¹ Рабочий контроль и национализация промышленности в Туркестане. (1917–1920 гг.). Сборник документов. – Т., 1955. – С. 80.

³¹² НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 117-иш, 34-варак.

июнида шахарда «Туркистон халк банкининг Наманган бўлими ташкил этилди»³¹³.

1917 йил охиридан бошлаб 1918 йил баҳоригача Андижонда 330 дан ортиқ саноат корхоналарининг национализация қилиниши оқибатида ишлаб чиқариш деярли тўхтаб қолди³¹⁴. Жумладан, 1918 йилнинг март ойида Андижонда пахта тозалаш, ёғ-мой, совун пишириш заводлари, нефть корхоналари, темир йўл национализация қилинди³¹⁵.

Дастлаб Андижонда дастлаб саноатнинг етакчи тармоқларидаги корхоналар: пахта тозалаш³¹⁶, электр станциялари³¹⁷, ёғ-мой заводлари, кейинчалик эса босмахоналар³¹⁸, маҳаллий банклар, темир йўллар³¹⁹, ғишт заводлари давлат мулкига айлантилган.

Совет ҳокимиятининг босмахоналарни национализация қилишидан мақсад, нашр органлари ҳамда матбуотни тўлиқ ҳокимият ихтиёрига олиб, уни ўз манфаатлари йўлида хизмат қилишга бўйсундириш, фикр ва сўз эркинлигига барҳам бериш эди.

1918 йил март ойида Андижонда барча хусусий транспорт уюшмалари³²⁰, апрелда эса ипак курти тайёрлаш заводи национализация қилинди. 1919 йилнинг охирига келиб Андижон шаҳридаги мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарининг барчаси давлат тасарруфига ўтказилди. Шунингдек, саноат корхоналарини национализация қилиш расман тугалланди.

1920 йил охирига келиб эса Андижондаги барча корхоналар ва электр станциялари национализация қилиниши ниҳоясига етган.

Совет ҳокимияти молия тизимида, яъни, банк тизимида давлат монополиясини қарор топтиришга киришди. Хусусий банклар ишчилар назорати остига олинди. Жумладан, 1918 йилнинг июнь

³¹³ НВДА, 796-фонд, 1-руйхат, 63-иш, 13-варак.

³¹⁴ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-руйхат, 375-иш, 33-варак.

³¹⁵ Сафаров Р. Мухитдинов М. Жалолов Ж. Андижон области. – Тошкент: Ўзбекистон, 1973. – Б. 26.

³¹⁶ Сафаров Р., Мухитдинов М., Джалалов Д. Андижанская область. – Тошкент: Ўзбекистон, 1973. – С. 25.

³¹⁷ Куллиев Х. Мустабид жамиятнинг иктисодий пойдеворини шакллантириш... – Б. 19.

³¹⁸ Голос Самарканда. 1918 г, 6 июля.

³¹⁹ ЎзР МДА, Р.18-фонд, 2-руйхат, 151-иш, 15-16 вараклар.

³²⁰ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-иш, 232-иш, 131-варак.

ойида Халқ банкининг Намангандаги бўлими ҳам национализация қилинди³²¹.

Шунингдек, 1918 йил 1 июндан Андижондаги барча маҳаллий тадбиркорларга тегишли бўлган банклар ҳам национализация қилинади ва Туркистон халқ банки бўлимига бирлаштирилади³²².

1918 йил 20 ноябрда Туркистон Марказий Ижроия кўмитасининг Туркистон шаҳарларидаги телефон станцияларини ҳам национализация қилиш ҳақида декрети эълон қилинди. Туркистоннинг Ашхобод, Марв, Кўкон, Самарқанд, Андижон, Верний ва Тошкент шаҳарларидаги мавжуд бўлган телефон тармоқлари шаҳардаги бошқариш органлари ва хусусий тадбиркорларнинг тасарруфида бўлган. Улар ҳам национализация қилиниб, почта ва телеграф бошқармаси тасарруфига ўтказилади³²³.

Бутун Фарғона водийси шаҳарларида бўлгани каби, 1918 йилда Скобелев шаҳридаги пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқариш заводлари, «Тўқимачи» фабрикаси, Федченко ва Серово станциясидаги тегирмонлар, тоғ-кон, нефть саноати³²⁴, темир йўл³²⁵, алоқа тармоқлари ҳамда банклар ҳам национализация қилинди. Шунингдек, Скобелевдаги Туркистон банкининг филиали ҳам национализация қилиниб, унинг ўрнида Туркистон халқ банки бўлими ташкил этилди³²⁶.

1918 йил декабрда қабул қилинган декретда хусусий шахсларга тегишли бўлган уй-жойлар, кўчмас мулклар совет ҳокимиятининг мулки деб эълон қилинади ва ҳеч бир тўловсиз тортиб олинади.

Андижон шаҳрида совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллардан Туркистоннинг бошқа шаҳарлари қатори Андижонда ҳам саноат молларини ишлаб чиқаришга катта эътибор берилган.

³²¹ Исхаков Н. Ш. Из истории установления советской власти и создания коммунистической организаций в Наманганском уезде (1917–1920 гг.) // Учёные записки Наманганского государственного педагогического института Выпуск III. – Наманган, 1957. – С. 35.

³²² Нурмухаммедов Х. У. История развития социалистического города Андижана (1917–1950 гг.). Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – С. 31.

³²³ Рабочий контроль и национализация промышленности в Туркестане. (1917–1920 гг.). Сборник документов. – Т., 1955. – С. 177.

³²⁴ Тиллаходжаев С., Юлдашев Т., Гафуров А. Фергана. – Ташкент: Узбекистон, 1977. – С. 26.

³²⁵ Суворов В. А. Железнодорожный транспорт Туркестанского края в годы гражданской войны (1918–1920 гг.). – Тошкент: Ёш гвардия, – С. 30.

³²⁶ Рахимов М. История Ферганы. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 33.

1919 йилда Андижонда 21 та ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатган. Мавжуд саноат корхоналарининг кўпчилиги янги қурилган эди. 1919 йилнинг ўрталарига келиб, мамлакатдаги кийинчиликларга қарамасдан, Андижон шаҳрида бунёд этилган йирик фабрикада маҳаллий типдаги тикувчилик дастгоҳлари ёрдамида материал ва калава ип тайёрланган³²⁷.

1920 йилда Фарғона вилоятида давлат нашриёти бўлими ташкил этилади. 1917 йилгача вилоятда босмахоналарнинг сони 10 тани ташкил этган бўлса, уларнинг 5 таси Қўқонда, қолганлари уезд шаҳарларида жойлашган эди³²⁸. Вилоятдаги барча босмахоналар пахта, кўмир, банк фирмалари идораларининг девонхонага қарашли ишларни бажарган. Ўлкада саноат ишлаб чиқариш соҳасининг инкирози натижасида босмахона ишлари ҳам пасайган. 1922 йилнинг бошида вилоятдаги босмахоналарда жами 152 киши фаолият кўрсатган. Уларнинг 65 нафари Қўқонда, 37 нафари Скобелевда, 33 нафари Андижонда ва 17 нафари Намангандаги босмахоналарда ишлаган³²⁹.

1922 йилнинг охирига келганда, вилоятдаги мавжуд муассасаларда маблағ йўқлиги туфайли босмахоналарга бериладиган буюртмалар сони ҳам кескин қисқариб кетади. Бунинг оқибатида босмахоналарда иш ўринларини ҳам камайишига олиб келган. Вилоят шаҳарларидаги босмахоналарда фаолият олиб бораётган ходимлар сони 49 тага тушиб қолган. 1922 йилнинг 1 январидан 1 октябргача Қўқон босмахонасида 1.332.303 та нусха буюртма тайёрланган. Қўқон шаҳридан ташқари вилоятнинг бошқа шаҳарларидаги босмахоналар эса атиги 30 % куч билан ишлаб, уларга шаҳардаги мавжуд бўлган муассасалардан бор-йўғи 200-300 нусха буюртмалар берилган, холос. Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида чоп этилган ўзбек тилидаги «Фарғона» ва рус тилидаги «Советское Слово» газетасидан бошқа нашрлар бўлмаган³³⁰.

³²⁷ ЎзР МДА, Р. 27-Фонд. 1-руйхат, 572-иш, 40-варак.

³²⁸ Отчёт Ферганского областного экономического совещания. За январь-сентябрь 1922 г. – Коканд, Издание Фероблэко. 1923 г. – С. 76.

³²⁹ Отчёт Ферганского областного экономического совещания. За январь-сентябрь 1922 г. – Коканд, Издание Фероблэко. 1923 г. – С. 76.

³³⁰ Отчёт Ферганского областного экономического совещания. За январь-сентябрь 1922 г. – Коканд, Издание Фероблэко. 1923 г. – С. 77.

1921 йилдан бошлаб мамлакатда амал қила бошлаган НЭП – янги иқтисодий сиёсат айнан шу мақсадда ишлаб чиқарилган вақтинчалик иқтисодий чора бўлган. Бу чоралар мамлакатга товар-пул муносабатларини тиклаш, хусусий тадбиркорлар ва капиталнинг фаолиятига имкон бериш ва улар ёрдамида иқтисодий инкироздан чиқиб олишга қаратилган эди. 1921 йил 17 майда саноат корхоналари ва қосибчилик устахоналарини ривожлантириш ҳақида декрет қабул қилинди. Давлат корхоналари хўжалик ҳисобига ўтказилди. Товар-пул муносабатлари тиклана бошлаши билан тадбиркорлик ҳам тиклана бошлаган. Совет ҳокимияти савдо ва саноатни инкироздан олиб чиқишда хусусий тадбиркорлардан фойдаланган. Уларга савдо-саноат корхоналари ижарага берилди, тадбиркорлар ўз цехлари ва дўконларини очиб, иқтисодий фаолиятни жонлантиришда муҳим роль ўйнадилар.

1921 йилдан бошлаб корхоналар артелларга бирлаштирилди. Шаҳар корхоналари асосан енгил ва озиқ-овқат саноатига ихтисослашган бўлиб, уларда жами мингдан ортиқ ишчилар хизмат қилган. Кейинчалик ана шу корхоналар шаҳар саноатининг асоси бўлиб қолди. 1921 йилнинг сентябрида корхоналарга 48 та ипак ўровчи дастгоҳ ўрнатилди ва Фарғона пиллакашлик фабрикасига асос солинди³³¹. Аста-секин шаҳарда тўқимачилик комбинати, ёғ заводи, консерва заводи, ичимлик ишлаб чиқариш - пиво заводи бунёд этилди. 1923 йилда корхонани электр энергияси билан таъминлаш мақсадида янги иссиқлик электр станцияси - ТЭЦ қурилди³³².

Фарғона водийсида, жумладан, Андижонда ҳам саноат корхоналари фаолият юритган. 1921 йилда Андижонда 2 та пахта тозалаш ва 1 та ёғ-мой заводи бўлган³³³. Шу йилда яна Андижон шаҳрида қуввати 15 жинга тенг йирик пахта заводи ишга туширилиб, унда бир кунда 12 минг пуд пахта толаси тозаланган³³⁴. Фарғона вилоятида 1921 йилда 8 та пахта тозалаш ва битта ёғ-мой

³³¹ Турсунов Х. Национальная политика коммунистической партии в Туркестане (1917–1924 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1971. – С. 303.

³³² Усмонов Й. Жаннат боги. – Фарғона нашриёти, 1995. – Б. 25.

³³³ Асаткин А. Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики. – Ташкент: ЦСНХ, 1921. – С. 327.

³³⁴ Нурмухаммедов Х. У. История развития социалистического города Андижана... – С. 39.

заводи бўлса³³⁵, 1922 йилга келиб, пахтачилик саноат корхоналарининг қисқариши оқибатида уларнинг сони 4 тага тушиб қолади. Улар Андижон, Фарғона, Қўқон ва Наманган шаҳарларида жойлашган эди³³⁶. Ушбу корхоналарда 74 миллион пуд чигит қайта ишланиб, ундан 2 миллион пуд пахта ёғи олинган³³⁷. Шунингдек, 1922 йилда Фарғона вилоятида ўзининг техник ускуналари ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан етакчи ўринларда турган Андижон тўқувчилик фабрикаси ҳам фаолият кўрсатган. Ушбу фабрикада 60 та тўқув ускуналари ва 7 та титув машинаси мавжуд бўлсада, 1922 йил бошида маҳсулот етишмаслиги оқибатида уларнинг атиги 40 тасигина ишлаб турган холос³³⁸. Фабрикалар асосан, ип аралаш жун маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган.

1923 йилда Фарғона ва Марғилон шаҳарларида электростанциялар қурилиши бошланди³³⁹. Шунингдек, бундай электростанциялар Бухоро, Қўқон, Термиз ва Қарши шаҳарларида ҳам қурилган.

1923 йилда Наманган уездида шаҳар аҳолиси ҳамда мавжуд саноат ишлаб чиқариш корхоналари рўйхатга олинади. Унга кўра, шаҳарда 40.257 аҳоли, 1844 ишлаб чиқариш корхоналари, 624 та савдо марказлари, 3843 чорва ҳайвонлари мавжудлиги аниқланган. Чустда эса 549 та ишлаб чиқариш корхоналари, 120 та савдо марказлари ва 1073 та чорва ҳайвонлари борлиги рўйхатга олинган³⁴⁰.

1923 йилда Андижонда пиво заводи³⁴¹ ишга тушган ҳамда тамаки тайёрлаш фабрикаси қайта таъмирланган. 1923 йилдан бошлаб Андижондаги корхоналарнинг бир қисми ижарага берила бошланган. Буларга мисол қилиб гишт заводини, иккита маҳаллий тегирмон ва қушхоналарни киритиш мумкин. 1924 йилда шаҳарда

³³⁵ ФВДА. 435-Фонд. 1-рўйхат, 66-иш, 48-варак.

³³⁶ Отчёт Ферганского Областного Экономического Сопещения.... – С. 14.

³³⁷ ФВДА. 435-Фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 49-варак.

³³⁸ История Анджана.... – С. 78.

³³⁹ Зиядуллаев С. К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы её развития. –Ташкент: Фан, 1967. – С. 34.

³⁴⁰ ФВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 207-иш, 14-варак

³⁴¹ Туркестанская правда. 1924 г, 7 февраля.

15 жин от кучига тенг унда бир суткада 12 минг пахта хом-ашёсини тозалаш имконига эга йирик пахта тозалаш заводи ишга тушган³⁴². Шунингдек, Андижонда бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари: пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари, пиво тайёрлаш, ипакчилик корхоналари, гишт заводлари, давлатга тегишли тегирмонлар ва бошқа бир қатор саноат корхоналари қайтадан ўзларининг фаолиятларини бошлаган. Бунинг натижасида кўплаб корхоналар давлат хазинасига фойда келтирган. Масалан, 1924 йилда пиво заводи 18.639 минг рубл, тегирмонлар эса 15.000 минг рубл фойда келтирган³⁴³.

1924 йил охиридан бошлаб яна Андижон-Наманган темир йўли ишга тушган³⁴⁴. Бунинг натижасида Фарғона водийси шаҳарларидаги пахта тайёрлаш заводлари ишга тушди ҳамда шаҳарларнинг иқтисодий ривожланишига тўртки бўлди. Аста-секин шаҳарда мавжуд эски корхоналар билан бирга янги корхоналар ҳам қурилиши бошланган. 1924 йилда Андижонда иккита пахта тозалаш заводлари қурилган³⁴⁵.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам Фарғона водийси шаҳарларида маҳаллий хўжаликнинг энг катта даромад келтирадиган манбаи бозорлар ва савдо муассасалари бўлиб, умумий даромаднинг 80 % ини ташкил қилган³⁴⁶. Бозорларда асосий савдо моллари: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, маҳаллий хунармандлар томонидан тайёрланган турли хил меҳнат қуроллари, маҳаллий шойи-ипак маҳсулотлари, оёқ кийимлар, кийим-кечак, гиламлар, полиз ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташкил қилган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам шаҳарларда анъанавий бозорлар фаолият юритган. Қўқон уездида 1920 йилда 17 та бозор бўлса, улардан 9 таси шаҳарда жойлашган эди³⁴⁷. Барча бозорлар хусусий тадбиркорларга ва турли ташкилотларга ижарага берилган. Мазкур ташкилотлар бозорларни ижарага олиш савдосида нархларни атайлаб ошириб борган.

³⁴² АВДА, 59-Фонд, 1-руйхат, 2829-иш, 85-варақ.

³⁴³ АВДА, 59-Фонд, 1-руйхат, 104-иш, 605-варақ.

³⁴⁴ Туркестанская правда. 1924 г, 13 октября.

³⁴⁵ История Андижана.... – С. 79.

³⁴⁶ ФВДА, 121-Фонд, 2-руйхат, 447-иш, 14-варақ.

³⁴⁷ ФВДА, 121-Фонд, 2-руйхат, 353-иш, 165-варақнинг орқаси.

1917 йили Скобелев уезди кишлоқларидаги савдо бозорларида тарози ҳақидан 28.025 рубл, Скобелев шаҳрида якшанба куни бўладиган бозордаги пахта омборларидаги тарозидан 7.520 рубл, Скобелев шаҳар қушхоналаридан 4.000 рубл, шаҳар кўчаларида осилган эълон (реклама) лардан 85 рубл даромад олинган. Скобелев шаҳридаги бозорларда бир пуд шולי поҳоли 10 копеек, гўшт 80 копеек, бир пуд картошка 40 копеек, бир фунт анор 17 копеек, қуритилган ўрик 12 копеек, олма 15 копеек, пахта ёғи 20 копеек, қўй ёғи 30 копеек, картошка уни 8 копеек, қуритилган қўзикорин 25 копеек, чой 40 копеек бўлса, бир саржин³⁴⁸ қуруқ ўтин 2 рубл бўлган³⁴⁹.

Наманган шаҳрида бир фунт ярим оқ нон 2 копеек, уй нони 3 копеек, қарам 3 копеек, лавлаги 80 копеек, картошка 50 копеек, сабзи 50 копеек, шакар 8 копеек, сигир 50 рубл, от 195 рубл, эшак 35 рубл, минг дона гугурт 5 копеек бўлган³⁵⁰.

Андижон шаҳридаги бозорларда бир дона уй нони 15 копеек, бир пуд сабзи 20 копеек, бир пуд қуритилган олма қокиси 5 копеек, анор 5 копеек, бир фунт янги узилган узум 15 копеек, қуритилган ўрик 18 копеек, 100 та тухум 1 рубл 75 копеек, ўртача семиз қўй 5 рубл, от 10 рубл, сигир 25 рубл, эчки 3 рубл, бир саржин қуруқ тут ўтини 2 рубл, тол ўтини 1 рубл, бир дона каноп қоп 50 копеек, қўй терисидан тайёрланган пўстин 50 рубл ҳамда юқларни Андижондан Ўш шаҳрига етказиб бериш 50 копеек бўлган³⁵¹.

Ўш шаҳридаги бозорларда бир пуд турп 10 копеек, бир пуд қуритилган узум 1 рубл, бир пуд рус асали 3 рубл, бир фунт анор 10 копеек, сут 6 копеек, сметана 20 копеек, ўртача семизликдаги қўй 5 рубл, бир саржин қуруқ тол ўтини 4 рубл, қўлда тўқилган бир жуфт бош кийими 1 рубл ҳамда Ўшдан Марғилон шаҳригача юқларни етказиб бериш 5 рубл бўлган³⁵².

³⁴⁸ Саржин. Ҳажм ўлчов бирлиги. Жуда қадимдан пахса девор ва ўтинларнинг ҳажмини ўлчашда қўлланиб келинган. Ўлчами аслида бўйи 4 қари, баландлиги 2 қари, эни 1 қари деб қабул қилинган. Шунда 1 Саржин.= 1 қари 2 қари 4 қари=8 қуб қарига тенг бўлган. Қаранг. Аҳроров Н. Қадимий ўлчов бирликлари. – Тошкент: Комус, 1995. – Б. 76.

³⁴⁹ ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-руйҳат, 35219-иш, 9-варақнинг оркаси.

³⁵⁰ ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-руйҳат, 35219-иш, 10-варақ.

³⁵¹ ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-руйҳат, 35219-иш, 10-варақ.

³⁵² ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-руйҳат, 35219-иш, 10-варақ.

Эски Марғилон шаҳридаги бозорларда бир пуд маккажўхори 45 копеек, бир пуд гўшт 2 рубл, бир фунт узум 10 копеек, бир стакан сут 5 копеек, сметана 30 копеек, 100 та тухум 50 копеек, семиз қўй 30 рубл, сигир 40 рубл бўлган³⁵³.

Бозорларни ижара нархи йилдан йилга ошиб борган. Масалан, 1923–1924 йилларда ва 1924–1925 йилларда Фарғона водийси шаҳарларидаги бозорларда ижара ҳақини таққослаб кўрсатиш мумкин. Хусусан, 1923–1924 йилларда Андижон шаҳри бозорларида ижара ҳақи 44.113 рублни ташкил этган. Шунингдек, 1924 йилда Марғилон шаҳридаги ун ва чорва бозори “Ўзаро ёрдам комитетига” 35.000 рублга ижарага берилган бўлсада, Марғилон шаҳар ижроия комитети дастлабки ижара ҳақини 25 % га тушириб берган³⁵⁴.

1924 йилда Фарғона вилояти шаҳарларида мавжуд бўлган савдо-сотик дўконлари ва бозор майдонлари сони³⁵⁵:

2.2. жадвал

№	Шаҳарлар	бозорлар		савдо дўконлари		ижарага берилганлар			
		шаҳар	уезд	шаҳар	уезд	бозорлар		Савдо дўконлари	
						шаҳар	уезд	шаҳар	уезд
1	Андижон	8	22	680	56	8	22	495	-
2	Наманган	11	18	520	-	11	18	317	-
3	Қўқон	14	53	281	48	14	53	217	48
4	Марғилон уезди	21	-	756	-	-	-	-	-
	Жами	54	93	2237	104	33	93	1029	48

Фарғона вилоятининг иқтисодий ривожланишида Қошғар билан олиб борилган савдо-сотик алоқалари муҳим рол ўйнаган. Қошғар вилоятидаги Файзобод, Маралбоши, Янгишсар, Ёркент, Хўтан каби шаҳарлари муҳим савдо-сотик марказлари

³⁵³ ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-руйхат, 35219-иш, 11-варак.

³⁵⁴ Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёnlари (1917–1941 йиллар). – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2015. – Б. 146.

³⁵⁵ ЎзР МДА, Р.39-фонд, 2-руйхат, 578-иш, 6-варак.

хисобланган³⁵⁶. Қошғар билан Фарғона ўртасидаги савдо алоқаларида ипак-газламалар савдоси етакчи ўринни эгаллаган. Қошғардан Фарғонага 1914 йилда жами 3.410.000 сўмлик маҳсулотлар, жумладан: ипак ва газламалар, кигиз, тери маҳсулотлари, гиламлар, қора чой ва бошқалар олиб келинган. Фарғонадан Қошғарга 1914 йилда жами 3.624.000 сўмлик маҳсулотлар, жумладан, пахта ипак газламалари, темир ва пулатдан тайёрланган буюмлар, турли хил шиша идишлар, гугурт, тамаки маҳсулотлари, тикув машиналари, бахмал ипак матолар жўнатилган³⁵⁷.

Октябрь тўнтаришидан кейин бутун Туркистон худудида ташкил топган савдо тизимини шакллантириш юзасидан муҳим тадбирлар режаси амалга оширилди. Жумладан, 1917 йилда Туркистон ўлка матлубот уюшмалари тузишга киришилди. Дастлабки давлат савдоси шаклланди. Шунингдек, ишчилар таъминоти бошқармалари (темир йўл, тоғ-кон саноатида), ҳарбий савдо ва бошқа савдо ташкилотлари ҳам юзага келди.

Фарғона водийсида савдо ва умумий овқатланиш тизими 20-йиллардан бошлаб ривожланди. Жумладан, Наманган вилоятида аҳолини кенг истеъмол моллари билан таъминлаш ва умумлашган савдони ташкил этишда матлубот кооперацияси асосий ўрин тутди. 1923 йилда «Ўзбекбирлашув» нинг Наманган матлубот бирлашмаси ташкил этилди. «Ўзбекторг» нинг Наманган бўлими эса улгуржи, чакана, хусусий савдо билан шуғулланган. Наманган шаҳрида 1922 йил 1 декабрида давлат банкининг (476.690 червон айланма маблағи билан) очилиши матлубот ва давлат савдосининг сезиларли ривожланишига туртки берди³⁵⁸. Шаҳардаги давлат банки савдо-сотик корхоналарига товар олиш учун қарз берган.

1923 йил охирида Фарғона вилоятида мавжуд 43 та кредит бирлашмалари орқали 139.755 рубл ссуда (қарз) ажратилган. Ана

³⁵⁶ ЎЗР МДА, Р.25-фонд, 1-руйхат, 932-иш, 214-варакнинг орқаси.

³⁵⁷ ЎЗР МДА, Р.37-фонд, 1-руйхат, 409-иш, 103-варак.

³⁵⁸ Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. – Наманган, 2000. – Б. 192.

шундай кредит бирлашмалари Андижонда 17 тани, Марғилонда 16 тани Қўқонда 5 тани, Ўшда 5 тани ташкил қилган³⁵⁹.

1923 йилда Туркистон ўлкасида шаҳар аҳолиси сонини рўйхатга олиш ишлари ўтказилди. Унга кўра, ўлкадаги йирик шаҳарлар меҳнаткаш аҳолисининг 23%, майда шаҳарлар аҳолисининг эса 18% асосан, саноат корхоналарида ишлаган. Дехқончилик билан эса йирик шаҳарларда аҳолининг 19 %, майда шаҳарларда аҳолининг 26 % шуғулланган. Савдо ва давлат хизматида умумий шаҳар аҳолисининг қарийб 25 % банд бўлган.

1923 йилда Фарғона вилояти шаҳарлари аҳолисининг асосий меҳнат соҳалари бўйича тақсимланиши³⁶⁰.

2.3. жадвал.

№	Шаҳар номи	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Савдо	Давлат хизмати	Бошқа соҳа
1	Андижон	32,7	33,2	9,7	6,5	17,8
2	Фарғона	16,9	12,3	12,1	19,5	39,2
3	Қўқон	20,9	19,8	13,8	12,9	32,6
4	Наманган	34,5	25,6	7,2	6,2	36,5

1924 йилда Фарғона вилоятида мавжуд корхоналар сони қуйидагича бўлган³⁶¹:

2.4. жадвал

№	Корхона номи	сон
1	Босмахоналар	3
2	Электростанциялар	2
3	Ҳаммомлар	6
4	Тегирмонлар	5
5	Пиво заводлари	1
9	Тикувчилик фабрикалари	1
10	Ғишт заводлари	2
11	Тери заводлари	1
	Жами	21

³⁵⁹ Якубов Б. Из истории партийной организации Ферганы. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 189.

³⁶⁰ Файзиев Н. Ўзбекистон янги шаҳарларининг аҳолиси. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 6.

³⁶¹ ЎЗР МДА, Р. 39-фонд, 2-рўйхат, 578-иш, 8-варак.

1917 йилда Наманган шаҳрида савдо-сотикнинг турли хил шакллари мавжуд бўлган. Шаҳардаги савдо корхоналари ва чойхоналар атрофида озик-овқат, мева-сабзавот, гўшт ва бошқа хўжалик моллари савдоси билан шуғулланувчи алоҳида дўконлар жойлашган эди. Шаҳарда, айниқса, донг таратган бозорлардан бири «Раста»³⁶² деб номланган бўлиб, у ерда савдогарлар ишлаб чиқариш саноат моллари билан савдо-сотик қилишган. Шунингдек, Наманган шаҳри хунармандчилик маркази сифатида ҳам катта аҳамият касб этган. Шаҳарда хунармандчиликнинг турли хил шакллари: темирчилик, заргарлик, кулолчилик кабилар ривожланган эди. Шунингдек, бозорларда чойхоналар ва овқатланиш масканлари ҳам бўлиб, у ерларда турли хил миллий таомлар тайёрланган. Наманган уездида ҳам савдо-сотик, асосан, бозорларда бўлиб, 1923 йилда уларнинг сони 19 та бўлган³⁶³.

1924 йил августда йирик савдо бирлашмалари (синдикат) тузилиб, уларнинг улгуржи базалари ва қисман чакана савдо билан шуғулланувчи тармоқлари бўлган. Наманган шаҳрида 1923 йил 1 декабрдан ўз фаолиятини бошлаган давлат банкининг пул айланмаси 1924 йил 1 октябрда 476600 червонни ташкил этган³⁶⁴.

Хулоса қилиб айтганда, 1917–1920 йилларда совет ҳокимияти олиб борган хусусий мулкчиликни тугатиш ва давлат монополиясини ўрнатиш, иқтисодни марказлаштириб, барча ресурсларни давлат қўлида тўплаш, партия диктатурасини ўрнатиш, хусусий савдони тақиқлаш, саноатда хусусий мулкни тугатиш сиёсати оғир оқибатларга олиб келди. Бундай сиёсат жараёнида товар-пул муносабатлари катъий чекланиб, давлат бош таъминотчи ва тақсимотчига айланиши ўлкада халқнинг давлатга қарам бўлиб қолишига, турмуш даражасининг кескин пасайишига олиб келди. Озик-овқат солиғи, нонга давлат монополияси, ер-сувнинг давлат томонидан тортиб олиниши, тадбиркорлар фаолиятининг тақиқланиши, хусусий савдо ва ишлаб чиқаришнинг

³⁶² НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 117-иш, 3-варак.

³⁶³ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 117-иш, 5-варак.

³⁶⁴ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 117-иш, 6-варак.

чекланиши киска фурсатда иктисодий тангликка олиб келди. Истеъмол товарлари тақчиллиги бошланди.

Совет ҳокимияти товар айирбошлаш, кишлок ва шаҳар ишлаб чиқарувчилари билан истеъмолчиларини ўзаро боғлаш, бозорларни, саноат корхоналарини юритиш имконига эга эмас эди. Бундай шароитда мамлакатда иктисодий инкироз бошланди. Совет ҳокимияти зудлик билан иктисодий инкироздан чиқиш учун ўз иктисодий сиёсатидан воз кечишга, иктисодни бир оз бўлса-да, эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни қўллашга мажбур бўлган.

Туркистонда большевикларнинг етарлича тайёргарликсиз ва зўравонлик билан хусусий мулкларни тугатиш ва барча соҳани национализация қилиши оқибатида ўлка иктисодиёти издан чиқиб кетди. 1918 йилнинг биринчи ярмидан бошлаб ўлкадаги, шунингдек, Фарғона водийси шаҳарларидаги мавжуд барча йирик саноат тармоқлари пахта тозалаш, ёғ-мой корхоналари, банклар, босмахоналар, темир йўл, кўмир конлари ва бошқа бир қатор ишлаб чиқариш тармоқлари давлат тасарруфига ўтади.

Ушбу бобга хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, ўлкадаги очарчиликнинг келиб чиқишига ҳам ўз навбатида, аввал Россия империяси кейин большевиклар ҳокимияти олиб борган сиёсат сабаб бўлган эди. Бу борада совет ҳокимияти олиб борган сиёсат таҳлили шуни кўрсатадики, большевиклар шундай огир иқтисодий таназзул ҳолатларида ҳам Марказ манфаатларини биринчи ўринга қўйган. Ҳукумат Фарғона водийсидаги иқтисодий муаммоларни ҳал этиш ҳамда очарчиликнинг олдини олишда ожизлик қилди. Шундай бўлса-да, Туркистоннинг маҳаллий раҳбарлари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, мумкин қадар озиқ-овқат муаммосини бартараф этиш чораларини кўрдилар. Бироқ улар томонидан амалга оширилган чор-тадбирлар Фарғона водийсидаги иқтисодий муаммоларни бартараф этиш учун етарли эмас эди. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, 1917–1923 йиллардаги озиқ-овқат тақчиллиги даврида Фарғона водийси шаҳарлари аҳолиси ўзи оч бўлган ҳолда, Россиянинг очарчилик ҳукм сураётган

худудларидан кўчириб келтирилган очларга ёрдам бериб, инсонийлик ва сабр-бардош намуналарини кўрсатган.

Совет ҳокимиятининг хусусий мулк ва тадбиркорликка қарши кураш сиёсати мамлакатнинг анъанавий хўжалик ҳаётини издан чиқариб, халққа қаттиқ талафот етказди ҳамда давлат монополиясининг ўрнатилишига олиб келди. Бунинг натижасида халқ хўжалиги вайрон бўла бошлади, мавжуд заводлар тўхтаб қолди. Ўлкада юзага келган инқироз сабабли янги ҳукумат 1921 йилда янги иқтисодий сиёсат номи билан хусусий мулкчиликни тугатиш бўйича олиб борган кескин тадбирларидан бир-оз муддат воз кечишга ҳамда миллий хунармандчилик ва тадбиркорликни қайта тиклаш, касаначиликни ривожлантириш учун йўл очишга мажбур бўлди.

III БОБ. ШАҲАРЛАРДАГИ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИНФРАТУЗИЛМАЛАР

3.1-§. Маданий-маърифий муассасалар тизимидаги ўзгаришлар

1917 йил Февраль инқилобидан кейин ўлкада бошланган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнида таълим тизими муаммолари ва ислохотлари кун тартибидаги долзарб вазифалардан бири эди. Хусусан, 1917 йил 9–14 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўлка ўқитувчилари вакилларининг I қурултойида³⁶⁵ таълим тизими билан боғлиқ кўпгина масалалар муҳокама қилинди. Қурултойда «Туркистон ўқитувчилар иттифоқи» ташкил этилди³⁶⁶, ўлкадаги рус-тузем мактабларини тугатиш, уларнинг ўрнига миллий мактаблар ташкил этиш масаласи муҳокама этилди. Туркистон вақтли қўмитасининг аъзоси С.Мақсудов, шарқшунос Л.Замин ва Фарғона вилоятининг маориф бўйича инспектори Ф.Егоров маърузаларида рус-тузем мактаблари маҳаллий аҳоли саводхонлигини ошириш ишига кодир эмаслигини тўлиқ асослаб, унинг иши самарасиз эканлигини эътироф этдилар³⁶⁷. Ўқиш она тилида олиб борилиши, рус тили эса хорижий тил сифатида ўқитилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Қурултойда мадрасалар ва диний усулда таълим берувчи мактаблар масаласи ҳам кўриб чиқилди ва бу соҳада ҳам ислохотлар ўтказиш зарурлиги, мадрасалардаги ўқув-тарбия ишлари мударрислар кенгаши ихтиёрида бўлиши, мадрасалар устидан назоратни диний бошқарма томонидан амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, эски усулдаги мусулмон мактаблари шариатга мувофиқ тарзда босқичма-босқич ислох қилиб борилиши, синф ўқувчилари 8 тадан кам бўлмаган ҳар

³⁶⁵ Комилов О. К. XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон миллий маорифидаги ўзгаришлар. Тарих фан. ном. ... дис. – Т., 2009. – Б. 43.

³⁶⁶ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб... – Б. 133.

³⁶⁷ Иудлошев Ж., Ҳасанов С. Туркистонда ўқиш-ўқитиш ишлари тарихидан // Халқ таълими. – 1993. – № 8–9. – Б. 48.

қандай мактабда Қуръон ва она тили ўқитилиши зарурлиги белгилаб қўйилди³⁶⁸.

Шунингдек, қурултойда мактабдан ташқари таълимга катта эътибор бериш, халқнинг маърифий ривожланиши учун турли жойларда кутубхоналар очиш, Тошкентда миллий музей очиши, мактабгача ёшдаги болалар учун тарбия уйлари ва болалар боғчалари ташкил этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Бирок Туркистондаги 1917 йил сентябрь-октябрь ойларидаги ҳокимият учун курашлар ҳамда Октябрь тўнтариши таълим тизими ислохотлари лойиҳасини тўхтатиб қўйди.

Миллий зиёлилар ўлкада зўрлик билан ўрнатилган совет ҳукумати ва большевиклар фаолияти ҳамда маҳаллий аҳолига ёт бўлган ғояларидан норози бўлишларига қарамай, ўз мамлакати ва халқининг келажаги ҳақида қайғуриб, совет андозалари ва мафқураси доирасида бўлса ҳам маданият, маориф соҳасида фаолият кўрсатишга, халқнинг саводини, маърифатини ривожлантиришга имкон қадар ҳаракат қилдилар. Улар илмий, маданий-маърифий муассасалар ташкил этиш, маҳаллий аҳоли учун янги мактаблар очиш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш, ўзбек тилида дарсликлар яратиш, миллий театр тузиш жараёнларида фаол иштирок этдилар.

Бу жараёнларда шаҳарлардаги ижтимоий-маданий инфратузилмалар, хусусан, таълим муассасалари фаолиятида кўплаб ўзгаришлар содир бўлди. 1917 йилда Қўқон шаҳрининг эски қисмида 7 та мадраса ва 50 та анъанавий мактаблар бўлган³⁶⁹. Ҳокимият учун курашлар авж олиши туфайли бу соҳаларда ўзгаришлар суст борди.

Масалан, Қўқон шаҳри мисолида олиб қараганда, 1917 йилда 7 та янги усул мактаблари бўлиб, уларда 535 та ўқувчи таҳсил олган бўлса, 1918 йилда эса 8 та мактабда 600 тага яқин ўқувчи таҳсил олган (шундан 135 нафар қизлар).

³⁶⁸ ЎзР МДА, Р.3282-Фонд, 1-руйхат, 182-иш, 35-варак.

³⁶⁹ Ёқубов Б. Фарғона водийсида Совет ҳокимиятининг ўрнатиш учун кураш. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1954. – Б. 26.

Вакт ўтиши билан янги усул мактабларида диний ва дунёвий фанларнинг ўқитилиши билан бирга ахлокий-тарбия ишларига катта эътибор берилиши натижасида уларнинг нуфузи орта борди. Янги усул мактабларида синфда 30 тадан кўп бўлмаган болалар факат ёз ва киш бошларидагина мактабга қабул қилинган, ҳар бир муаллимда кўпи билан 3-4 та синф бўлиб, 7-8 ёшлардаги болаларга 5 соатлик ўқиш куни жорий этилган. Ҳар дарсдан сўнг 10 дақиқа танаффус, жума ва байрам кунлари дам олиш, ўн ой ўқишдан сўнг ёзги таътил жорий этилган. Мактаблар нуфузи кучайиб, 1921 йига келиб Қўқонда бундай мактаблар сони 28 тага етади. Шундан 20 таси маҳаллий аҳоли учун, 3 таси европа миллатига мансуб аҳоли учун бўлган. Мактабларда 5.5 мингдан ортиқ ўқувчи (2.418 нафар ўзбеклар, 2.374 нафар европа миллатига мансуб аҳоли, 644 нафар яҳудийлар, 143 нафар арман миллатига мансуб) таълим олганлар³⁷⁰.

1917 йилда Қўқон шаҳрида илгари факат уй шароитида ўқитилган қизлар учун дастлабки расмий мактаблар очилиб, уларда ўзбек, татар аёл ўқитувчилар дарс бера бошлади. Мактабда Солиҳахон Муҳаммаджанова (директор), Муҳаррам Қодирова, Гулсум Кўпаева, Фотима Бурнашева, Зебинисо Раззоқова, Марьям Шариповалар фаолият кўрсатганлар³⁷¹. Педагог ўқитувчилар тайёрлаш учун 1918 йилда Қўқон шаҳридаги мактабларнинг бирида уч ойлик ўқитувчи тайёрлаш курси ташкил этилиб, унда 200 га яқин киши таҳсил олиши йўлга қўйилди³⁷².

Бундай янгиликлар Наманган шаҳрига ҳам кириб келди. Илк янгиликлардан бири янги ташкил этилган Турон мактаби эди³⁷³. Мактаблар мадрасалар қошида, хусусий уйларда ҳам ташкил қилина бошланди. Масалан, Сардоба мадрасасида Тожи Раҳмоний деган киши томонидан 6 синфли мактаб, Чукур кўча, Қўзагарлик ва Уйчи кўчаларидаги хонадон болохоналарида 4 синфли мактаблар ташкил этилди.

³⁷⁰ Знамя труда. 1921 г, 12 июня.

³⁷¹ Труды Кокандского Государственного Педагогического института (серия общественных наук). Выпуск VII. – Ташкент: Фан, 1971. – С.53.

³⁷² Иноятов Х. Ш. Октябрьская революция в Узбекистане. – Ташкент. 1957. – С. 304.

³⁷³ НВДА, 796-фонд, 1-руйхат, 26-иш, 9-варак.

Бир йиллик такрорий таълим-тарбия курсининг очилиши ҳам янгиликлардан бири эди³⁷⁴. 1923 йилда мазкур курсни тамомлаган 70 нафар ўқитувчилар, Наманган уездининг 36 та волостига тақсимланганлар.

Даврий матбуот хабарларига кўра, Наманганда ҳам кизлар мактаби ташкил қилинган бўлиб, уларда муаллималар етишмаслиги боис 2–3 ой ишлаб, ёпиб қўйилган³⁷⁵. Намангандаги хотин-кизлар бўлими қошида саводсизликни тугатиш мақсадида қисқа муддатли муаллималарни тайёрлаш курслари, кейинчалик, хотин-кизлар педагогика билим юрти очилган. Уларда татар муаллималари фаолият кўрсатишган³⁷⁶.

Наманган шаҳрида мактаблар сони жуда секин бўлса-да, кўпайиб борган. 1919 йилда битта 3 босқичли ўрта мактаб ташкил этилган бўлса, уларнинг сони 1923–1924 ўқув йилида 5 та мактаб ва 22 та синфга, 1924–1925 ўқув йилида 17 та мактаб ва 42 та синфга кўпайган. Бундан ташқари, 1918 йилда уездда иккита болалар уйи очилган бўлиб, унда 1923–1924 ўқув йилида 106 та, 1924–1925 ўқув йилида эса 133 та бола тарбияланган³⁷⁷.

Киёслаб олиб қараганда, 1914–1915 йилларда Наманганда 8 та бошланғич ва битта 4 синфли 889 та ўқувчи таълим оладиган шаҳар мактаби бўлган бўлса, 1924–1925 йилларга келиб 1149 та ўқувчи таълим оладиган 17 та мактаб фаолият кўрсатган³⁷⁸. Маориф тизимига сарфланадиган маблағ аста-секин кўпая бошлади. Халқ маорифи учун шаҳар бюджетидан 1923–1924 ўқув йилида 42.293 сўм, 1924–1925 ўқув йилида эса 96.911 сўм сарфланган³⁷⁹.

Худди шу даврларда Наманган шаҳрида ишлаб турган Иномжон Низомбоев ҳам шаҳарда халқ маорифи ишларини ривожлантиришда катта ишларни амалга оширган. Иномжон Низомбоев 1921 йил мартдан бошлаб Наманган шаҳар халқ

³⁷⁴ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 10-варак.

³⁷⁵ Утувчи. Наманганда маориф ишлари // Иштирокиюн, 1919 йил, №119-сон. – Б. 3.

³⁷⁶ Насретдинова Д. Туркистон маданий ҳаётида татар-бошқирд аёлларининг туган ўрни (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чораги): Тарих фан. ном.... дис. – Т., 2011. – Б. 103.

³⁷⁷ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 13-варак.

³⁷⁸ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 54-варак.

³⁷⁹ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 13-варак.

маориф мудирлари лавозимида ўз фаолиятини бошлаган³⁸⁰. Бу йилларда Иномжон Низомбоев ўзининг кўп киррали ҳаётини Наманган шаҳрида халқ маорифининг ривожлантиришга сарф қилган.

Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига қуйидаги шахслар мудирлик қилишган: 1917-1918 ўқув йилида-Т.Бадалиев, 1918-1921 ўқув йилида-Л.Олимий, 1921-1922 ўқув йилида-Орифхонов, 1922-1923 ўқув йилида-Ш.Усмонов, 1923-1925 ўқув йилида-М.Шоҳимардонов³⁸¹.

Бу даврда маҳаллаларда эски усул мактаблари ҳам сақланиб қолди ва ўз фаолиятини давом этарди. Аммо уларнинг аҳамияти пасайиб борди. 1923–1924 ўқув йилида шаҳарда бундай мактаблар сони 49 тани ташкил этган бўлса, бир йил ўтгач улар 29 тага тушиб қолди³⁸².

Дарҳақиқат, Наманганда халқ маорифини ривожлантириш осон бўлмаган. Бунинг сабаби, мактабларда муаллим кадрлар етишмас эди. Шу туфайли 1924 йили Наманганда дастлабки ўқитувчилар тайёрлаш курслари очилган. Унга хат-имлодан хабардор кўплаб ёшлар жалб этилади. Бўлажак ўқитувчиларга Абдуқодир Қаюмий, Ғуломжон Ақромхонов, Обидулла ва Абдулла Тўқмулин, Лутфилла Олимийлар сабоқ берганлар.

Андижон шаҳрида ҳам таълим муассасалари ўзгариб борди. 1914 йилда Андижон шаҳрида 22 та мактаб³⁸³, Андижон уездида эса 55 та талабага эга бўлган 2 та мадраса, 100 ўқувчиси бўлган 7 та қорихона, 1500 ўқувчига эга бўлган 103 та эркаклар мактаблари, 704 ўқувчиси бўлган 45 та аёллар мактаблари фаолият олиб борар эди³⁸⁴. Шаҳарнинг эски қисмида 9 та ўзбек ва 2 та қиз болалар мактаби очилган.

1917 йил апрелдан бошлаб Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида ташкил этилган «Муслималар маориф жамияти»нинг

³⁸⁰ НВДА, Иномжон Низомбоевнинг шахсий фонди. 66-варак.

³⁸¹ НВДА, Р.796-фонд, 1-руйхат, 26-иш, 17-варак.

³⁸² НВДА, 13-фонд, 1-руйхат, 17-иш, 19-варак.

³⁸³ Труды Андижанского государственного педагогического университета. Том XI. Выпуск III. – Андижан. 1964. – С. 283.

³⁸⁴ Андижон вилоят Давлат архиви, 76-Фонд, 1-руйхат, 11-иш, 11-12-вараклар.

шуъбаси Андижон шаҳрида ҳам очилди. Лекин унда кўпроқ маҳаллий татар аёллари қатнашганлар. Масалан, мазкур жамият етакчилигида шаҳарда ҳафтанинг жума кунлари бўлиб ўтадиган сиёсий ўқишлар Робия Сафарова томонидан амалга оширилган³⁸⁵.

Андижон шаҳрида фаолият юритган халқ таълими томонидан 1918 йилда шаҳарнинг янги қисмида 6 та етти йиллик рус мактаби, 1 та ўн йиллик ва 1 та бир босқичли арман мактаби ташкил этилган³⁸⁶. Бундан ташқари, шаҳарда рус-тузем мактаблари ҳам фаолият юритган.

1918 йил охирига келганда Андижонда 15 та миллий мактаблар ва 9 та рус мактаблари мавжуд бўлган. Уларда 98 та ўқитувчи жами 2.948 та ўқувчига таълим берган³⁸⁷. Ўзбек мактабларида 1947 нафар ўғил ва 212 та киз болалар таълим олганлар³⁸⁸.

1921 йилда Андижон шаҳрининг эски қисмида яна 1 та ўғил болалар мактаби ва учинчи киз болалар мактаби очилди. Бундан ташқари 1 та татар ва озарбайжон миллатига мансуб аҳоли болалари учун мактаб очилди.

1922 йилга келиб Андижон шаҳрида 2 та 4 ва 7 йиллик рус мактаблари бўлиб, уларда 575 та бола таълим олган³⁸⁹. Бирок мактабларда малакали кадрлар етишмаган, шу боис шаҳарда қиска муддатда олти ойлик ўқитувчи тайёрлаш курслар ташкил қилинган. Унда 1919 йилдаёқ 80 нафар педагогик кадрлар тайёрланган.

1924 йил охирларида Андижон шаҳридаги мактабларда жами 58 та синф бўлиб, уларнинг 25 таси маҳаллий бюджет ҳисобидан, 19 таси ота-оналарнинг маблағидан таъминланган. Шу билан бирга, вақф бўлимига қарашли 4 та синф бўлган³⁹⁰. Шаҳардаги 58 та синфнинг 28 тасида ўзбек миллатига мансуб ўғил болалар, 6 тасида ўзбек қизлари, 2 таси уйғур болалар, 1 таси яҳудийлар, 1 тасида

³⁸⁵ Кучкорова О. Андижон муслималари ҳақида // Улуғ Туркистон, 1917, 23 август.

³⁸⁶ ЎзР МДА, Р.34-фонд, 1-руйхат, 119-иш, 29-варак.

³⁸⁷ Ардаширов А. Ф. Борьба за советскую школу в Андижане (1917–1918) // Учёные записки Андижанского госпединститута. Т.2. 1955. – С. 89.

³⁸⁸ АВДА, 128-фонд, 1-руйхат, 75-иш, 15-варак.

³⁸⁹ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-руйхат, 430-иш, 28-варақнинг оркаси.

³⁹⁰ ЎзР МДА, Р. 87-фонд, 1-руйхат, 43 иш, 29-варак.

татар, 3 таси арман ва 17 тасида рус миллатига мансуб болалар ўқиганлар. Миллий мактабларда ўқувчилар 10 майдан ёзги таътилга чиқишса, рус мактабларида ўқиш жараёни 1 июнгача давом этган. Мактабларда иккинчи босқичдан кейин ўқувчиларга шаходатнома (аттестат) берилган.

Андижон шаҳрида Халқ таълими бўлимига қарашли 2 та болалар интернати ҳам бўлиб, у ерда маҳаллий ва рус миллатига мансуб болалар тарбияланган (228 та маҳаллий болалар ва 80 та европа миллати болалари). Андижон шаҳридаги мактаб ва интернат ўқувчилари йилда икки марта тиббий кўрикдан ўтказилган, шаҳардаги 4-сонли мактабда болалар амбулаторияси ҳам ташкил қилинган эди. 1924 йилга келиб ҳам Андижон шаҳрида ўқитувчилар етишмас, ўртача ҳар бир мактабга 2 нафар ўқитувчи тўғри келган³⁹¹.

1917 йил ноябрь ойида Фарғона (Скобелев) шаҳрида илк совет мактаби (40 нафар бола таҳсил олган) ташкилотчилари Т. Н. Қори-Ниёзий ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эдилар³⁹².

1922 йилда Фарғона (Скобелев) шаҳридаги 12 та мактабдан, факат 2 тасигина ўзбек мактаблари бўлиб, унинг ҳам биттаси эски мактаб эди. Маҳаллий мактабларда 59 нафар ўқувчи таълим олган³⁹³. Шунингдек, шаҳарда битта татар мактаби ҳам фаолият кўрсатган. Унда 2 та синф мавжуд бўлиб, ўқувчилар сони эса 33 та, шундан 8 таси қизлар эди. Ота-оналарнинг истаги билан мактабда 6 та ўзбек болалари ҳам таълим олган. Мактабда ўқувчиларга 2 та ўқитувчи сабоқ берган. Шаҳарда 1918–1919 йилларда халқ таълими бўлими³⁹⁴, ўқитувчилар тайёрлаш курслари, 1924 йилдан педагогика билим юрти фаолият кўрсата бошлаган³⁹⁵.

³⁹¹ Нурмухаммедов Х.У. История развития социалистического города Андижана (1917–1950 гг). Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – С. 68.

³⁹² Қары-Ниязов Т. Н. Очерки истории культуры Советского Узбекистана. – Москва: Изд-во АН СССР, 1955. – С. 139-140.

³⁹³ ЎзРПДА нинг Фарғона филиали, 111-фонд, 1-руйхат, 897-иш, 2-варак.

³⁹⁴ Хроника событий Октябрьской революции в Узбекистане (ноябр 1917-июнь 1918 г.). – Ташкент, 1975. – С. 185.

³⁹⁵ Чориев А. Х. Мустабид шуро тузуми шароитида Ўзбекистон халқ таълими ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш: миллий-анъанавий ва шуро таълим тизимлари ўртасидаги зиддиятлар (20-30 йиллар). Тарих фан.док... дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 115.

Ўш шаҳрида 1918 йилда 14 та бир босқичли мактаблар ташкил қилинган³⁹⁶. Уларнинг 12 таси ўзбек ва 2 таси эса рус мактаблари бўлган³⁹⁷. Бирок ўқитувчилар сонининг камлиги ҳамда мактаб жихозлари ва ўқув қуроллари етишмаслиги туфайли мавжуд 12 та ўзбек мактабларидан атиги 6 таси ишлаган. Шунингдек, икки босқичли 1 та рус мактаби ҳам бўлиб, ўқитувчи етишмаслиги оқибатида мактаб фаолият кўрсатмаган. 1922 йилга келиб Ўш шаҳрида 1 та рус мактабида 156 нафар бола ҳамда 15 та маҳаллий мактабда 700 нафарга яқин болалар таълим олган³⁹⁸. Шу билан бирга, шаҳарда 1 та болалар мактаб интернати ва 1 та маҳаллий аёллар учун ташкил қилинган мактаб ҳам фаолият кўрсатган.

1920 йил 17 сентябрда Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг «Аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш тўғрисида»ги декрети³⁹⁹ асосида шаҳарларда саводсизликни тугатиш мактаблари очила бошланди⁴⁰⁰. Туркистон Республикасида саводсизликни тугатиш бўйича жами 1700 та мактаб бўлиб, уларда 50 минг тингловчи тахсил олар эди.

Масалан, 1921 йилда Қўқон шаҳрида 21 та саводсизликни тугатиш мактаблари бўлиб, уларда 865 та киши таълим олган. Саводсизликни тугатиш курслари турли муассасалар, завод-фабрикалар қошида ҳам ташкил қилинган. Масалан, 1922 йилда Наманганда ёғ заводи қошида саводсизликни тугатиш тўғараги ташкил этилиб, унда 11 аёл тахсил олади⁴⁰¹. 1923–1924 ўқув йилида шаҳарда 6 та саводсизликни тугатиш мактаблари фаолият кўрсатган бўлса, 1924–1925 йилларга келиб уларнинг сони 17 тага етган⁴⁰².

1924 йилда Фарғона шаҳрида 5 та саводсизликни тугатиш мактаблари бўлиб, у ерда дарслар 2 сменада ўзбек ва рус тилларида

³⁹⁶ Якубов Б. Из истории партийной организации Ферганы. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 101.

³⁹⁷ ЎЗР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 678-иш, 5-варақнинг оркаси.

³⁹⁸ ЎЗР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 430-иш, варақ-44.

³⁹⁹ Чориев А. Х. Мустабид шўро тузуми шароитида Ўзбекистон халқ таълими ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш: миллий-анъанавий ва шўро таълим тизимлари ўртасидаги зиддиятлар (20-30 йиллар). Тарих фан.док... дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 53.

⁴⁰⁰ ЎЗР МДА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 360-иш, 206-варақ.

⁴⁰¹ Наманганская правда. 1970, 4 января.

⁴⁰² Мирзалиев Э. Наманган шаҳар халқ маорифи таракқиети тарихидан. – Наманган, 1989. – Б. 10.

олиб борилган⁴⁰³. Шунингдек, савод ўрганиш мактаблари учун курсларда 2 мингдан ортиқ ўқитувчи тайёрланган.

1923 йил 1 январь ҳолати бўйича Фарғона вилояти шаҳарларидаги халқ таълими муассасалари сони куйидагича эди⁴⁰⁴:

3.1. жадвал

Шаҳарлар	бир босқичли мактаблар			икки босқичли мактаблар			барча тоифадаги жами мактаблар		
	Мактаблар сони	Ўқитувчилар	Ўқувчилар	Мактаблар сони	Ўқитувчилар	Ўқувчилар	Мактаблар сони	Ўқитувчилар	Ўқувчилар
Андижон	4	28	777	1	6	261	5	34	1038
Қўқон	15	89	2381	2	18	369	17	107	2750
Наманган	9	33	740	-	-	-	9	33	740
Ўш	3	9	229	-	-	-	3	9	229
Фарғона	3	25	618	1	10	176	4	35	794
Умумий	34	184	4745	4	34	806	38	218	5551

Юқоридаги жадвалга кўра Фарғона водийси шаҳарларида 38 та мактабда 5551 нафар ўқувчига 218 та ўқитувчилар таълим берган.

1918 йил 21 апрелда Тошкентда Туркистон Халқ Университети очилиши муносабати билан шу йилнинг июнь ойида университетнинг Қўқон филиали ташкил қилинади⁴⁰⁵. 1919–1920 йилларда Қўқонда хотин-қизлар институти, ўрта техник ўқув юрти ташкил этилди, уларда маҳаллий миллатга мансуб қизлар таълим олиши йўлга қўйилди. 1920 йилда Қўқон шаҳрида биринчи педагогика техникуми очилди⁴⁰⁶. Билим юртида ўзбек тили ва адабиёти фанидан Ашурали Зоҳидий, рус тили ва география фанидан эса билим юртининг ташкил этилишига катта хисса қўшган шахслардан бири Т.Н.Қори-Ниёзий талабаларга сабоқ

⁴⁰³ ЎзРГДА нинг Фарғона филиали, 111-фонд, 1-рўйхат, 897-иш, 2-а-варақ.

⁴⁰⁴ Статистический ежегодник 1917-1923 г. Том. 1. – Ташкент: Издние ТЭС-а. 1924. – С. 82-83.

⁴⁰⁵ ЎзР МДА, Р.1630-фонд, 1-руйхат, 8-иш, 36-37 варақлар.

⁴⁰⁶ История Коканда.... – С. 70.

берган. Бироқ мазкур техникумда маҳаллий миллатга мансуб кизлар таълим олувчиларнинг 7–8 ғоизини ташкил этган, холос. Бунинг сабаби кизларнинг ўқишга кам қатнашиши сабабларини диний уламолар қаршилиги, совет мактаби олдида қўйилган вазифаларни тўла англаб етган ўқитувчиларнинг етишмаслиги, дарсликлар ва қўлланмаларнинг йўқлиги билан изоҳланар эди⁴⁰⁷.

1918 йил 8 июлда Андижон шаҳрида Туркистон Халқ Университетининг филиали, ноябрь ойига келиб шаҳарда политехника билим юрти⁴⁰⁸, педагогика билим юрти (8.731 талаба) ташкил қилинган⁴⁰⁹.

1920 йил 20 февралда Андижон шаҳрида 60 кишига мўлжалланган ўқитувчилар тайёрлаш курслари очилган⁴¹⁰. Курсларда айна вақтда 65 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари таҳсил олишган. Шу йилнинг 1 май ойдан бошлаб 3 та аёллардан иборат ўқитувчи тайёрловчи курслар ҳам очилиб, у ерда дастлаб маҳаллий аҳоли вакилларидан 10 киши таълим олган.

Шаҳарларда, хусусан, Андижон ва Қўқон шаҳарларида касбий ўқув муассасалари ҳам ташкил қилинган. 1923 йил 1 январь ҳолати бўйича Фарғона вилояти Андижон ва Қўқон шаҳарларида 2 та касб-хунар техникуми, 1 та педагогик билим юрти, 1 та қисқа муддатли курс бўлиб, улар қуйидагича ҳолатда эди⁴¹¹:

3.2. жадвал

Шаҳарлар	техникум			қисқа муддатли курслар			педагогик ўқув муассасалари		
	мавжудлари	ўқитувчилар	ўқувчилар	мавжудлари	ўқитувчилар	ўқувчилар	мавжудлари	ўқитувчилар	ўқувчилар
Андижон	1	7	75	-	-	-	-	-	-
Қўқон	1	16	104	1	10	38	1	10	62

⁴⁰⁷ История Узбекской ССР в 4-х тт. Т.3.Т. – Ташкент: Фан, 1967. – С. 375.

⁴⁰⁸ Известия ТАССР. 1918 г, 16 ноября.

⁴⁰⁹ ЎзР МДА, Р.20-фонд, 1-руйхат, 289-иш, 20-варак.

⁴¹⁰ ЎзР МДА, Р.87-фонд, 1-руйхат, 43-иш, 30-варак.

⁴¹¹ Статистический ежегодник 1917–1923 г. Том. 1. – Ташкент: Издние ТЭС-а. 1924. – С. 82–83.

Фарғона вилояти шаҳарларида халқ таълими билан бирга илк мактабгача таълим муассасалари вужудга келди. 1918 йилда Қўқон шаҳри марказида 100 нафар болага мўлжалланган биринчи болалар боғчаси⁴¹², Андижон эса 2 та (темир йўлчилар ва пиво заводи клуби қошида) очилган⁴¹³. Андижонда 2 та болалар уйи ҳам очилган бўлиб, унда 172 нафар ота-онасиз қолган етим болалар тарбияланган⁴¹⁴.

1920 йили Скобелев уездига асосан, европаликларнинг болалари учун ташкил этилган 4 та болалар боғчаси бор эди. 1921 йилга келиб Андижонда болалар боғчасининг сони 7 тага етиб, уларда 466 нафар болалар тарбияланган⁴¹⁵. Болалар боғчаларида тарбиячи сифатида асосан, Андижон шаҳридаги гимназия мактаби ва қисқа муддатли курсларда тахсил олган аёллар фаолият кўрсатган. 1921 йилда шаҳардаги қисқа муддатли курсларда 36 нафар ўзбек кизлари тахсил олган⁴¹⁶.

1922 йилда эса Қўқон шаҳрининг эски қисмида 5 та болалар боғчаси фаолият кўрсатган⁴¹⁷.

1923 йил 1 январь ҳолати бўйича Фарғона вилояти шаҳарларидаги мактабгача таълим муассасалари сони қуйидагича бўлган⁴¹⁸:

3.3. жадвал

Шаҳарлар	болалар боғчаси			болалар уйи		
	мавжуд- лари	тарбия- чилар	болалар	мавжуд- лари	тарбия- чилар	болалар
Андижон	1	3	73	1	6	162
Қўқон	1	3	90	6	32	481
Наманган	-	-	-	3	9	196
Ўш	-	-	-	2	3	140
Фарғона	2	5	158	2	11	164
Умумий	4	11	321	14	61	1143

⁴¹² История Коканда..... – С. 71.

⁴¹³ История Андижана.... – С. 74.

⁴¹⁴ Ардаширов А. Ф. Борьба за советскую школу в Андижане... – С. 117.

⁴¹⁵ АВДА, 128-фонд, 1-руйхат, 87-иш, 25-26 варақлар.

⁴¹⁶ АВДА, 128-фонд, 1-руйхат, 87-иш, 25-варақ.

⁴¹⁷ История Коканда..... – С. 86.

⁴¹⁸ Статистический ежегодник 1917–1923 г. Том. 1. – Ташкент: Изданиие ТЭС-а. 1924. – С. 92–93.

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг аҳоли орасида маданий муассасаларнинг янги тизими шакллана бошланди. Ўша даврда Фарғона водийси шаҳарларида адабиёт, мусиқа ва театр соҳасида юз берган ўзгаришларда Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг ўрни катта бўлди. Ҳамзанинг маориф, адабиёт, мусиқа ва театр соҳасида босилиб турган асарлари Фарғона ёшлари, халқ санъатчилари, мусикачилари ва ашулачилари ўртасида кенг тарқалган, уларнинг Ҳамзага бўлган муҳаббатлари ортиб борган. Шу билан бирга, Фарғона ёшлари ўртасида Ҳамзанинг Марғилонда 1915 йили ташкил қилган муаллимлар тайёрлаш мактабида ўқиган шогирдлари ҳам кўп эди. Буларнинг ҳаммаси Ҳамзанинг Фарғона шаҳрида маориф ва театр соҳасидаги ишларининг тез ривожланиши учун туртки бўлди. Унинг ташаббуси билан 1915 йилда Қўқон шаҳрида хаваскорлик театрига асос солинган эди⁴¹⁹. Шунингдек, Ҳамзанинг раҳбарлиги ва унинг иштироки билан 1918–1919 йилларда Фарғона вилоятининг бир нечта шаҳарларида маҳаллий театрлар ташкил топди. 1918 йилнинг ўрталарида Фарғона шаҳрида Ҳамза раҳбарлигида драма театри тўғараги ташкил этилади⁴²⁰.

Ҳамза маориф идоралари ва ёшлар ташкилотларининг ёрдами билан 1918 йил сентябрь ойида хаваскор ёшлардан иборат «Қўқон драма труппаси»ни тузган⁴²¹. Труппа ишлай бошлагач, шаҳар маорифи уни ўз қарамоғига олди ва унинг артистларига маош тўлай бошлади. Труппа репертуарлари асосан, Ҳамзанинг асарларидан иборат эди.

1921 йил Қўқон вилояти ташкил этилгач, Қўқон театри вилоят театрига айлантирилди. 1924 йилда эса театр давлат театрига айлантирилган⁴²². Ҳамзанинг ҳаракати билан 1918 йил Андижон шаҳрида ҳам «Қизил ғунча» деб аталувчи бадий хаваскорлик

⁴¹⁹ Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошлари. – Тошкент., 2013. – Б. 297.

⁴²⁰ Культурное строительство в Туркестанской АССР (Сборник документов). Том 1. – Ташкент: Узбекистан, 1974. – С. 17.

⁴²¹ Рахмонов М. Ҳамза ва ўзбек театри. – Тошкент: Ўз ССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1959. – Б. 180-181.

⁴²² Ўзбекистон Республикаси Миллий Энциклопедияси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2005. 11-том. – Б. 209.

труппаси ташкил этилган ва бу труппага андижонлик санъаткорлардан Тўхтасин Жалилов, Абдувахоб Азимов, Исҳоқ қори Каримов, Муҳиддин хожи Нажмиддинов, Орифжон Тошматов, Мирзажон Алимов, Тўйчи Аминов каби санъаткорлар фаолиятларини бошлаганлар⁴²³. Орадан бироз вақт ўтгач, шаҳарнинг янги қисмида ҳам Фотих Бойбеков ташаббуси билан ўзбек ва татар ёшлари иштирокида яна бир тўғарак тузилган. Ҳар иккала труппа 1918 йилнинг охирларида бирлашиб «Бирлашган Андижон труппаси» деб атала бошланган.

1919 йилнинг сентябрь ойида Фарғона музофоти маориф ишлари нозири Ҳ.Ҳ.Ниёзий театр тузиш мақсадида Наманганга келган ва «Кўк кўйлак» труппасини ташкил этган⁴²⁴. Труппа аъзолари, асосан, партия, совет ташкилотларининг ходимларидан иборат бўлиб, улар орасида инкилобий қўмита раиси Иномжон Низомбоев, қидирув бўлими бошлиғи Охундада Солихонхожиев, адлия ходими Усмон Абдурахмонов, ўқитувчилардан Фотимахон Абдурахмонова, Эшон Низомий, журналист Ҳимойиддин Йўлдошқориев, Асил Мансуров, шоир ва ўқитувчи Рафик Мўминовлар бўлган⁴²⁵. Орадан бироз вақт ўтгач, театр жамоаси сафига санъатга хавасманд ёшлардан Абдулла Тўрахонов, Муҳиддин Абдуллахонов, Аскар Раҳмонийлар қўшилган. Труппанинг репертуарлари, асосан, Ҳамзанинг асарларидан иборат бўлган. Кичик ҳажмдаги спектакллар қисқа вақт ичида тайёрланар ва ҳар оқшом намойиш қилинар эди.

1919 йил сентябрдан бошлаб, Ҳамза Наманган шаҳрида труппа аъзолари билан машғулотлар ўтказиш билан бирга, уларга актёрлик ва режиссурадан таълим беришни бошлаган. Наманганда Ҳамзанинг ўзи «Падарқуш», «Етим ва етималар» асарини сахналаштирган⁴²⁶.

1919 йилдан Ҳамза «Шарқ кечалари» уюштириб, концерт ва спектакллар ташкил этиш учун Андижонга ташриф буюради,

⁴²³ Турсунбоев С. Андижон театри. – Тошкент: Фафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – Б. 6.

⁴²⁴ НВДА, 796, 1-рўйхат, 45-иш, 48-варак.

⁴²⁵ Абдураззоқов И. Ҳамза изидан бориб. // Наманган ҳақиқати. 1977 йил, 4 февраль.

⁴²⁶ Юсупов И., Мирзалиев Э. Наманган шаҳри тарихидан лавҳалар. – Наманган., 2010. – Б. 65.

хаваскор артистлар ёрдамида ўзбек театр труппасини ташкил этган. «Шарк кечаси» катта тайёргарлик билан яратилган театрлашган халқ томошаси бўлиб, ўз олдига эски турмуш иллатларини фош қилиш, халқни театрга кизиктириш, хаваскорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби вазифаларни қўйган эди. «Шарк кечаси» ўзининг тарбиявий таъсир кучи билан Андижон театрчилик ҳаракатида салмоқли ўрин эгаллаган эди.

Андижонга Фарғонадан ҳам театр труппалари ташриф буюриб, аҳоли ўртасида «Бой ила хизматчи», «Фарғона фожеаси» спектакллари намойиш этганлар. Андижондаги хаваскорлик труппасини «Ўзбек давлат труппаси»га айлантирилиб, 1919 йил 14 декабрда хаваскорлар труппаси унинг базасида Давлат театри ташкил этилган⁴²⁷. Шундай қилиб, 1919 йил охиридаёқ Андижон маорифи қарамоғида «Умид» номли Андижон ўзбек давлат театри расмий равишда ташкил топган⁴²⁸.

Шу тарика Андижон шаҳрининг янги ва эски қисмида театр бинолари фаолият кўрсата бошлаган. 1924 йилдан бошлаб театр труппаси учун эски шаҳардаги карвонсарой биноси берилган. Артистлар ва маҳаллий ташкилотларнинг ёрдами билан театр биносига айлантирилган.

Совет ҳокимияти бу масканлар фаолиятдан мафкуравий восита сифатида фойдаланишга ҳаракат қилди. Масалан, театр санъатидан миллий маданият равнаки ниятида эмас, балки ғоявий мақсадлар йўлида фойдаланилди. Бу ҳолатлар уларнинг репуртуарларига ҳам таъсир этган.

Маданий муассасалар ичида кутубхоналар алоҳида ўрин тутган. XX аср бошларида маҳаллий маърифатпарварлар томонидан илк халқ кутубхоналари ташкил қилина бошланган. Хусусан, 1914 йилда Кўкон шаҳрида 2 та китоб дўкони очилади. Уларнинг бири «Чиғатой» деб номланиб, у ерда рус ва эски ўзбек ёзувидаги китоблар сотилган⁴²⁹. 1915 йилда Ҳамза Ҳакимзода

⁴²⁷ Андижанская правда. 1961 г, 12 февраля.

⁴²⁸ Рахмонов М. Ҳамза ва ўзбек театри... – Б. 185.

⁴²⁹ Труды Среднеазиатского государственного университета. Новая история, выпуск XVII, Исторические науки, книга 7. Издательство САГУ. – Т., 1954. – С. 92.

томонидан шаҳарда «Ғайрат» деб номланган кутубхона ташкил этилиб, унга Тошкент шаҳрида чоп этилган янги дарсликлар ва қўлланмалар ҳамда таълим-тарбияга оид адабиётлар олиб келинган⁴³⁰.

Шунингдек, 1909 йилда татар зиёлиси И.К.Шарипов раҳбарлигида Наманганда ҳам китоб дўкони очилган. 1919 йилга келиб Наманган шаҳрида китоб дўконларининг сони 15 тага етган⁴³¹.

1918 йилда Наманган шаҳридаги ёғ заводи клуби қошида биринчи оммавий кутубхона очилган. Кутубхонанинг фонди дастлаб 500 та китобдан иборат бўлиб, улар маҳаллий китобсеварлар томонидан совға қилинган эди⁴³². Кутубхонага ташриф буюрувчиларнинг асоси шаҳарликлардан иборат бўлиб, уларнинг сони 200 дан ортиқроқ кишини ташкил этган.

1923 йилда Наманган шаҳрида яна иккита кутубхона ташкил этилиб, уларнинг биринчиси маҳаллий аҳолига, иккинчиси эса рус миллатига мансуб аҳолига хизмат қилган⁴³³. Шундай бўлса-да, бу даврдаги кутубхоналарнинг моддий аҳволи оғир бўлиши билан бирга, уларда кадрлар ҳам етишмас эди. Кутубхона бинолари талаб даражасида бўлмаган.

1917 йилда Чўлпон томонидан Андижон шаҳрининг эски қисмида «Турон кутубхонаси» очилди ва унинг ёнида бир кироатхона ишга тушган. 1918 йил баҳор ойидан бошлаб кутубхона ишлари «янгича», «инкилобий» асосда қайтадан курила бошланган⁴³⁴. 1922 йилда Андижон шаҳрининг янги қисмида жойлашган кутубхонанинг китоб фонди рус аҳолиси учун 7.412 тани ташкил этган бўлса, шаҳарнинг эски қисмида жойлашган кутубхонанинг фонди 1.226 китобдан иборат бўлган⁴³⁵. Шунингдек, Қўқон шаҳрида ҳам 2 та кутубхона бўлиб, уларнинг биринчиси

⁴³⁰ Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошлари... – Б. 303.

⁴³¹ Юсупов И., Мирзалиев Э. Наманган шаҳри тарихидан лавҳалар. – Наманган., 2010. – Б. 71.

⁴³² НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 10-варак.

⁴³³ НВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 17-йиғма жилд, 19-варак.

⁴³⁴ Камиллов А.А. Туркистонда миллий масала муаммоларини ҳал этишда Туркистон МСР миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг фаолияти. Тарих фан. номзоди. ... дисс. – Т., 1993. – Б. 104.

⁴³⁵ АВДА, 128-фонд, 1-рўйхат, 121-иш, 13-варак.

3.000 китоб фондига эга бўлган ва маҳаллий аҳолига хизмат қилган, иккинчиси эса 12.000 китоб фондига эга бўлиб, русийзабон аҳолига хизмат кўрсатган⁴³⁶.

1922 йилга келиб Фарғона водийсидаги барча шаҳарларда 1 тадан маҳаллий, 1 тадан рус аҳолиси учун кутубхоналар бўлган.

Шаҳарларидаги кутубхоналар сони қуйидагича эди⁴³⁷:

3.4. жадвал

Шаҳарлар	муассаса сони	маҳаллий	рус
Андижон	2	1	1
Кўкон	2	1	1
Чуст	2	1	1
Марғилон	2	1	1
Наманган	2	1	1
Скобелев (Фарғона)	2	1	1

Шаҳарлар аҳолисининг маданий ҳаётидаги янгиликлардан бири драма ва мусиқа тўғарақларининг ташкил қилиниши эди. 1918 йилда Наманган шаҳрида Халқ уйи очилган, рус-ўзбек маърифат таркатувчи тўғараги ташкил этилиб, унда турли хил концертлар ва кечалар ўтказилган⁴³⁸. «Халқ уйи»га зиёлилар, амалдорлар ва савдо-саноат доиралари вакилларида тортиб, хизматчилар, ўқувчилар ва ишчиларгача келиб турган.

1921 йилда Кўкон шаҳрининг эски қисмида бир ой ичида 5 марта ўзбек аёллари иштирокида ўтказилган йиғилишлар натижасида мусулмон аёлларининг клублари ташкил этилган⁴³⁹. Ушбу клубнинг 50 га яқин мусулмон аёл аъзолари бўлиб, клуб ташкил этилганидан бир оз вақт ўтгач, ўзбек тилида спектакллар намойиш эта бошлаган. Шунингдек, клубда турли хил мавзуларда маърузалар ўқилган ва аёлларнинг илтимосига кўра, эски шаҳарда

⁴³⁶ ЎзР МДА, Р.20-фонд, 1-руйхат, 289-иш, 20-варақнинг оркаси.

⁴³⁷ Наука и Просвещение. 1922 г. – Ташкент. – №1. – С. 46.

⁴³⁸ Народная газета. 1918 г, 19 сентября.

⁴³⁹ Известия ЦИКа ТАССР 1921 г, 14 июля.

саводсизликни тугатиш мактаблари ташкил қилинган⁴⁴⁰. 1922 йилда Қўқонда аёллар бўлими томонидан драматик тўғараклар ҳам очилган⁴⁴¹.

1923 йил Қўқон шаҳрида очилган Мехнаткашлар уйи маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган марказга айланган. Маданий-маърифий тадбирларда турли соҳаларга бағишлаб ташкил этилган кўргазмалар асосий ўринни эгаллаган⁴⁴².

XX аср бўсағасида шаҳарлардаги маданий муассасалар тизимида музейларни ташкил қилиниши ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Дастлабки ўлкашунослик музейи 1899 йилда Фарғона шаҳрида очилиб, у 3 та (табиат, этнография, кишлок хўжалиги) бўлимлардан иборат бўлган⁴⁴³. 1920 йилда Наманган ва Андижон шаҳарларида ҳам музейлар очилади⁴⁴⁴. Наманган шаҳридаги музей халқ таълими бўлимига қарашли 1-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Владимир Иванович Иванов етакчилигида ташкил қилинган⁴⁴⁵. Ушбу мактаб музейида дастлаб физика фанидан ўқув асбоблари жамланган эди. Кейинчалик эса В.И. Иванов бошчилигида мактаб ўқувчилари томонидан ўлка табиати, тарихи, этнографиясига оид кўплаб экспонатларнинг олиб келиниши натижасида шаҳарда ўлкашунослик музейини алоҳида ташкил этиш учун ҳаракат бошланади. Саъй-ҳаракатлар оқибатида Наманган шаҳридаги савдогар Ҳамдам Каландаровга тегишли бўлган дўкон биноси музейга ажратиб берилади. Музей ташкил этилган дастлабки пайтда унинг жамғарма ҳазинасида 1000 га яқин экспонатлари мавжуд бўлган⁴⁴⁶. Наманган шаҳар халқ таълими бўлими шаҳарда янги ташкил этилган ўлкашунослик музейидаги экспонатлар сонининг кўпайишига эътибор қаратиб, 1920–1925 йиллар давомида Туркистон халқ музейидан сут-эмизувчилар ва кушларнинг экспонатлари, ноёб тангалар ва бошқа кўплаб

⁴⁴⁰ Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. – Т., 1975. – С. 61.

⁴⁴¹ ФВДА, 121-фонд, 2-руйхат, 507-иш, 93-варак.

⁴⁴² История Коканда..... – С. 88.

⁴⁴³ ЎзР МДА, Р.394-фонд, 3-руйхат, 2-иш, 181-182-вараклар.

⁴⁴⁴ Рабочий путь. 1920, 28 март

⁴⁴⁵ НВДА, 796-фонд, 1-руйхат, 45-иш, 4-варак.

⁴⁴⁶ Мирзалиев Э. Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи: кеча ва бугун. – Фарғона., 2010. – Б.

экспонатлар келтирилган. 1923 йил охирига келиб музейнинг зоология, минералогия, анатомия, нумизматика, физика каби бўлимлари мавжуд бўлган. Шу йили музейнинг экспонатлари сони 770 тага етган. 1920 йилда музейга 3.205 та, 1923 йилда эса 20.339 та одам ташриф буюрган⁴⁴⁷.

1924 йилда Қўқон шаҳридаги хон саройида ҳам ўлкашунослик музейига асос солинди⁴⁴⁸. 1924 йилнинг сентябрь ва ноябрь ойларида Қўқон шаҳридаги собик хон ўрдасида Фарғона вилояти кишлоқ хўжалигига бағишлаб ўтказилган кўرғазмага 70 мингга яқин киши ташриф буюрган⁴⁴⁹. Кўрғазмага олиб келинган материаллар Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейининг экспозицияларидан асосий ўрин эгаллаган.

Бу йилларда Скобелев шаҳрида Фарғона водийсининг табиати, тарихи ва табиий бойликларига оид материалларни мужассам этган музей ҳам ташкил этилди⁴⁵⁰.

1923 йил 1 январь ҳолати бўйича Фарғона вилояти шаҳарларидаги маданият муассасалари сони куйидагича бўлган⁴⁵¹:

3.5. жадвал

Шаҳарлар	кутубхоналар	китоблар фонди	клублар	музейлар
Андижон	1	7360	1	-
Қўқон	4	9033	4	-
Наманган	3	5397	2	1
Ўш	2	1908	1	-
Фарғона	1	10171	-	1
Вилоят бўйича	11	33869	8	2

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач, Фарғона водийси шаҳарларида кўплаб янги газеталар нашр этила бошлаган. Маҳаллий зиёлиларнинг вакиллари томонидан миллий жамият

⁴⁴⁷ НВДА, 796-фонд, 1-руйхат, 45-иш, 5-варак.

⁴⁴⁸ Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1924 йиллар). – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2015. – Б. 231.

⁴⁴⁹ Правда Востока. 1924 г, 2 декабря.

⁴⁵⁰ ЎзР МДА, Р.20-фонд, 1-руйхат, 717-иш, 37-варак.

⁴⁵¹ Статистический ежегодник 1917-1923 г. Том. 1. – Ташкент: Изданию ТЭС-а. 1924. – С. 94-95.

тузиш ва матбуот нашрларини ташкил этиш ҳаракати бошланди. Туркистонда ўз олдига сиёсий вазифа ва миллий озодлик ғояларини кўйган ташкилотлар тузилди, шунингдек, янги газеталар ҳам чоп этилди. Жумладан, Тошкентда «Хуршид», «Садои Туркистон», «Кенгаш», Наманганда «Равнакул ислом», Кўконда «Садойи Фарғона», «Тирик сўз», «Эл байроғи»⁴⁵² газетаси ва «Хуррият» журнали, Фарғонада «Фарғона нидоси»⁴⁵³ газета ва журналлари нашр этила бошланди.

1917 йилги февраль инқилобидан сўнг Кўконда миллий матбуот намуналари кўплаб чоп этилди. Обиджон Махмудов «Тирик сўз», Пулат Солиев «Эл байроғи», Аҳмад Давишев «Халк ғайрати», Халойиқ жамияти «Равнакул ислом» газетасини чоп эттирдилар. 1917 йил мартдан кўконлик жадидлар «Кенгаш» журналинини, маърифатпарвар тадбиркор Раҳимжон Хожи Шоди ўғли «Хуррият» журналинини, Ашурали Зохирий «Юрт» журналинини нашр қилдирган. Абдулла Авлоний таъбирича, «бу журнал шу вақтгача чикқан журналларнинг энг кўрками ва маънавий томондан бойи эди»⁴⁵⁴.

1918 йилдан бошлаб Кўкон шаҳрида ўзбек тилида «Народная газета», «Кокандская правда» (кейинчалик «Известия Совдепа» деб аталган) газеталари нашр этила бошланган⁴⁵⁵.

Юқорида номлари келтирилган газета ва журналларнинг умри киска бўлган бўлса-да, улар Туркистон миллий матбуоти тарихида ўзига хос ўринга эга бўлиб, уларнинг саҳифаларида ўнлаб таникли адиблар, мақоланавислар ва жамоат арбобларининг озодлик, миллий мустақиллик, маърифатпарварлик ҳақидаги қарашлари илгари сурилган эди.

1917 йил охиридан бошлаб ҳозирги «Наманган ҳақиқати», «Наманганская правда» газеталарининг дастлабки сонлари «Народная газета», «Эркинлик», «Ишчилар қалқони», «Совдеп», «Роста» каби номлар билан «Матбааи Исоҳоқия» бомахонасида чоп

⁴⁵² Гуломов Я., Набиев Р., Вахобов М. Ўзбекистон ССР тарихи (бир томлик). – Тошкент: Ўз ССР ФА, 1958. – Б. 441.

⁴⁵³ Каримов Ш. Такдир изтироби // Мулоқот. – 1991. – №4. – Б. 53.

⁴⁵⁴ Туркистон. 1924 г, 24 июня.

⁴⁵⁵ Советский Туркестан. 1918 г, 20 октября.

этила бошлаган⁴⁵⁶. Шунингдек, 1917 йилдан бошлаб Наманганда рус тилида «Известия Наманганского Совета рабочих, солдатских и дехканских депутатов» деб номланган газета чиқа бошлаган. Газета дастлаб ҳафтада 3 марта нашр этилиб, 1919 йилдан унинг тиражи сони 350-400 нусхага етказилган⁴⁵⁷.

1918 йил 18 январдан бошлаб Наманган ижроия Совдепи органига тегишли бўлган «Народная газета» 300–400 ададда⁴⁵⁸ чиқа бошлаган.

1918 йил 1 сентябрдан бошлаб Наманган ишчи, дехкон ва аскарлар советининг органи «Ишчилар қалкони» (ҳозирги «Наманган ҳақиқати» номли газета – М. У.) газетаси 600 ададда чиқа бошлаган⁴⁵⁹. Бу газета Туркистон Ижроия Кўмитаси Фавкулудда комиссиясининг кўрсатмаси билан ишчи, дехкон ва аскар депутатлари Наманган Ижроия кўмитаси томонидан нашр қилинган. Газетанинг биринчи сонига Тохир Фатхуллин деган киши масъул муҳаррирлик қилган⁴⁶⁰. Газета ҳафтанинг сешанба, жума ва якшанба кунлари 1919 йилгача 400 нусхада чоп этилиб, унинг баҳоси 35 тийин қилиб белгиланган⁴⁶¹. Газета ҳақида маълум тасаввурлар бўлиши учун унинг биринчи сонини куйида таҳлилий тарзда келтириш мумкин. Жумладан, «Ишчилар, ўз газеталарингизга муштарий бўлиб ёзилингизлар» сарлавҳаси остидаги хитоб билан мурожаат қилинган ва «ҳафтада 2 маротаба чиқадиранган газета» деб эълон берилган. Наманганда «Халқ мусиқа мактаби очилди» сарлавҳаси остида эълон босилиб, унда мусиқа мактабида ўқиш бепуллиги ва бунга аъзо бўлиш манзиллари кўрсатилган. «Маслак ва мақсад» мақоласи газетанинг чиқиши муносабати билан, унинг мақсади ва маслағи нимадан иборатлиги кўрсатилган ҳамда инқилобдан олдинги матбуотсиз мусулмонлар аҳволи ва матбуотга эга бўлган давр таҳлил этилган. Шунингдек, газетада номаълум муаллифнинг «Изтироб» номли шеъри берилган

⁴⁵⁶ Самадов Ю. Мавлоно Ибрат ворислари. – Наманган. 1999. – Б. 5.

⁴⁵⁷ НВДА, 796-фонд, 1-руйҳат, 51-иш, 46-варак.

⁴⁵⁸ Наша газета. 1918 г, 14 февраля.

⁴⁵⁹ НВДА, 796-фонд, 1-руйҳат, 44-иш, 2-варак.

⁴⁶⁰ НВДА, 796-фонд, 1-руйҳат, 44-иш, 20-варак.

⁴⁶¹ НВДА, 796-фонд, 1-руйҳат, 44-иш, 20-варак.

бўлиб, унда подшо ҳукумати даври кораланган бўлса, янги хуррият замони афзаллиги акс эттирилган.

Наманганда 1919 йил августдан бошлаб эса ҳафтада уч марта ўзбек тилида «Известия» газетаси⁴⁶² ва рус тилида «Бюллетень Наманганского Совдепа»⁴⁶³ газетаси 200 ададда нашр этила бошлаган. 1919 йил ноябрдан бошлаб эса, мусулмонларнинг «Эркинлик»⁴⁶⁴ (Свобода) деб номланган газетаси ва ўзбек тилида «Уйғониш» газеталари ҳам нашр этила бошланган. «Эркинлик» газетаси саҳифаларида Акмал Икромов, Хусайн Мақаевларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий масалаларга доир мақолалари босилган⁴⁶⁵.

1919 йилга келиб Фарғона вилоятида босмаҳоналар сони 5 тага етди, улар Фарғона, Қўқон, Наманган ва иккитаси Андижон шаҳрида жойлашган эди. Бирок шу йилдан бошлаб ўлкадаги барча типография ва литографиялар мусодора қилиниб, давлат тасарруфига ўтказилган.

Фарғона водийсида нашр қилинган «Янги Фарғона» номли газетанинг биринчи сони 1918 йил 4 декабрдан 1919 йил 1 июлгача Қўқон шаҳрида «Халқ газетаси», 1919 йил 1 июлдан 1921 йил 3 февралгача Фарғона шаҳрида «Янги Шарқ», 1921 йил 3 февралдан 1921 йил 25 майгача Қўқон шаҳрида «Меҳнат байроғи», 1921 йил 27 майдан бошлаб «Фарғона» ва, ниҳоят, 1926 йил 22 октябрдан бошлаб «Янги Фарғона» номи билан Қўқонда нашр қилина бошланган⁴⁶⁶. Янги Фарғона газетасининг 1918–1920 йиллардаги фаолияти жуда кийин шароитларга тўғри келган. Газетада ишлаш учун малакали кадрлар етишмас эди. Газета саҳифаларида «Андижон», «Ўш», «Наманган», «Қўқон», «Марғилон», «Муҳим хабарлар», «Мактаб турмушидан», «Фарғона ёшлари», «Чет

⁴⁶² НВДА, 796-фонд, 1-руйхат, 44-иш, 2-варак.

⁴⁶³ НВДА, 13-фонд, 4-руйхат, 8-иш, 69-70-вараклар.

⁴⁶⁴ НВДА, 796-фонд, 1-руйхат, 51-иш, 48-варак.

⁴⁶⁵ ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-руйхат, 15466-иш, 37-38-вараклар.

⁴⁶⁶ Хайдаров М. «Янги Фарғона» газетасининг майдонга келиши ва унинг Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашдаги роли. Учёные записки. Выпуск V. Серия общественных наук. – Наманган, 1964. – С. 164.

элларда» каби мавзуларда жойларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ва маданий воқеалар ёритилган.

1920 йил июлдан бошлаб Россия телеграф бошқармаси Наманган бўлимининг ҳафтада 3 марта: чоршанба, жума ва якшанба кунлари ўзбек тилида нашр этиладиган «Роста»⁴⁶⁷ деб номланган газетаси чиқа бошлаган. 1920 йил 19 октябрдан бошлаб Наманган шаҳрида ўзбек тилида В.Исхақов, Д.Шайхов, М.Йўлдошқориев ва Л.Алимовларнинг сайи-харакатлари билан «Қизил тикон» деб номланган журнал ҳам нашр этилган⁴⁶⁸.

Шундай қилиб, XX аср бошларида Фарғона водийси шаҳарларида матбаачиликнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиши халқнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва илғор фикрлар билан қуроллантиришда ҳамда ижтимоий-маърифий фикрларнинг такомиллашувида катта аҳамият касб этди.

XX асрда Фарғона водийсидан етишиб чиққан кизикчилар, ҳофизлар, хонандалар, созандалар, кўшиқчилар, раққослар ўз санъати билан халқ хурматини қозонганлар. Марғилонлик ўзбек анъанавий театрининг йирик номояндаларидан бири, рақс санъати устаси, машҳур кизикчи, Ўзбекистон халқ артисти Юсуфжон кизик Шакаржонов (1869–1959), унинг шогирди Охунжон кизик Хўзуржонов (1903–1967) ва Усмон Қори Райимбеков (1886–1968) ўз томошалари билан нафақат водийда, балки бутун Туркистонда донг таратган эдилар.

1918 йилда Марғилон шаҳрида «Санойи нафиса» деб номланган кизикчилар труппаси тузилади. Юсуфжон кизик, Болта ҳофиз, Маматбобо Сатторов, уста Олим Комилов, Отахўжа Саидхўжаев, Қўзихон Мадрахимов, Муҳаммадсаид чангчи, Йўлдош махсум найчи, Абдурахмон ғижжакчи, Жўраҳон Султоновлар аъзо бўлиб кирдилар⁴⁶⁹.

Юсуфжон кизик 1918 йилда Марғилонда кизикчилар труппасини қайта ташкил этди. Унда Усмон қори Райимбеков,

⁴⁶⁷ НВДА. 796-фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 2-варак.

⁴⁶⁸ Рямзина В., Мусабоев М., Завлунов М. Создание и деятельность Наманганской партийной организации в первые годы Советской власти. – Наманган, 1967. – С. 48.

⁴⁶⁹ Маннопов С. Марғилон-маданият ва саноат маркази // Марғилон шаҳри утмиши, бугуни ва эртаси мавзусидаги республика илмий семинар материаллари. – Фарғона. 2007. – Б. 89-90.

Сулаймон Мирзарахимов каби кизикчилар, Маматбува хофиз, Худойберган хофиз, Отахўжа раққос, машҳур доирачи Уста Олим Комиловлар фаолият кўрсатганлар⁴⁷⁰.

Хулоса қилиб айтганда, ўлкадаги ижтимоий ва маданий жараёнлар асосан шаҳар ҳаётида яққол намоён бўлди. Шаҳарларда ижтимоий-маданий муассасалар сони кўпайиб борди. Бу даврда анъанавий таълим муассасалари билан бирга жаҳид мактаблари ҳам аста-секин тугатиб борилди. Уларнинг негизида янги мактаблар ташкил қилинди. Таълим масканлари дастлаб турфа хил бўлиб, кейинчалик тобора маълум стандартларга ўта бошлади. Уларнинг ўқув дастури ҳам ҳукмрон мафкура таъсирига мослаштириб борилди. Шаҳарларда ҳукмрон мафкура ғояларини тарғиб қилувчи матбуот нашрлари вужудга келди. Шунингдек, бу даврда шаҳарларда мавжуд бўлган кутубхона ва музейлар фаолияти кенгайиб борди. Улар совет ҳокимиятининг тарғибот масканлари вазифасини бажаришга бўйсундирилган бўлса-да, шаҳар аҳолиси маданий ҳаётининг муҳим объектига айланди.

3.2-§. Соғлиқни сақлаш, муҳандислик инфратузилмалари, санитария ва ободончилик масалалари

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги кескин ҳарбий-сийёсий курашлар шароитида Фарғона водийсининг шаҳар аҳолиси ҳаётида ижтимоий муаммолар кескинлашиб кетди. Бу жараёнларда юзага келган иқтисодий танглик оқибатида аҳоли ўртасида турли юқумли касалликлар авж олиб, аҳоли ўртасида санитария-гигиена қоидалари, соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятни тарғиб этиш, касалликларни ўз вақтида даволаш ишлари эътибордан четда қолди. Ўлкада шифокор мутахассисларнинг етишмаслиги, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги боис улар ўртасида турли хил касалликлар кенг тарқалган эди. Статистик маълумотларга кўра, 1917 йилда Ўзбекистон ҳудудида 128 та шифокор⁴⁷¹ бўлиб, Фарғона вилоятида эса ҳар 50.000 кишига битта шифокор тўғри

⁴⁷⁰ Марғилон. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 206.

⁴⁷¹ Ўзбекистан за 15 лет. Статистический сборник. – Ташкент., 1939. – С. 15.

келар эди⁴⁷². Шифокорлар ҳамда касалхоналарнинг етишмаслиги аввалги мустабид тузумдан мерос эди.

Масалан, XX аср бошларида Наманган шаҳрида 15 ўринли битта касалхона бўлиб, 2.330 кишига бир ўрин тўғри келар, жами касалларга 2 нафар шифокор, 4 фельдшер ва битта доришунос хизмат кўрсатар эди⁴⁷³. Қишлоқларда яшовчи аҳоли эса тиббий хизматдан деярли фойдалана олмаган. Бунинг натижасида ўлкада вабо, чечак, безгак ва бошқа кўплаб юқумли касалликлар тарқалиб, аҳоли демографиясига жиддий таъсир кўрсатган.

1914 йилга келиб шифохонадаги оддий аҳоли учун ўринлар сони 30 тага етган. Аммо шифокорлар сони 4 тага тушиб қолган⁴⁷⁴. Касалхонанинг ахволи аянчли даражада бўлиб, санитария-гигиена талабларига жавоб бермаган, тиббиёт анжомлари етишмаган, хоналар совуқ ахволда бўлган. 1917 йилга келиб касалхонада ишловчи шифокорлар сони 3 нафарга етган 10 та кўшимча жойлар ташкил этилиб, 30 таси эркаклар ва 10 таси аёлларга ажратилган. Шаҳар касалхонасида беморлар шифокор қабулига ҳар қуни қатнаб даволанар эдилар. Бу ерда бир йил давомида маҳаллий аҳоли вакилларида 10.000 кишигина фойдалана олган.

1918 йилда Наманган вилоятида ҳам М. Ғаниев бошчилигида соғлиқни сақлаш бўлими ташкил этилган. Наманган шаҳридаги касалхонада кейинги йилларда ўринлар сони кўпайиб, 60 ўрин эркакларга, 30 ўрин аёлларга, яна 30 ўрин юқумли касалликларга ажратилган. Шаҳарда 1 та эркаклар амбулаторияси очилган⁴⁷⁵. Шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмида ҳам даволаниш пунктлари очилган бўлса-да, шаҳардаги нотинчликлар туфайли иш олиб бормаган. Шаҳар касалхонасида юқумли касаллар учун 14 ўринга мўлжалланган бўлим мавжуд бўлса-да, у ерга 27 киши жойлаштирилган⁴⁷⁶. Касалхонада ўринлар сони ва тиббиёт ходимларининг етишмаслиги туфайли юқумли касалликка чалинган 12 та маҳаллий аҳоли вакиллари ўз уйларида даволанишга

⁴⁷² Ўзбекистан за 15 лет. Статистический сборник. – Ташкент., 1939. – С. 93.

⁴⁷³ Рузибоев Т., Хожимирзаев М. Наманган вилояти: Справочник. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 92.

⁴⁷⁴ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 49-иш, 2-варак.

⁴⁷⁵ ЎзР МДА, Р.40-фонд, 1-рўйхат, 137-иш, 399-варак.

⁴⁷⁶ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 49-иш, 3-варак.

мажбур бўлишган. Шаҳарда таркалган «Ўлат» касаллиги оқибатида беморларнинг 50 % и кирилиб кетаётганлиги таъкидланади⁴⁷⁷. 1919 йилдан бошлаб Наманган шаҳрида чечакка қарши эмлаш гуруҳлари ташкил қилинган⁴⁷⁸. Бироқ тиббиёт ходимларини етишмаслиги туфайли эмлаш ишлари қийинчилик билан амалга оширилган.

1923 йилда Наманган шаҳрида касалхоналар камайиб 2 та қолган. Шаҳардаги ҳар иккала касалхона 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, уларда 36 нафар тиббиёт ходимлари беморларга хизмат кўрсатган⁴⁷⁹. Касалхоналарда йилига ўртача 944 нафар бемор даволанган. Наманган шаҳридаги амбулатория эса 18 та штатдан иборат бўлиб, уларнинг 9 тасини тиббиёт ходимлари ташкил қилган. Амбулаторияда йилига ўртача 32156 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатилган.

1923 йилнинг ўрталарига келиб Наманган шаҳрида 3 та касалхона бўлиб, улар терапевт, жарроҳлик ва юқумли касалликлар бўлимларидан иборат бўлган⁴⁸⁰. Бундан ташқари, шаҳарда яна иккита амбулатория ҳам мавжуд бўлган. Шаҳардаги амбулаториянинг биринчиси умумий, иккинчиси эса маҳаллий аёлларга хизмат қилган. Касалхоналардаги терапевт ва жарроҳлик бўлимлари 50 та, юқумли касалликлар бўлими эса 30 та ўринга мўлжалланган эди. Шаҳардаги амбулаторияда 1923 йилнинг май ойида 920 нафар, маҳаллий амбулатория эса 428 нафар беморни қабул қилган. Бироқ Наманган шаҳридаги мавжуд касалхоналар қийин шароитда бўлишига қарамадан, аҳолига имконият даражасида тиббий хизмат кўрсатишган.

1924 йилда Наманган уезди ҳудудида 6 та касалхона, 9 та амбулатория, 2 та аёллар ва 3 та болалар бўлимлари, 12 та фельдшерлик пункти ҳамда 4 та безгакка қарши станция очилган⁴⁸¹. Шаҳарда эса 60 ўринли касалхона, 2 та амбулатория бўлиб, у ерда 4 та шифокор, 1 та тиш шифокори ва 6 та акушерка (доя) фаолият кўрсатган⁴⁸². Шунингдек, 20 ўринли юқумли касалликлар

⁴⁷⁷ НВДА, 13-фонд, 4-рўйхат, 8-иш, 82-варак.

⁴⁷⁸ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 5-варак.

⁴⁷⁹ НВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 30-варак.

⁴⁸⁰ ФВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 207-иш, 10-варак.

⁴⁸¹ Рўзиев Т., Ҳожимирзаев М. Наманган вилояти... – Б. 92.

⁴⁸² НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 2-варак.

касалхонаси, шаҳар амбулаторияси, тиш амбулаториялари бўлган. 1924 йилда Наманган шаҳар Соғликни сақлаш бўлими ташкил этилиб, унга Парпибой Абдуқодиров раҳбар этиб тайинланган⁴⁸³.

1918 йилда Скобелев (Фарғона) шаҳрида 60 ўринли аёллар ва болалар касалхонаси, Эски Марғилонда эса маҳаллий аёл ва болалар учун 10 ўринли касалхона хизмат кўрсатган⁴⁸⁴. 1920 йилда Скобелев шахрининг эски қисмида аёллар учун унчалик катта бўлмаган битта касалхона фаолият кўрсатган. Шу йили шаҳарда яна битта туғруқхона ва янги туғилган чакалоқлар учун «Сут томчилари» бўлимини очишга ҳаракат қилинди⁴⁸⁵. Бироқ турар жой топилмаганлиги оқибатида бундай режа амалга ошмай қолган.

1918 йилда Туркистоннинг бошқа вилоятларида бўлганидек, Фарғона вилоятида ҳам соғликни сақлаш бўлими ташкил этилади⁴⁸⁶. Ушбу бўлимлар зиммасига жойларда тиббий хизмат тармоқларини йўлга қўйиш, эпидемияларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш чора-тадбирларини ташкил этиш, она ва болалар саломатлигини сақлаш бўйича самарали ишлар олиб бориш юклатилган. 1918 йил ноябрь ойидан бошлаб Андижон-Ўш уезд-шаҳар соғликни сақлаш бўлими ташкил қилинади⁴⁸⁷. Бу йиллардаги мураккаб жараёнларга қарамай, Фарғона вилояти шаҳарларига Россиядан кўплаб шифокорлар кела бошлади. Масалан, Андижон-Ўш уезд-шаҳар соғликни сақлаш бўлимининг биринчи мудирини В. Ф. Шмидт, шифокорлардан И. Б. Воврижин, В. Ю. Воеводский, К. П. Олифинг, М. С. Эрнест, Н. А. Кинзе, М. С. Голошевская, Н. Я. Василевский, В. В. Кашурников кабилар Андижон шаҳрига келиб ишлаганлар⁴⁸⁸. Мазкур шифокорлар Фарғона водийсининг турли шаҳар ва қишлоқларида бўлишиб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишган.

⁴⁸³ НВДА, 796-фонд, 1-руйхат, 48-иш, 5-варак.

⁴⁸⁴ Набиев Ф.Х. Проблемы и противоречие социальной политики в Туркестане (1917–1924 гг). Дисс... док. ист. наук. – Т., 1995. – С. 165.

⁴⁸⁵ ФВДА, 221-фонд, 1-руйхат. 277-иш, 22-варак.

⁴⁸⁶ Муминова Г. Ўзбекистонда соғликни сақлаш тизими тарихи (1917–1991 йиллар). – Тошкент: Yangi-nashr, 2015. – Б. 55-56.

⁴⁸⁷ Алиев М. М. Роль русских врачей в развитии здравоохранения в Ферганской долине // Советское здравоохранение. – М.: Медицина, 1986. – №9. – С. 74.

⁴⁸⁸ Алиев М. М. Роль русских врачей в развитии здравоохранения в Ферганской долине.... – С. 74.

1923 йилда Фарғона шаҳридаги касалхона 40 ўринга мўлжалланган бўлиб, улардан 20 таси юқумли касалликлар, 20 таси эса оддий касалликлар билан оғриган беморлар учун эди. Шаҳар касалхонасида 34 нафар ходим фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг 2 та шифокор, 2 та доя, 25 та ёрдамчи ходимлардан иборат эди⁴⁸⁹. Касалхонада кунига ўртача 40 га яқин беморлар стационар тарзда даволанган. Шунингдек, касалхона қошида амбулатория ва тиш шифокори хонаси ҳам бўлиб, уларда ҳар куни 30-40 тача бемор даволанган. Бироқ касалхонада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда тиббий жиҳозлар билан таъминланиш ҳолати кониқарли даражада бўлган. Беморлар учун зарур бўлган кўрпа-тўшаклар, дори-дармонлар етишмаган, иссик овқатлар умумий қозонда тайёрланар эди. Касалхоналар учун вилоят соғлиқни сақлаш бўлими томонидан ажратилган маблағ етишмасди. Касалхона биноси ҳам таъмирланиш ҳолатида эди. Иситиш печлари ишламас, электр энергияси ва сув билан таъминланиш ҳолати аянчли аҳволда бўлган.

1923 йили Фарғона вилояти шаҳарларида 512 ўринли 12 та касалхона, 142 та ўринли 7 та участка касалхонаси, 11 та амбулатория, 1 та шифокор амбулатория пункти, 14 та фельдшер амбулатория пункти ҳамда 1 та тез тиббий хизмат пункти аҳолига хизмат қилган⁴⁹⁰.

Марғилондаги шаҳар касалхонаси ҳам 15 ўриндан иборат бўлган⁴⁹¹. Касалхона алоҳида бўлимларга ажратилмаган бўлсада, уларнинг 5 та ўрни маҳаллий аёллар ва болалар учун ажратилган эди. Бутун Марғилон шаҳри аҳолиси учун битта шифокор хизмат қилган.

1923 йил 1 июлдаги ҳисоб-китобларга кўра, Фарғона вилоятида аҳолининг ҳар 79011 нафарига битта шифокор хизмати тўғри келган. Эски Марғилонда эса 25 ўринли шаҳар касалхонаси, 30 ўринли болалар уйи ҳамда шаҳар амбулаторияси мавжуд бўлган.

1919 йил ноябрда Андижоннинг янги шаҳар қисмида шифокор Н.А.Кинзе етакчилигида амбулатория очилиб, асосан, русийзабон

⁴⁸⁹ ФВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 239-иш, 42-варақнинг орқаси.

⁴⁹⁰ ЎзР МДА, Р.40-фонд, 1-рўйхат, 457-иш, 38-варақ.

⁴⁹¹ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 1130-иш, 380-варақ.

аҳоли вакиллари учун хизмат қилган. Иккинчи амбулатория эса шифокор В.Ю.Воеводский томонидан 1920 йил 1 январда ташкил этилган. Амбулатория шаҳарнинг эски қисмида жойлашган бўлиб, асосан маҳаллий аҳолига вакилларига хизмат қилган⁴⁹². 1920 йилда Андижонда 2 та шаҳар касалхонасидан ташқари аҳолига 3 та амбулатория, дорихона хизмат кўрсатган⁴⁹³. Шаҳардаги биринчи касалхона 120 ўриндан иборат бўлиб, унда жаррохлик, терапия ва акушер-гинекология бўлимлари ташкил этилганди. Мазкур касалхона шаҳардаги эски биноларнинг бирида жойлашган бўлиб, унинг бир-бирдан ажралган 5 та биноси, кенг ҳовлиси, ошхонаси ва омборхонаси бўлган⁴⁹⁴. Касалхона биноларини ёритишда 5 та электр чироклари ва керосин лампалардан фойдаланилган. Озиковкат таъминот захираси фақат кундалик маҳсулотлардан иборат бўлиб, иссиқ овқат кунда бир маҳал тайёрланган, камқувват беморларга врач тавсияси асосида бир кунда бир стакан сут ҳам берилган. Касалхонада дори-дармонлар чегараланган миқдорда бўлиб, кўплаб тиббий буюмлар ва дори-дармонлар етишмаган.

1919 йилда Андижон шаҳар аҳолисига шифокорлар Коссовский ва Машчиковичлар стоматологик ёрдам кўрсатишган. Бу даврда шифокор кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам кун сайин ортиб боради. 1920 йилнинг 20 майида Андижон шаҳрида рус шифокорлари ёрдамида 2 йиллик акушер-гинекологик курслар очилиб, уларга асосан 18-35 ёш оралиғидаги аёллар ўқишга қабул қилинган. Шу йилнинг сентябр ойдан бошлаб шаҳарда 2,5 йиллик хамширалар тайёрлайдиган мактаб ҳам очилган⁴⁹⁵.

1921 йилда Андижон шаҳрида 70 ўринга мўлжалланган тез тиббий ва болалар касалхонаси ташкил этилган⁴⁹⁶. Шифокорларнинг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишида бир қатор моддий қийинчиликлар, моддий-техника базасининг талаб даражасида бўлмаганлиги, тиббий анжом ва ускуналарнинг етишмаслиги, малакали мутахассислар йўқлиги жиддий тўсқинлик

⁴⁹² АВДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 69-иш, 43-варақ.

⁴⁹³ Мухитдинов М., Хужаков А. Здравоохранение Андижанской области. – Ташкент: Медицина, 1985. – С. 17.

⁴⁹⁴ ЎзР МДА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 1130-иш, 379-варақ.

⁴⁹⁵ Алиев М. М. Роль русских врачей в развитии здравоохранения в Ферганской долине... – С. 74.

⁴⁹⁶ АВДА, 59-фонд, 1-рўйхат, 49-иш, 305-варақ.

қилган. Бундан ташқари, стоматология хизмати Қўқон, Наманган ва Ўш шаҳарларидагина йўлга қўйилган бўлиб, бошқа ҳудуд аҳолисига бу масофавий кийинчиликлар ҳам туғдирган. Дорихоналарнинг етишмаслиги эса касалликларни ўз вақтида даволашда жиддий тўсқинлик қилган.

1923 йилда Андижон шаҳридаги касалхона олти бўлимдан иборат 75 ўринли касалхонага айлантирилган. Аммо шаҳарларда соғлиқни сақлаш муассасаларидаги кескин вазият ўзгармай қолаверди. Чунки шаҳарларда тиббий хизмат кўрсатиш ва аҳолининг турмуш даражаси жуда паст эди. Фарғона шаҳарларида 1923 йилда 11 та амбулатория мавжуд бўлиб, унда 15 та шифокор фаолият юритган⁴⁹⁷. 1922 йилда 12 та амбулатория, 34 та шифокор фаолият юритган бўлса, 1923 йилга келиб 11 та амбулатория ва 15 та шифокор қолди.

1924 йилда Андижон шаҳар касалхонаси 60 ўринли бўлиб, унда терапия, жаррохлик, туғруқхона ва юқумли касалликлар бўлимлари бўлган⁴⁹⁸. Касалхонада 1 та терепевт, жарроҳ, 5 та фельдшер, 3 та доя, 2 та ҳамшира ва 32 та медицина ходимлари фаолият кўрсатган. Шу йилнинг 1 апрелдан шаҳар касалхонаси даволаш маблағи ҳисобига кўра 60 ўриндан 70 ўринга кўпайтирилган. Шаҳар касалхонасида касалларни озик-овқати ҳамда зарур тиббий дори-дармонлар билан таъминланиши қониқарли даражада бўлган. Шунингдек, Андижон шаҳрида 2 та амбулатория ҳам бўлиб, уларнинг биринчиси шаҳарнинг янги қисмида жойлашган эди. Амбулаторияда 3 та шифокор хонаси бўлиб, у ерда даволовчи шифокор, беморларни рўйхатга олувчи ҳамшира, фельдшер, санитар ва таржимон хизмат қилган. Шаҳарнинг эски қисмидаги амбулаторияда эса шифокор, фельдшер, акушерка хизмат қилган. Ҳар иккала амбулаториянинг таъминоти захираси қониқарли бўлса-да, зарур бўлган тиббиёт анжомлари етишмаган. Шунингдек, шаҳарда 2 та амбулатория бўлиб, уларнинг биринчиси завод қошида ташкил этилган, у ерда

⁴⁹⁷ ЎзР МДА, Р.40-фонд, 1-рўйхат, 457-иш, 38-варак.

⁴⁹⁸ ЎзР МДА, Р.87-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 38-варак.

шифокор ва фельдшер хизмат қилган, иккинчисида эса фақат ўрта махсус маълумотли фельдшер хизмат қилган.

XX аср бошида Қўкон шаҳрининг янги қисмида 2 та касалхона ва 1 та амбулатория бўлиб, унда 4 нафар шифокор ишлаган. 1921 йилда шаҳарнинг эски қисмида ҳам 2 та касалхона ва амбулатория бўлиб, у ерда 2 нафар шифокор хизмат қилган⁴⁹⁹. 1924 йилда Қўкон шаҳрида 90 ўринга мўлжалланган касалхона бўлиб, у жаррохлик, терапия, гинекология ва кўз касаллиги бўлимларидан иборат бўлган⁵⁰⁰.

1924 йилда Ўш уезди аҳолиси 123132 кишини ташкил этган. Шаҳарда 30 ўринга мўлжалланган касалхона бўлиб, унда жаррохлик, терапевт, юкумли касалликлар, акушер-гинекология бўлимлари аҳолига хизмат қилган⁵⁰¹. Шаҳарнинг янги ва эски қисмларида ҳам амбулаториялар бўлиб, ҳар икки муассасада битта шифокор ишлаган.

Фарғона водийси шаҳарларидаги тиббиёт муассасалари ва шифокорлар сони қуйидагича бўлган (1921 йил):

3.6. жадвал

Худуд	Касалхона		Амбулатория	Стоматология хонаси	Дорихона
	сони	ўрин			
Андижон шаҳри	2	100	2	-	1
Қўкон шаҳри	4	170	4	2	2
Эски Марғилон шаҳри	1	15	1	-	-
Фарғона шаҳри	2	40	3	-	1
Наманган шаҳри	3	90	1	1	1
Ўш шаҳри	1	30	1	1	1
Жами	13	445	12	4	6

Жадвалда келтирилган статистик маълумотлар водий шаҳарларида ташкил этилган тиббий муассасалар сон ва сифат жиҳатдан тубдан фарқланганлигини кўрсатиб турибди. Хусусан, энг кўп касалхоналар сони Қўкон шаҳрида ташкил этилганлигига

⁴⁹⁹ ЎзР МДА, Р.40-фонд, 1-рўйхат, 190 а-иш, 1416-варақнинг оркаси.

⁵⁰⁰ ЎзР МДА, Р. 40-фонд, 1-рўйхат, 457-иш, 5-варақ.

⁵⁰¹ Средне-Азиатский медицинский журнал. Т. 5. 6. Июнь. – Т.: Типография Востокагосиздат, 1924. – С. 283.

карамасдан, беморлар учун ажратилган жой жиҳатидан Андижон шаҳар касалхонаси катта бўлган⁵⁰².

Фарғона вилояти шаҳарларида мавжуд тиббиёт муассасалари (1922 йил 1 ноябр ҳолати)⁵⁰³:

3.7. жадвал

№	Шаҳар номлари	касалхоналардаги ўрин
1	Қўқон	225
2	Андижон	82
3	Марғилон	81
4	Наманган	70
5	Ўш	30

Жадвалда келтирилган статистик маълумотлар бўйича водий шаҳарларида ташкил этилган касалхоналарда беморларга ажратилган жой бўйича Қўқон шаҳри юқори ўринда турган.

Бу даврга келиб (1922 йил) Туркистонда соғликни сақлаш соҳасидаги аҳвол кескин эди. Бир йил ичида республика бўйича соғликни сақлаш комиссарлиги маъмурий органлар таркиби 726 тадан 222 тага, йирик ва кичик шифохоналар сони 188 тадан 139 тага, амбулаториялар сони эса 237 тадан 33 тага кескин қисқариб кетган⁵⁰⁴. Тиббиёт хизматининг ёмонлиги, яшаш ва меҳнат қилиш шароитининг оғирлиги туфайли, аҳоли ўртасида вабо, безгак, трахома, мохов ва бошқа кўплаб касалликлар кенг тарқалган, бу касалликларга қарши курашишда айрим худудлар аҳолисига умуман тиббий ёрдам кўрсатилмаган.

1922 йилда Фарғона вилояти Соғликни сақлаш бўлими бошлиғи томонидан берилган маълумотга кўра, вилоятда юқумли касаллик ниҳоятда кўпайиб кетган. Бу ҳолатни тўхтатиш учун Скобелев (Фарғона), Наманган ва Ўш шаҳарларида юқумли касалликларни олдини олиш бўйича махсус комиссия тузилган. Қўқон шаҳрида 300 ўринли, Скобелевда 100 ўринли, Андижон

⁵⁰² Отчёт Ферганского Областного Экономического Сопещания... – С. 130.

⁵⁰³ ЎЗР МДА, Р.25-фонд, 1-руйхат, 1391-иш, 203-варак.

⁵⁰⁴ Отчёт о деятельности СНК Экономического Совета Турк Республики. 1 октябрь. – Т., 1922. – С. 170–173.

шаҳрида 40 ўринли, Наманган шаҳрида 30 ўринли ва Ўш шаҳрида 25 ўринли юқумли касалликлар учун шифохона ташкил этилган⁵⁰⁵.

1922 йилда Фарғона водийси шаҳарларида фаолият олиб борган тиббиёт ходимларининг сони қуйидагича бўлган⁵⁰⁶:

3.8. жадвал

Соҳалари	Кўкон	Андижон	Марғилон	Наманган	Ўш	Жами	Вилоят бўйича
Шифокор	15	5	4	5	2	31	34
Стоматолог	2	-	1	1	-	4	4
Доришунос	30	7	5	5	5	50	79
Доялар	8	1	3	1	2	15	20
Тиббиёт хамшираси	12	5	3	4	3	27	28
Чечакка қарши эмлаш	2	1	1	2	1	7	10
Хужалик ходими	134	51	43	66	26	380	426

Жадвалда келтирилган статистик маълумотлар бўйича водий шаҳарларида ташкил этилган тиббиёт муассасаларида шифокорлар сони бўйича Кўкон шаҳри юқори ўринда турган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Фарғона вилоятида шаҳарларни ободонлаштириш ишлари иккинчи даражага тушиб қолди. 1916 йилда Наманган шаҳрининг ободончилик ишларига бюджетдан 15.460 рубл, шаҳар кўчаларини ёритиш учун эса 10 минг рубл ажратилган⁵⁰⁷.

1918 йилда Туркистон Мухторияти тугатилгач, вайронага айланган Кўкон шаҳри кўчалари 1919 йилдан бошлаб таъмирлана бошлади. Шаҳарда 75 та ўтиш кўприклари қурилди ҳамда бир нечта қатта-қатта кўприklar таъмирдан чиқарилди⁵⁰⁸.

XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб шаҳарларга электр, газ ва керосин лампалар кириб кела бошлади. Туркистондаги бошқа

⁵⁰⁵ ЎзР МДА, Р.40-фонд, 1-рўйхат, 317-иш, 22-варақ.

⁵⁰⁶ ЎзР МДА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 1391-иш, 203-варақ.

⁵⁰⁷ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 97-иш, 3-варақ.

⁵⁰⁸ История Коканда.... – С. 70.

шаҳарлар сингари Фарғона водийси шаҳарларини ободонлаштиришда шаҳар кўчаларини ёритиш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Масалан, 1920 йилларда Андижон шаҳри кўчалари керосин лампалари билан ёритилган бўлса, кейинчалик электр фонарлардан фойдаланилган. 1924 йилдан бошлаб Андижонда шаҳар кўчаларини ёритиш ишларига ҳам эътибор берила бошланган. 1924–1925 йилларда шаҳарда электр тармоклари ўтказилиб, шаҳарнинг эски қисмида янги дизель қуввати 60 л ўрнатилиши натижасида 900 та электр чироқлари ёрдамида кўчалар ёритилган.

1920 йилларнинг ўрталарига келиб Қўқонда 89 дона электр лампа ўрнатилган бўлса-да, улар шаҳарни ёрита олмаган⁵⁰⁹. Бунинг асосий сабаби шаҳарда электр энергиясини етказиб берувчи 5 та двигател, XX асрнинг дастлабки йилларида ўрнатилган бўлиб, улар 1920 йилларга келганда анча эскириб қолган эди. Бу даврда Фарғона вилоятида 7 та электр станциялар мавжуд бўлса-да, улардан атиги 3 тасигина ишлаган, холос⁵¹⁰.

Бу даврда Фарғона водийси шаҳарларида мавжуд биноларни таъмирлаш ишларига ҳам жиддий эътибор берилмаган. 1921 йилдан бошлаб Андижонда шаҳар биноларини таъмирлаш ишлари бошланиб, шу йилнинг сентябрига қадар қайта таъмирланган 12 та бинога 7 млн. рубл маблағ сарфланган. Шунингдек, шаҳардаги «Россия» меҳмонхонаси, фуқаролар йиғилиши ўтказиладиган бино, тўқимачилик фабрикаси ва 2 та хусусий уй ҳам қайта таъмирланган. 1921 йилнинг ўзида Андижонда умумий ҳисобда 157 та уй таъмирланган.

1921 йилда Қўқон шаҳар коммунал бўлими томонидан шаҳардаги биноларни таъмирлаш учун 3 млн рубл маблағ сарфланган⁵¹¹. Аммо, Қўқон шаҳрининг санитария ҳолати яхши эмас эди, шаҳар кўчаларида чироқлар етишмас, кўприклар ва пиёдалар учун ажратилган йўллар кам эди. Шаҳарда тузилган

⁵⁰⁹ ФВДА, 121-фонд, 2-руйхат, 447-иш, 16-варак.

⁵¹⁰ ФВДА, 121-фонд, 2-руйхат, 447-иш, 26-варак.

⁵¹¹ ФВДА, 435-фонд, 1-руйхат, 52-иш, 145-варак.

коммунал хўжалиги аҳолидан 3.451.640 рубл коммунал тўловлар ундириб олган бўлсада, ахвол жуда ночор эди⁵¹².

1923 йилда Скобелев (Фарғона) шаҳар электростанцияси ишга тушган⁵¹³. 1924 йил 1 октябрда шаҳардаги 292 та турар жой бинолари бўлиб, 1924–1925 йилларда бу биноларнинг 33 таси таъмирланган⁵¹⁴. Бироқ, бу биноларнинг аксарияти капитал таъмирга мухтож бўлган. Шу билан бирга, Кўкон шаҳрида янги турар жой биноларининг қурилиш ишлари олиб борилган. 1924–1925 йилларда умумий майдони 750 м² ташкил қилган 30 та янги турар жой бинолари қуриб битказилган⁵¹⁵.

1924–1925 йилларда Андижон шаҳрида аҳоли учун янги 4 та турар-жой бинолари қурилган. Шунингдек, шаҳарда: бактериологик лаборатория, 3 та шаҳар касалхонаси биноси, янги меҳмонхона биноси, эски шаҳар амбулатория биноси ва 2 та мактаб биносининг қурилиши бошланган. 1924–1925 йилларда шаҳардаги уйларнинг таъмирлаш ишларига 29887 рубл сарфланган⁵¹⁶. 1923–1924 йилларда шаҳар кўчалари, кўприклар таъмирланган, мавжуд ариқлар тозаланиб, кўчаларнинг чеккаларига дарахтлар экилган. 1924 йилда Андижонда шаҳарнинг турли кўчаларида кўчат экиш ҳафталиклари ташкил этиб, 2 мингга яқин кўчат ўтказилган⁵¹⁷. 1924–1925 йилларда Андижонда шаҳар қурилиш ишларига 40101 рубл сарфлаган⁵¹⁸.

1924 йилда Наманган шаҳридаги 9153 та бино маҳаллий хўжалик бўлимига қарашли бўлган. Шаҳардаги 12 та бино маҳаллий хўжалик тасарруфида бўлган, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига тегишли 68 та бино, 9 та бино давлат муассасаларига, 2 таси жамоатчилик уюшмаларига, 8 таси мактаб ва интернатларга, қолганларида эса хонадонлар жойлашган⁵¹⁹. Шу

⁵¹² Отчёт о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь месяцы 1921 года. – Т., Изд-е ТЭС., 1922. – С. 6.

⁵¹³ История Ферганы. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 40.

⁵¹⁴ ФВДА, 121-фонд, 2-руйхат, 347-иш, 17-варак.

⁵¹⁵ История Коканда.... – С. 89.

⁵¹⁶ АВДА, 59-фонд, 1-руйхат, 496-иш, 165-варак.

⁵¹⁷ История Андижана.... – С. 92.

⁵¹⁸ АВДА, 145-фонд, 1-руйхат, 295-иш, 165-варак.

⁵¹⁹ НВДА, 13-фонд, 1-руйхат, 17-иш, 9-варак.

йили шаҳардаги 22 та уй таъмирланиб, унга 5451 рубл, шаҳардаги биноларни ёритиш учун 3401 рубл сарфланган. Шаҳардаги катта йўлни кесиб ўтиш жойларида 3 та кўприклар қурилди ҳамда маҳаллий қурилиш материаллари ёрдамида 33 та кичкина кўприклар қайта таъмирланди⁵²⁰. Бирок керакли воситаларнинг етишмаслиги туфайли шаҳар кўча ва пиёдалар йўллари қайта таъмирланмай қолди. 1924 йилдан бошлаб шаҳарда аҳоли яшаши учун турар жойлар, маданий-маиший муассасалар ва коммунал объектлари қурилиши бошланган⁵²¹.

Наманганда 1925 йилда шаҳардаги маҳаллий хўжалик бўлимларининг даромади 116,7 минг рублни ташкил этган ҳолда, шаҳардаги турар жойлар қурилишига 45,6 минг рубл ажратилган. 1921–1926 йилларда шаҳарда ташки қўриниши билан бошқалардан ажралиб турувчи 4 та янги мактаб бинолари барпо этилиб, ҳовлисида чинор дарахтлари экилган⁵²². 1927 йил августда Наманганда содир бўлган кучли зилзила оқибатида шаҳардаги кўплаб аҳоли турар-жойлари вайрон бўлган. Зилзиладан азият чеккан аҳоли учун ҳукумат кўмагида кўплаб турар жойлар қурилган. Масалан, 1927 йилдан 1929 йилгача умумий майдони 11940 м²ни ташкил қилган 81 та кўп қаватли уйлар қуриб битказилган⁵²³. 1929 йилда шаҳардаги маҳаллий хўжалик бўлимининг даромади 660567 минг рублни ташкил этган⁵²⁴.

Шаҳарлар ҳаётидаги муаммолардан бири тоза ичимлик суви билан боғлиқ бўлган. Маълумки, ўлкамиз аҳолиси қадимдан ичимлик суви сифатида асосан ариқ ва қудук сувидан фойдаланишган бўлсалар-да, XX аср бошларига келиб мутахассислар бу сув ичиш учун яроксиз деган хулосага келишган. Фарғона водийсидаги Андижон, Фарғона, Наманган, Марғилон каби шаҳарлар аҳолисини ҳам ичимлик суви билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этган. Ўзбекистонда водопровод биринчи бўлиб 1929 йилда Бухорода ишга туширилган. 1931 йилда

⁵²⁰ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 97-иш, 5-варак.

⁵²¹ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 97-иш, 5-варак.

⁵²² НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 97-иш, 4-варак.

⁵²³ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 97-иш, 6-варак.

⁵²⁴ НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 97-иш, 6-варак.

Андижонда, 1932 йилда эса Қўқон шаҳрида ҳам водопровод қуриш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса-да, бу ишлар охирига етмай қолган⁵²⁵. Шу сабабли ҳам водий шаҳарларида ариқларни тозалаш ишларига катта эътибор берилиб, доимий равишда ҳашарлар уюштирилган.

Шаҳарлар ижтимоий инфратузилмаларидаги яна катта муаммо Фарғона водийси шаҳарларида умумий ювиниш жойлари - ҳаммомлар етишмаслигида намоён бўлган. Шаҳарлардаги ҳаммомларнинг аксарияти ижарачиларга берилган бўлиб, ҳафтада икки кун аҳолининг камбағал қатлами учун бепул хизмат кўрсатган. Масалан, 1920 йилларнинг бошларида Андижонда 7 та ҳаммом бўлиб, уларнинг атиги 3 тасигина яроқли аҳволда бўлган, холос⁵²⁶.

Хулоса шуки, бу даврда Фарғона водийси шаҳарларида ижтимоий инфратузилмалар аҳоли эҳтиёжларини таъминлай олмас, замон талабларига жавоб бермас эди. Шаҳарларда шифохоналар етишмас, янги очилган санокли тиббий муассасаларнинг аҳоли ҳам қониқарсиз ҳолатда эди. Чунки, бинолар етишмаслиги сабабли кўпгина шифохоналар махсус жиҳозланган биноларда эмас, балки улар савдо ёки бошқа масканлар ўрнида жойлашган эди. Муаммолардан яна бири тиббиёт соҳасидаги мутахассислар етишмас эди. Совет ҳукумати шаҳарларда юқумли касалликларнинг олдини олиш, уларни даволаш учун етарли маблағ ажратмаган. Ўрганилаётган даврда Фарғона водийси шаҳарларида ёритиш тизимининг етарли даражада эмаслиги соҳага етарли маблағ ажратилмаганлиги билан изоҳланар эди. Шунингдек, шаҳарларни ободонлаштириш ва тозалаш ишларига коммунал хўжалик томонидан жуда кам миқдорда маблағлар ажратилган. Шаҳарлардаги мавжуд кўчалар, ҳовлилар, уйлар ва жамоат жойларида канализация йўқлиги туфайли санитария-гигиена ҳолати яхши эмасди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам қатор муаммолар мавжуд бўлган.

⁵²⁵ Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари... – Б. 174.

⁵²⁶ Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари... – Б. 191.

Мазкур бобга хулоса сифатида шуни кайд этиш лозимки, бу даврда шаҳарларнинг ижтимоий-маданий инфратузилмалари ва хизмат кўрсатиш тизими мутлақо коникарсиз аҳволда эди. Маданий муассасалар шаклан ўзгаришлар жараёнида бўлиб, дунёвий маданиятга интилиш кучайиб борар эди. Аммо сиёсий курашлар, ғоявий тазйиклар, иқтисодий муаммолар уларнинг фаолиятида зиддиятларни кучайтириб юборган. Хизмат кўрсатиш тизими талаб ва эҳтиёжларни қондирмас эди. Бундай шароитда анъанавий шаҳар маданияти тубдан издан чикиб, чуқур инкирозга учраб борарди.

ХУЛОСА

1917–1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларни тадқиқ этиш натижасида қуйидаги **хулосалар** ишлаб чиқилди:

1. 1917 йилнинг февраль инқилоби таъсирида Туркистонда, хусусан, Фарғона водийси шаҳарларида сиёсий жараёнлар фаоллашиб, маърифатпарвар зиёлилар, йирик сармоядорлар, маҳаллий тадбиркорлар илк миллий ташкилот ва жамиятлар шуъбаларини ташкил этдилар. Айниқса, Феврал инқилобидан сўнг шаҳар Думаларининг ташкил этилиши муҳим янгилик бўлиб, уларга сайловлар ўтказилиши натижасида Қўқон, Андижон каби шаҳарларда маҳаллий аҳоли вакиллари бошқарув тизимидан ўрин олишга эришдилар. Миллий сиёсий кучлар ниҳоятда фаоллашиб, ўлкада сайлов асосида бошқарув тизимини шакллантиришга фаол тайёргарлик кўрдилар. Аммо ҳокимиятни тинч йўл билан сайлов орқали эгаллашга кўзи етмаган социал-демократлар 1917 йил октябрда давлат тўнтаришини амалга оширдилар. Большевиклар ҳокимиятни куч билан эгаллашга муваффақ бўлгач, воқеалар ривожини мутлақо ўзгариб кетди.

2. «Миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» ҳақида жар солган ва вада қилган большевиклар амалда мустақилликка эришишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни қатъий равишда бостиришга киришдилар. Хусусан, Қўқон шаҳрида тузилган Туркистон Мухторияти зўравонлик билан тугатилди ва бу ўлкада большевиклар сиёсатиға қарши оммавий ҳаракатларни авж олишиға сабаб бўлди. Сиёсий, ғоявий курашларнинг кучайиб бориши шароитида эндиғина шаклланган шаҳар бошқарув тизими издан чиқди, совет ҳокимияти шаҳар Думаларини тарқатиб юборди. Маъмурий зўравонликка, диктатураға асосланган бошқарув тизими ва органлари қарор топиб, шаҳар хўжалиғи ва ҳаётини бошқариш уларнинг қўлиға ўтди.

3. Туркистонда большевиклар томонидан зўрлик билан хусусий корхоналар, банк, транспорт, почта кабиларнинг

национализация қилиниши, яъни давлат ихтиёрига тортиб олинishi оқибатида ўлка иктисодиёти издан чиқиб кетди. Шаҳарларда иктисодий танглик, етишмовчилик, озиқ-овқат такчиллиги кучайиб, аҳоли турмуши оғирлашди. Ўлка тарихида илгари мутлақо кузатилмаган ҳолат-оммавий очарчилик содир бўлди. Савдо, саноат ишлаб чиқариши, иктисодий инфратузилмалар фаолияти издан чиқди. Натижада, шаҳарлардан қишлоққа кетиш ҳаракатлари – деурбанизация кучайди. 1917–1923 йилларда шаҳар аҳолисининг 50,6 %га камайishi урбанизация жараёнларини тесқари оқимга йўналтирди.

4. Фарғона водийси шаҳарларида совет андозаси асосида янги маориф, маданий-маиший муассасалар ташкил этилиши натижасида шаҳар аҳолисининг турмуш тарзида қатор ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди. Бирок мазкур муассасалар фаолиятини ташкил этишда мафқуравий тазйиқлар кучайиб борди, театр санъати ва матбуот ўзига хос мафқуравий воситасига айлантириб улар орқали совет мафқурасини аҳоли онгига сингдириш мақсадида фойдаланилди.

5. Соғлиқни сақлаш ва хизмат кўрсатиш тизимлари талаб ва эҳтиёжларни қондира олмаслиги шароитида аҳвол кескинлашиб борди. Аҳолининг турмуши танг аҳволга тушган, очарчилик, қажатчилик авж олган шароитда турли касалликлар тарқалиб, аҳолининг тиббий хизматга эҳтиёжи кучайди. Барча соҳаларда каби кадрлар етишмовчилиги, мавжуд касалхоналарнинг хизмат кўрсатиш учун тиббий жиҳозлар билан таъминланмаганлиги, ажратилган маблағлар етишмаслиги, мавжуд санокли шифоҳоналар вайронага айланганлиги, иситиш, электр энергияси ва сув таъминотининг етишмаслиги шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини мураккаблаштириб, оғир аҳволга солиб қўйди.

Тадқиқот якунида қўлга киритилган илмий хулосалар асосида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

– Ўзбекистонда шаҳар маданияти тарихини кенг ўрганиш мақсадида олий ўқув юртларининг ижтимоий йўналишларида

“Шахарлар маданияти тарихи” бўйича махсус курслар ташкил этиш, мультимедиа дарсликларини чоп этиш мақсадга мувофиқ;

– мазкур тадқиқот иши материаллари асосида Фарғона водийси вилоятларидаги Ўлкашунослик музейларининг совет даври тарихи бўлимларига иллюстрациялар, тарихий ҳужжатлар тайёрлаш ва жойлаштириш тавсия этилади;

– мавзуга тегишли тарихий манбалар (архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари) асосида хрестоматия ва ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш тавсия этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Мирзиёев Ш. М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи. – 2016. – 19 октябр.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – 112 б.
3. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси. – Тошкент, 2015. – 112 б.

Архив материаллари

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. Ф.И-1, 27-рўйхат, 444-иш.
6. ЎзР МДА. Ф.И-1, 1-рўйхат, 35204-иш.
7. ЎзР МДА. Ф.И-1044, 1-рўйхат, 19-иш.
8. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 2-иш.
9. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 10-иш.
10. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 17-иш.
11. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 36-иш.
12. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 69-иш.
13. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 108-иш.
14. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 232-иш.
15. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 336-иш.
16. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 345-иш.
17. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 368-иш.

18. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 375-иш.
19. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 430-иш.
20. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 678-иш.
21. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 687-иш.
22. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 746-иш.
23. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 927-иш.
24. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 938-иш.
25. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 947-иш.
26. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 948-иш.
27. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 1130-иш.
28. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 1187-иш.
29. ЎзР МДА. Ф.Р-17, 1-рўйхат, 1197-иш.
30. ЎзР МДА. Ф.Р-18, 2-рўйхат, 151-иш.
31. ЎзР МДА. Ф.И-19, 1-рўйхат, 15466-иш.
32. ЎзР МДА. Ф.И-19, 1-рўйхат, 32094-иш.
33. ЎзР МДА. Ф.И-19, 1-рўйхат, 35188 иш.
34. ЎзР МДА. Ф.И-19, 1-рўйхат, 35203-иш.
35. ЎзР МДА. Ф.И-19, 1-рўйхат, 35219-иш.
36. ЎзР МДА. Ф.Р-20, 1-рўйхат, 289-иш.
37. ЎзР МДА. Ф.Р-20, 1-рўйхат, 554-иш.
38. ЎзР МДА. Ф.Р-21, 1-рўйхат, 32-иш.
39. ЎзР МДА. Ф.Р-22, 1-рўйхат, 54-иш.
40. ЎзР МДА. Ф.Р-25, 1-рўйхат, 6-иш.
41. ЎзР МДА. Ф.Р-25, 1-рўйхат, 84-иш.
42. ЎзР МДА. Ф.Р-25, 1-рўйхат, 316-иш.
43. ЎзР МДА. Ф.Р-25, 1-рўйхат, 785-иш.
44. ЎзР МДА. Ф.Р-25, 1-рўйхат, 932-иш.
45. ЎзР МДА. Ф.Р-25, 1-рўйхат, 1391-иш.
46. ЎзР МДА. Ф.Р-27, 1-рўйхат, 572-иш.
47. ЎзР МДА. Ф.Р-34, 1-рўйхат, 50-иш.
48. ЎзР МДА. Ф.Р-34, 1-рўйхат, 119-иш.
49. ЎзР МДА. Ф.Р-37, 1-рўйхат, 409-иш.
50. ЎзР МДА. Ф.Р-39, 2-рўйхат, 578-иш.
51. ЎзР МДА. Ф.Р-40, 1-рўйхат, 190 а-иш.

52. ЎзР МДА. Ф.Р-40, 1-рўйхат, 457-иш.
53. ЎзР МДА. Ф.Р-87, 1-рўйхат, 43 иш.
54. ЎзР МДА. Ф.Р-111, 1-рўйхат, 232-иш.
55. ЎзР МДА. Ф.Р-1760, 1-рўйхат, 24-иш.
56. ЎзР МДА. Ф.Р-3282, 1-рўйхат, 182-иш.
57. Наманган вилоят Давлат архиви. Ф.Р-13, 1-рўйхат, 7-иш.
58. НВДА. Ф.Р-13, 1-рўйхат, 3-иш.
59. НВДА. Ф.Р-13, 1-рўйхат, 13-иш.
60. НВДА. Ф.Р-13, 4-рўйхат, 9-иш.
61. НВДА. Ф.Р-13, 1-рўйхат, 17-иш.
62. НВДА. Ф.Р-13, 4-рўйхат, 8-иш.
63. НВДА. Ф.Р-47, 1-рўйхат, 1386-иш.
64. НВДА. Ф.Р-796, 1-рўйхат, 26-иш.
65. НВДА. Ф.Р-243, 1-рўйхат, 34-иш.
66. НВДА. Ф.Р-796, 1-рўйхат, 51-иш.
67. НВДА. Ф.Р-796, 1-рўйхат, 59-иш.
68. НВДА. Ф.Р-796, 1-рўйхат, 44-иш.
69. НВДА. Ф.Р-796, 1-рўйхат, 45-иш.
70. НВДА. Ф.Р-796, 1-рўйхат, 48-иш.
71. НВДА. Ф.Р-796, 1-рўйхат, 49-иш.
72. НВДА. Ф.Р-796, 1-рўйхат, 59-иш.
73. НВДА. Ф.Р-796, 1-рўйхат, 63-иш.
74. НВДА. Ф.Р-796, 1-рўйхат, 97-иш.
75. НВДА. Ф.Р-796, 1-рўйхат, 117-иш.
76. Чуст давлат архиви. Ф.Р-222, 1-рўйхат, 18-иш.
77. Фарғона вилоят давлат архиви. Ф.Р-121, 1-рўйхат, 122-иш.
78. ФВДА. Ф.Р-121, 2-рўйхат, 347-иш.
79. ФВДА. Ф.Р-121, 2-рўйхат, 353-иш.
80. ФВДА. Ф.Р-121, 2-рўйхат, 447-иш.
81. ФВДА. Ф.Р-121, 2-рўйхат, 507-иш.
82. ФВДА. Ф.Р-263, 1-рўйхат, 9-иш.
83. ФВДА. Ф.Р-263, 1-рўйхат, 14-иш.
84. ФВДА. Ф.Р-435, 1-рўйхат, 52-иш.
85. ФВДА. Ф.Р-435, 1-рўйхат, 66-иш.

86. ФВДА. Ф.Р-435, 1-рўйхат, 166-иш.
87. ФВДА. Ф.Р-435, 1-рўйхат, 197-иш.
88. ФВДА. Ф.Р-435, 1-рўйхат, 207-иш.
89. ФВДА. Ф.Р-435, 1-рўйхат, 239-иш.
90. ЎзРПДА нинг Фарғона филиали. Ф.Р-111, 1-рўйхат, 897-иш.
91. Андижон вилоят давлат архиви. Ф.Р-7, 1-рўйхат, 7-иш.
92. АВДА. Ф.Р-59, 1-рўйхат, 49-иш.
93. АВДА. Ф.Р-59, 1-рўйхат, 104-иш.
94. АВДА. Ф.Р-59, 1-рўйхат, 496-иш.
95. АВДА. Ф.Р-59, 1-рўйхат, 2829-иш.
96. АВДА. Ф.Р-76, 1-рўйхат, 11-иш.
97. АВДА. Ф.Р-90, 1-рўйхат, 69-иш.
98. АВДА. Ф.Р-128, 1-рўйхат, 1-иш.
99. АВДА. Ф.Р-128, 1-рўйхат, 75-иш.
100. АВДА. Ф.Р-128, 1-рўйхат, 87-иш.
101. АВДА. Ф.Р-128, 1-рўйхат, 91-иш.
102. АВДА. Ф.Р-128, 1-рўйхат, 121-иш.
103. АВДА. Ф.Р-145, 1-рўйхат, 295-иш.
104. ЎзРПДА Андижон филиали. Ф.Р-93, 1-рўйхат, 30-иш.

Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

Ўзбек тилидаги адабиётлар

105. Абдуллаев О. Наманган вилояти (табиати, аҳолиси, хўжалиги). – Наманган: Наманган вилояти ҳокимияти ноширлик бўлими, 1995. – 150 б.
106. Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. – Наманган, 2000. – 290 б.
107. Абдуллаев Й. Эски мактабда хат савод ўргатиш. – Тошкент: Ўрта ва Олий мактаб, 1960. – 150 б.
108. Акбаров Р. Туркистон миллий ташкилотларининг дастурларида миллий масаланинг ақс этиши / Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон. – Тошкент, 2003. – 335 б.

109. Акрамов З. М. Фарғона водийси. – Тошкент: Фан, 1957. – 87 б.
110. Алимова Д. А. Жадидчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида / Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. – Тошкент: Эльдинур. 1998. – 94 б.
111. Алимова Д. А., Голованов А. А. Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: сиёсий ва мафқуравий тазйик оқибатлари (1917–1990 й). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 72 б.
112. Ата-Мирзаев О., Катанов И. Фарғона водийси шаҳарлари. (Демографияси тўғрисида баъзи фикрлар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1972. – 32 б.
113. Андижон тарихидан лавҳалар / Маъсул муҳаррир: П Исроилов. – Андижон: Андижон нашриёт матбаа, 2008. – 260 б.
114. Аъзамова Р. Совет Ўзбекистонида халқ маорифини раванки. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976. – 31 б.
115. Аъзамхўжаев С. Туркистон бирлиги (Мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар). – Тошкент: Фан, 1995. – 16 б.
116. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 168 б.
117. Аъзамхўжаев С. С. Туркистонда миллий-демократик давлатчиликни барпо этиш учун қураш // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгилавиш, тараққиёт ва мустақиллик учун қураш. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 142 б.
118. Аъзамхўжаев С. Ягона Туркистон учун // Фан ва турмуш. – Т., 1995. – №. 4. – Б. 12-13.
119. Аъзамхўжаев С. «Шўрои исломия-асли қандай эди» // Фан ва турмуш. – 1992. – № 5–6. – Б. 18–19.
120. Аҳмедов Э. А. Ўзбекистон шаҳарлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – 221 б.
121. Аҳроров Н. Қадимий ўлчов бирликлари. – Тошкент: Комус, 1995. – 133 б.

122. Бадаев А. Давлат Думасининг большевик депутат Думада кандай курашди. – Тошкент: Узпартнашр, 1935. – 124 б.
123. Вахобова Н. Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1973. – 40 б.
124. Дониёров Ш. Мухторият қисмати // Шарқ юлдузи. – 1991. – №12. – Б. 159–173.
125. Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти: (Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917–1924 йилларда). – Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2007. – 158 б.
126. Ерметов А. Туркистон АССР да совет бошқарувининг ўрнатилиши ва мустақамланишида милиция органларининг ўрни (1917–1924 йиллар). – Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2010. – 63 б.
127. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизги-лар). Даврий тўплам. 1. – Тошкент: Университет, 1999. – 219 б.
128. Жалилов С. Андижон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989. – 79 б.
129. Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Тошкент: Фан, 1993. – 116 б.
130. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 478 б.
131. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 447 б.
132. Зиёева Д. «Босмачилик» қандай пайдо бўлди // Тафаккур. – 1997. – №4. – Б. 32–37.
133. Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918–1924 йиллардаги курашлар тарихшунослиги). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 174 б.

134. Зияева Д. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда хусусий мулк ва тадбиркорликка қарши кураш сиёсати // Ўзбекистон тарихи. – 2011. – №1. – Б. 30–40.
135. Зияева Д.Х. XIX асрнинг сўнги чораги – XX аср бошида Фарғона водийсида «янги» ва «эски» шаҳар муаммоси // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2012. – №3-4. – Б. 22-33.
136. Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошлари: шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари. – Тошкент: Янги нашр, 2017. – 440 б.
137. Исоқбоев А. Маданий-маърифий тараққиёт учун кураш // Жамият ва бошқарув. – 2005. – №1. – Б. 75–76.
138. Исоқбоев А. Туркистон матбуоти фидоийлари // Жамият ва бошқарув. – 2007. – №4. – Б. 105–107.
139. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Туркистонда ўқиш-ўқитиш ишлари тарихидан // Халқ таълими. – Т., 1993. – №8–9. – Б. 45–50.
140. Қодиров М. Ўзбек театри анъаналари. – Тошкент, 1976. – 421 б.
141. Каримов Ш. Қафасдаги қуш орзуси. – Тошкент: Фан, 1991. – 64 б.
142. Каримов Ш. Тақдир изтироби // Мулоқот. – 1991. – №4. – Б. 52–58.
143. Каримов Н. Қимматга тушган тўлов ёхуд Туркистон Мухториятининг вужудга келиши ва тор-мор этилиш сабаблари // Тафаккур. – 1996. – №3. – Б. 108–119.
144. Красногорова П. М. Ватанимиз ўтмишидан давлат Думасига бўлган сайловлар тўғрисида. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон ва Правда Востока бирлашган нашриёти, 1953. – 16 б.
145. Колбинцев А. П. Фарғона водийси бўйлаб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – 102 б.
146. Қуллиев Х. Мустабид жамиятнинг иқтисодий пойдеворини шакллантириш (1917–1920 йй). – Тошкент: Фан, 1996. – 25 б.
147. Мадьярова С. Туркистон мухторияти миллий армияси масаласини ўрганишга доир // O'zbekiston tarixi. – 2006. – №1. – Б. 65–73.

148. Марғилон шахрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни / Марғилон шахрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент-Марғилон: Фан, 2007. – 222 б.
149. Марғилон / Таҳрир ҳайъати: Солиҳов Ш ва бошқалар. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 225 б.
150. Маннопов С. Марғилон – маданият ва саноат маркази // Марғилон шахри ўтмиши, бугуни ва эртаси мавзусидаги республика илмий семинар материаллари. – Фарғона, 2007. – Б. 89–90.
151. Маҳкамов У. Ўзбекистонда мактаб-маориф тараққиёти тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 40 б.
152. Мирзалиев Э. Ю. Наманган шаҳар халқ маорифи тараққиёти тарихидан. – Наманган, 1989. – 31 б.
153. Мирзалиев Э. Ю. Наманган маданияти тарихидан лавҳалар. – Наманган., 1994. – 105 б.
154. Мирзалиев Э. Базарова М. Наманганнинг XIX аср охири – XX аср бошидаги социал-иқтисодий ва маданий ривожланиши. – Тошкент: Катортал-камолот, 1998. – 168 б.
155. Мирзалиев Э. Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи: кеча ва бугун. – Фарғона., 2010. – 100 б.
156. Мингноров А. Хўқанд фожеаси // Саодат. – 1992. – №12. – Б. 14-15.
157. Мингноров А. 1917–1918 йил сиёсий жараёнларнинг Туркистон матбуотида ёритилиши // Ўзбекистон тарихи. – 1999. – №4. – Б. 44–48.
158. Мингноров А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Тошкент: Маънавият, 2002. – 60 б.
159. Мирсаидова Н. Туркистон қайғусида // Жамият ва бошқарув. – 2004. – №3. – Б. 74–75.
160. Муртазаева Р. Ҳ. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Тошкент: Университет, 2007. – 184 б.

161. Муллажанов И. Р. Ўзбекистон аҳолиси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 141 б.
162. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоклари (1865–1990 йиллар) / Маъсул мухаррир Д. А. Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 432 б.
163. Мустафоева Н. Туркистон маорифи XX асрнинг 20-йиллари муаллифлари назарида // Ўзбекистон тарихи. – 2004. – №3. – Б. 33–45.
164. Мўминова Г. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917-1991 йиллар). – Тошкент: Yangi-nashr, 2015. – 336.
165. Набиев А. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – 96 б.
166. Назаров О. Туркистон АССР да юритилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг аҳоли миллий таркиби ўзгаришга таъсири / Республика илмий-амалий анжумани. Мақолалар тўплами. – Термиз. 2010. – Б. 97–99.
167. Нурмухаммедов Х., Жалилов С., Ҳамидов Ю. Андижон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984. – 90 б.
168. Нурмухамедова М. Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 96 б.
169. Норқулов Н. Мухториятнинг тугатилиши // Фан ва турмуш. – 1990. – №8. – Б. 8–9.
170. Президент Ислом Каримовнинг Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Ишонч. 2007. – 8 сентябрь.
171. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи. (Ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 302 б.
172. Ражабов Қ. Совет ҳокимияти бизга қимматга тушди // Ёш куч. – 1991. – №11. – Б. 20–21.
173. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон мужодалалар (1917–1935 йиллар) // Жамият ва бошқарув. – 1998. – №3. – Б. 46–49.
174. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон мужодалалар (1917–1935 йиллар) // Жамият ва бошқарув. – 1998. – №4. – Б. 58–64.

175. Ражабов Қ. Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракати тарихининг даврлаштириш муаммолари (1918–1935 йиллар) // Ўзбекистон тарихи. – 2000. – № 1–2. – Б. 80–89.
176. Ражабов Қ. К. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917–1935 йй) – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 32 б.
177. Ражабов Қ. К., Ҳайдаров М. М. Туркистон тарихи (1917–1924 йиллар). – Тошкент: Университет, 2002. – 168 б.
178. Ражабов Қ. Истиқлол ҳаракати фидойиси // Фалсафа ва ҳуқук. 2007. – №3. – Б. 27–29.
179. Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари. – Тошкент: Янги нашр, 2015. – 240 б.
180. Ражабов С. Ўзбекистонда Совет мактаби тарихига доир. – Тошкент: Ўз ССР Ўқувпеддавнашр, 1957. – 136 б.
181. Рахмонов М. Ҳамза ва Ўзбек театри. – Тошкент: Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – 392 б.
182. Расулов А. Туркистон халқларининг Россиядаги очарчиликни бартараф этишдаги роли (1921–1923 йй) // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2003. – №2. – Б. 57–60.
183. Расулов А. Очларга ёрдам бериш комиссияси фаолияти // Жамият ва бошқарув. – 2003. – №2. – Б. 51–54.
184. Расулов А. Туркистонда очарчилик // Жамият ва бошқарув. – 2004. – №1. – Б. 60–63.
185. Расулов А. Туркистон маданий ҳаётида татарлар // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2004. – №1. – Б. 128–132.
186. Расулов А. Оч ҳолда очларни бокқанлар // Тафаккур. – 2004. – №3. – Б. 119–121.
187. Расулов А. Марказ манфаатларига бўйсундирилган сафарлар // Жамият ва бошқарув. – 2004. – №3. – Б. 43–45.
188. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. – Тошкент: Университет, 2005. – 200 б.

189. Ризаев Ш. Жадид маърифатчилиги ва театр // Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва таракқиёт учун кураш. – Тошкент: Университет, 1999. – 218 б.
190. Рўзибоев Т., Ҳожимирзаев М. Наманган области. Справочник. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – 176 б.
191. Салмонов А. Шарофиддинов А. Февраль инқилоби ва Туркистон жадидларининг маърифий фаолияти // «Ўзбекистон тарихининг айрим долзарб муаммолари» мавзуидаги вилоят илмий-назарий анжумани материаллари. – Фарғона, 1999. – Б. 34–37.
192. Самадов Ю. Мавлоно Ибрат ворислари (Наманган вилоят босмахонаси тарихидан лавҳалар). – Наманган, 1999.
193. Санақулов Х. Чуст тарихи. Этнографик очерк. – Тошкент, 1991. – 109 б.
194. Сафаров Р., Мухитдинов М., Жалолов Ж. Андижон области. – Тошкент: Ўзбекистон, 1973. – 143 б.
